

Х. Худойназаров

«ШАЖАРАИ
ТУРК»

ва унинг
ўрганилиши



TOSHDO'TAU



0000001133

У300
89
92



Х. ХУДОЙНАЗАРОВ

Келди


„ШАЖАРАИ ТУРК“

ВА УНИНГ УРГАНИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги нашруга
тавсия этган



ТОШКЕНТ «УЎҚИТУВЧИ» 1993



Тақризчилар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
профессор *Н. М. МАЛЛАЕВ*
Қашқадарё вилояти ўқитувчилар малакасини
ошириш институти ўзбек тили ва адабиёти
кабинети мудир *У. КЕНЖАЕВ*

Махсус муҳаррир: филология фанлари номзоди, доцент
М. АҲМАДБОЕВА

X $\frac{460400000-112}{353(04)-93}$ 60-93

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1993

ISBN 5-645-01897-4

*Меҳрибон ва ғамхўр,
ростгўй ва иродали акам
Ҳомид Ҳотам Худойназар
ўғлининг (1917—1982)
унутилмас ва ёрқин хоти-
расига бағишлайман.*

Ҳозирги вақтда «Шажараи турк» асарига кўплаб адабиётшунослар, тарихчилар бой ҳаётий материал манбаи, XVII аср ёзма адабиёти намунаси сифатида мурожаат қиладилар. Талабалар ва ўқувчилар ўтмиш тарихимиз билан, ундаги кўплаб шеърӣ парчалар, фольклор унсурлари билан танишадилар.

Зеро, Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асари тарихий-бадий ёдгорлигимиз намунаси ҳамдир. Абулғози Бобур каби тарихий воқеаларни бадий бўёқлар, ҳаётий лавҳалар, хотиралар орқали кишилар портрети, уларнинг хусусиятларини бадий тасвирлайди. Шу жиҳатдан «Шажараи турк» тарихий-бадий асар сифатида, XVII аср насрининг намунаси ва сўнмас обидаларидан бири сифатида қимматлидир. Биз тарихий-бадий насрнинг қимматли намунаси бўлган «Шажараи турк» асарини мазкур қўлланманинг асосий объекти қилиб олдик.

Қўлланма педагогика институтлари, дорилфунунларнинг филология факультетлари талабалари, умумтаълим мактабларининг адабиёт ва тарих ўқитувчилари ҳамда маданиятимиз тарихи билан қизиқувчи кенг жамоатчиликка Ўзбекистон халқлари тарихи, ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда ёрдам беради, деган умиддамиз.

«ШАЖАРАИ ТУРҚ»НИ ЎРГАНИШ ТАРИХИГА ДОИР

Маълумки, яқин ўтмишда миллий қадриятларимизга жамиятимиз томонидан етарли даражада эътибор берилмай келинди. Эндиликда жамият ҳаётини қайта қуриш, ошкоралик жараёни миллий қадриятларни қайта идрок этиш ва англашни тақозо қилмоқда. Миллий ўзлигимизни англаш, миллий туйғуларимизни тиклаш заруриятини юзага келтирмоқда. Шу боисдан бугунги кунда қадимий бой ва бебаҳо адабий меросимизни, ўтмишда яшаб ижод этган, адабиётимиз ва маданиятимиз хазинасига муносиб ҳисса қўшган шоир ва адибларимизнинг ҳаёти ва ижодини чуқур ва атрофлича ўрганиш ҳам миллий қадриятларимизни тиклаш демакдир. Шу жиҳатдан қараганда, ўзининг ижоди билан маданиятимиз, илм-фанимиз хазинасига муносиб ҳисса қўшган Абулғози Баҳодирхон ва унинг «Шажараи турк» асарини ўрганиш катта аҳамиятга моликдир.

Зотан, ўтмишда Абулғози Баҳодирхоннинг илмий фаолиятига баҳо берган венгер шарқшуноси Герман Вамбери: «Абулғози Баҳодирхоннинг кўпгина ишлари Бобурни хотирга туширади... Жаҳон унинг «Шажараи турк» номли тарихий асари учун ундан миннатдордир», — деган эди¹.

XVII асрда яшаб ижод қилган Абулғози Баҳодирхон олий насаб, тахт-тож соҳиби, ўз сулоласининг шону шуҳрати учун кураш олиб борган, айна чоғда парчаланиб кетаётган хонликни кучли марказлашган давлатга айлантириш учун ҳам қуроли билан, ҳам қалам билан кураш олиб бориб, нисбий осойишталик ўрнатишдек эзгу ниятни амалга оширишга интилган феодал ҳукмдор ҳам эди. Шунингдек, Абулғозихон Шарқ халқлари тарихи, маданияти, адабиётининг ўткир билимдони, илм-фанга эътиқод қўйган, нодир меъморий ёдгорликларнинг яратилишида бевосита ҳомийлик қилган маърифатпарвар давлат арбоби ва олим адиб ҳамдир.

¹ Вамбери Г. А. История Бухары или Маварауннахра. Том 1, Москва, 1964, 115-бет.

Унинг ўз даври учун бундай илғор йўл тутishi маълум даражада Хоразмнинг маданият тарихида тутган ўрни билан боғлиқ. Бир вақтлар Хоразм Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Шаҳобиддин Хевақий, Ҳайдар Хоразмий сингари муаррих, шоир, астроном, математик, қомусчи олимлари билан донг чиқарган эди. Хоразмнинг ўтмиш маданияти Абулғози сиймосида ҳам ўзига нисбатан ўчмас ихлос ва иштиёқ уйғотган эди. Шу боисдан ҳам Абулғози қолоқлашиб қолган Хоразмни ҳам иқтисодий жиҳатдан, ҳам маданий томондан юқори кўтаришга интилди. Хукмдор сифатида бекликлар ўртасидаги ўзаро қирғин урушларга хотима берувчи тадбирлар ўтказиш билан бирга, ижодкор сифатида «Шажараи турк»¹, «Шажараи тарокима»² ва «Манофёул-инсон»³ («Инсон учун фойдали тадбирлар») каби тарихий-бадий ҳамда табибликка оид нодир китоблар ёзди.

Абулғози Баҳодирхоннинг биринчи ёдгорликлар асарини «Шажараи тарокима» ярим афсонавий хусусиятга эга бўлса ҳам, у маҳаллий халқларнинг келиб чиқиши ва уларнинг қадимий тарихига оид маълумотлар беради. Асар XVI—XVII асрлар тарихини текшириш ва ўрганишда муҳим тарихий манба сифатида ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган. «Шажараи тарокима» фақатгина муҳим тарихий манба бўлиб қолмасдан, қимматбаҳо адабий ёдгорлик ҳамдир.

Абулғози Баҳодирхоннинг иккинчи йирик асари «Шажараи турк»дир. Бу асарни Абулғози ёзиб битира олмайди. Унинг вафотидан сўнг ўғли Анушахоннинг топшириғи билан Урганч муллаларидан бири, Абулғозининг қариндоши Маҳмуд ибн Муҳаммад Урганжий китобнинг ёзилмай қолган 21 саҳифасини ёзади, холос. «Шажараи турк» Абулғози Баҳодирхон ижодидагина эмас, балки XVII аср ўзбек маданияти тарихида ҳам улкан ўрин тутган асардир. У тарихий-бадий обида, мемуар китобдир.

Абулғозининг «Шажараи турк» асари ўша ўтмиш замонларнинг ақл ва заковат оламида рўй берган энг нозик, энг ноёб асарлар жумласидандир. Тўғри, бу ки-

¹ Абулғози Баҳодирхон. Шажараи турк. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди, инв. № 7668.

² Шажараи тарокима. Ўша жойда, инв. № 1223.

³ Манофёул-инсон. Ўша жойда, инв. № 4017.

тоб яратилгунга қадар Бобурнинг «Бобурнома», Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома», Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома» асарлари ва бошқалар мавжуд эди. Булар орасида «Бобурнома» ҳар жиҳатдан мумтоз асардир. Унда: «... буюк турк подшосининг ҳаёти батафсил тасвирланган, унинг ҳис-тўйгулари ҳар қандай муболағадан, пардадан ҳоли. Унинг услуби оддий, мардона, шунингдек, жонли ва образли. Ўз замондошларининг биографияларини, уларнинг қиёфаларини, урф-одатларини, интилишларини, қилиқларини ойнадай равшан тасвирлайди. Бу жиҳатдан у Ўрта Осиёда ягона, чинакам тарихий тасвир намунасидир. Бобур ҳар бир одамнинг ташқи кўринишини, кийинишини, таъбини ва одатини ифода қилади ва мамлакатларнинг иқлимини, манзарасини, хўжалигини, санъат ва ҳунармандчиликларини тасвирлаб беради. Лекин асарга муаллифнинг ўз характери энг кўп жозиба бағишлайди»¹.

Худди шундай фазилатлар Абулғозининг «Шажараи турк» асарида ҳам бор. Муаллиф баёндаги ихчамликка, ифоданинг изчиллиги, воқеаларнинг латифа ва ривоят услубида содда ва жозибали қилиб берилишига эътибор қилган. Баъзан эса, у воқеаларнинг баёнида турли пейзажларни тасвирлаб, жонли манзаралар яратади. «Шажараи турк»нинг тўққизинчи боби Абулғози замонидаги воқеалар баёнига бағишлангандир. Туркий халқлар тарихининг узилиб қолган тарихий ҳалқаларини тиклашда Абулғозининг бу асари катта аҳамиятга эгадир.

Абулғози ўзининг «Шажараи турк» асари билан Хоразм тарихчилиқ мактабига асос солган донишманд ҳамдир. Кейинги хоразмлик ижодкорлар, айниқса, Мунис, Огаҳий ва Баёнийлар Абулғозининг илғор анъаналарини ривожлантириб, янги тарих асарлари яратдилар. XIX асрда Шермуҳаммад Мунис томонидан бошланиб, Муҳаммад Ризо Огаҳий томонидан ёзиб тамомланган «Фирдавсул-иқбол», шубҳасиз, Абулғози бошлаган анъана таъсири остида, ундан фойдаланиб ёзилган йирик тарихий асар ҳисобланади. Зеро, бу тарихчилар ўзларига қадар бўлган тарихни баён этишда кўпроқ Абулғози Баҳодирхон асарларига таянадилар.

Абулғозининг асарлари Шарқ тарихчиларинигина

¹ Я. К. Сингха, А. У. Банержи. История Индии. изд. «Иностранная литература», М., 1957, 214-бет.

эмас, 1800 йиллардан бошлаб рус ва Ғарбий Европа тарихчиларининг ҳам диққатини ўзига торта бошлади. Унинг «Шажараи турк» асари Қозонда 1825 йилда (Румянцев нашри), Саблуков нашри (1854), П. И. Демезон нашри (1871), «Шажараи тарокима» асари эса 1898 ва 1906 йилларда бир неча маротаба нашр этилган. «Шажараи турк»нинг рус тилига таржимаси Россия олий ўқув юртларида Шарқ халқлари тарихи ва тилини ўқи-тиш ишига ҳам ижобий таъсир этди. Масалан, Қозон Давлат дорилфунунининг профессори И. Н. Березин туркий халқлар тарихини ўқитишда Абулғозининг асарларига ҳам таянган: «Турк хрестоматияси» номли китоби ва дорилфунун талабаларига ўқиган лекцияларида «Шажараи турк» таянч манбаи бўлиб хизмат қилганлигини олимнинг ўзи очиқдан-очиқ таъкидлайди.

«Шажараи турк» чет эллик олимларнинг ҳам диққатини торта бошлайди. Венгрия фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, машҳур шарқшунос олим Г. Вамбери 1863 йилда Техрондан чиқиб Каспий денгизининг шарқий қирғоғи бўйлаб саёҳат қилади. Ана шу саёҳат давомида Абулғозининг «Шажараи турк» китобини қўлга киритади ва у билан мукамал танишади. Китоб шарқшунос олимга кучли таъсир этади. Шу боисдан ҳам у «Шажараи турк»ка, юқорида кўриб ўтганимиздек, юксак баҳо берган эди. «Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат» (1865) номли китобида Абулғозининг ижоди билан 1870 йиллардан бошлаб қизиқиб келган П. Н. Демезон 1871—1874 йиллар орасида «Шажараи турк»ни француз тилига таржима қилади. «Шажараи турк» таржимаси унга катта шуҳрат келтиради ва на фақат француз, балки Англия ва Америка халқлари орасида ҳам кенг тарқалади.

Юқоридаги қисқача обзордан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Абулғозининг «Шажараи турк» асари ўтмишда Шарқ тарихчилари, рус ва Ғарбий Европа шарқшуносларининг эътиборига сазовор бўлган ноёб асарлардан бўлиб келган. У қарийб уч асрдан буён туркий халқлар тарихи бўйича қимматли манба сифатида ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарларининг тарихшунослик фанида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида инқилобдан кейин илмий текшириш ишлари олиб борилди. 1938 йилда яратилган «XVI—XIX асрлар туркман тарихининг манбалари ҳақида мунозаралар» ҳамда 1958 йилда нашр

этилган «Урта Осиё тарихидан очерклар» номли китоблар Абулғозининг тарихчилик фаолияти тўғрисида ҳам баҳс юритган асарлардандир. «Абулғозининг асарлари яна шунинг учун ҳам муҳимки, мазкур муаллифдан илгари бундай асарлар яратилмаган эди, шунингдек, улар вужудга келган ва кейинги XVIII—XIX асрлар учун ҳам характерли бўлиб қолаверган Хива — туркман муносабатларини ва туркманларнинг Бухоро ва Эрон билан XVIII асрдаги ўзаро алоқаларини тушуниш учун жуда бой материал беради»¹.

«Абулғози Баҳодирхон ўзининг муаррихлиги билан мўғул, турк тарихчилари орасида шуҳрат қозонган ва шу билан бир вақтда Хива ҳукмрони (1643—1663) бўлиб, унинг асарлари Россия ва чет эл тилларига ҳам таржима қилингандир»²,— деб ёзади олим А. Семенов. Айниқса, Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон халқлари тарихини ёритувчи тарихшунослар Абулғози асарларига таянч манбаи сифатида мурожаат қилганлар. «Ўзбекистон тарихи», «Туркменистон тарихи» ва «Тожикистон тарихи» асарларининг биринчи томларидаги материаллар ва муаллифлар жамоасининг Абулғози асарлари хусусидаги мулоҳазалари бунинг далилидир. «Ўзбекистон тарихи» китобининг барча нашрлари (1950, 1955, 1958, 1967, 1970 йиллар), айниқса 1967 йил ва 1970 йилларда муаллифлар жамоаси томонидан рус ва ўзбек тилларида нашр этилган «Ўзбекистон ССР тарихи» номли китобнинг биринчи томида «Хива хонлиги (XVI—XVIII асрлар)» номли XI бобда Хива хонлиги ва Абулғози Баҳодирхоннинг фаолияти ҳақида кенг маълумот ва мулоҳазалар берилган.

Б. А. Аҳмедовнинг «Кўчманчи ўзбеклар давлати» (Тошкент, 1965), Қ. Мунирнинг «Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари» (Тошкент, 1960) номли китобларида ҳам Абулғози асарларига тез-тез мурожаат қилганликларини ва улардан унумли фойдаланганликларини кўрамиз. Шунингдек, Абулғози Баҳодирхоннинг фаолияти ва тарихий мероси Қ. Юсупов томонидан алоҳида илмий тадқиқот объекти қилиб олинди. У 1950 йилда «XVII асрнинг биринчи ярмида Хива хон-

¹ Иванов П. П. Очерки по истории Средней Азии, Москва, 1958, 31-бет.

² Семенов А. А. Собрание Восточных рукописей, том 1. Ташкент, 1952, 72-бет.

лиги ва Абулғози» мавзуида номзодлик ишини ёзиб, ҳимоя қилди.

Шунингдек, машҳур ўзбек тарихчиси Я. Ғуломов «Хоразмнинг суғорилиши тарихи» номли монографиясини яратишда Абулғози асарларига кўп таянган. «Янги Урганч барпо этиш, Урганч каналини қуриш, Гурландан шимолда Вазир истехкомини солиш каби тадбирлар хон Абулғози даврида тугатилади. Шундай қилиб, унинг даврида чап қирғоқ Хоразмнинг жанубий ерларини иккинчи марта ўзлаштириш бошланган. Хоразмнинг бу маърифатли ҳукмрони ўз ота-боболарининг кўчманчилик одатларидан воз кечиб, шаҳар ва деҳқончилик воҳасининг маданиятини ўзлаштирди. Ғозиобод канали ва ундаги истехком (Ғозовот) ҳам Абулғози номи билан боғлангандир»¹.

Академик М. И. Йўлдошев Хоразмдаги уруғларнинг таркиби ва тузилишини ўрганишда Абулғозихоннинг тадбиркорлигини баён этиб: «Абулғозихон томонидан кўрилган тадбирлар тўғрисида Шермуҳаммад Мунис асарида келтирилган маълумотлар ҳам уруғларнинг таркиби ва тузилишини ўрганиш учун диққатга сазовордир»²,— деган эди.

Асримизнинг дастлабки йилларидан бошлаб Абулғози асарлари тилшунос олимларни ҳам қизиқтириб келмоқда. Бир қанча атоқли туркшунослар ўзбек адабий тили тарихига бағишланган илмий-назарий ишларида Абулғози асарларидан унумли фойдаланганлар.

Унинг асарларини ўрганиш, айниқса, Ватан урушидан кейинги йилларда авж олди. 1957 йилнинг 4—11 июнь кунларида Тошкентда ўтказилган Бутуниттифоқ шарқшуносларининг биринчи илмий-назарий конференциясида «Хивалик Абулғозихон асарлари — ўзбек адабиёти ва тилининг ёдгорлиги сифатида» деган мавзуда маъруза қилинди. Маърузада Абулғозихон адабий меросини тўплаш, системалаштириш ва улар устида ҳар томонлама, чуқур илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, филологларнинг энг муҳим ва масъулиятли вазифалари сирасига кириши алоҳида таъкидлаб ўтилди. 1958 йилда эса, А. Н. Қононов томонидан Абулғозининг «Шажараи тарокима» асари рус тилига таржима қи-

¹ Ғуломов Я. Хоразмнинг суғорилиши тарихи. Т., 1959, 303-бет.

² Йўлдошев М. И. Хива хонлигида ер эгаллиги ва давлат тузилиши. Т., 1959, 81-бет.

линиб, танқидий матни нашр этилди. Бу асарга таржимон қисқача сўз боши ёзган бўлиб, унда «Шажараи тарокима»ни ўрганиш тарихи обзор қилинган ва тилшунослик нуқтаи назаридан ўзбек тили тарихида тутган ўрни ва аҳамиятига баҳо берилган.

Абулғозининг «Шажараи тарокима» номли китобининг тилшунослик, тарихшунослик ва адабиётшуносликдаги аҳамияти ҳақида А. Н. Қононов бундай деган: «Турк тилида ўз вақтида ёзилган «Шажараи тарокима» асари ҳам тарихий аҳамиятга эга бўлиб, у фақат тил ёдгорлиги эмас, асосан ишлаб чиқариш жараёнига, тарихшунослик ва беллетристик адабиётга ҳам тааллуқли асар эди».

А. М. Шчербакнинг 1959 йилда Москвадаги Шарқ адабиёти нашриётида «Ўғузнома ва муҳаббатнома» номли китоби босилиб чиқади. Бу китоб қадимги уйғур ва эски ўзбек ёзувлари ёдгорликларига бағишланган бўлиб, унда Ўғузнома муносабати билан Абулғозининг «Шажараи турк» асарига ҳам анчагина ўрин ажратилган. Бу икки асар текширувчи томонидан таққосланади ва улардан илмий-назарий хулосалар чиқарилади. А. М. Шчербак Ўғузхоннинг афсонавий тарихини ёритувчи қўлёзмаларнинг турли хил вариантларини бири-бирига қиёслаб кўриб, шулар орасидаги энг кўп тарқалгани, аҳамиятлиси ва қадимгиси Абулғозининг «Шажараи турк»да келтирилган вариант, деган хулосага келади. У уйғур варианты билан «Шажараи турк»даги айрим деталларни, яъни ёй ва олтин ўқларни қўллаш ўринларини қиёслаш орқали ҳам Абулғозининг қўлида бизгача етиб келмаган «Ўғузнома»нинг қадимийроқ нусхаси бўлган, деб ҳукм чиқаради, Баъзи бир тарихчиларнинг Абулғозихон Ўғузхон ҳақидаги далилларни Рашидиддиннинг «Жожъе-ат-таворих» асаридан олган деган бир томонлама фикрларига қарши чиқиб, олим бундай деб ёзади:

«Умуман, Абулғозининг қўлида Ўғуз ҳақида бизгача етиб келмаган ишончли, қадимий нусханинг бўлиши ҳақиқатдир... Рашидиддиннинг «Жомеъ-ат-таворих»идан ўзлаштирилган бир қанча фактларни Абулғози Эронда бўлган вақтида бошқа форс ёзувчиларининг тарихий хроникаларидан ҳам ўқиб ўрганган. Дарвоқе, Ризо Нурнинг «Абулғози Ўғуз ҳақидаги афсонани бутунича Рашидиддиндан ўзлаштирган» деган даъвоси асосли эмас. Абулғозининг Ўғуз ҳақидаги баёнига ва умуман

«Шажараи турк»ка тил нуқтаи назаридан турли хил белгиларнинг аралаш ишлатилиши характерли хусусиятдир. Ғарбий ва жанубий тил қатламларининг мавжудлиги ҳамда муаллифнинг ижтимоий келиб чиқиши унинг Хива шеvasига яқинлигидан далолат беради. «Ўғузнома ва муҳаббатнома» номли китобда «Ўғузнома вариантлари», «Ўғузноманинг мазмуни ҳақида», «Афсонанинг тили ва ёзилган жойи», «Афсонанинг тили ва қадимги ўзбек қарлуқ-уйғур тилларининг ўзаро алоқадорлик муаммоси» номли бўлимларда ҳам Абулғозининг «Шажараи турк» асарининг тилига оид қимматли мулоҳазалар баён этилган.

Таниқли туркшунос С. И. Иванов Абулғозихоннинг «Шажараи турк» асари бўйича кўп йиллар давомида тадқиқот иши олиб бориб, самарали меҳнатининг маҳсули сифатида «Абулғозихоннинг «Шажараи турк» асари («Родословное древо тюрок» Абулгазихана») номли монографиясини ёзди, у 1969 йилда Тошкентда нашр этилди. Тилшунос олим 1970 йилда «Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асарида феъл ва исм» мавзуида докторлик диссертациясини ёқлади.

«Шажараи турк» ҳақидаги монографияда асар тилининг грамматик қурилиши ҳозирги замон тилшунослик фанининг ютуқлари ҳисобга олинган ҳолда янгича метод асосида таҳлил қилинган. Кўрииб турибдики, тилшунослигимизда ҳам тарихшунослигимиздагидек, Абулғозининг «Шажараи турк» асари ҳар томонлама ва кенг ўрганилмоқда. Бироқ, адабиётшунослигимизда бу ёдгорлик кенг ва атрофлича ўрганилгани, унинг бадий қиммати ёритилгани йўқ, адабиёт дарсликларида бадий насрнинг намунаси сифатида жой олгани йўқ. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»си эса 30- йиллардан бошлаб олимларимиз томонидан адабиётшунослик нуқтаи назаридан кенг ўрганила бошланди. Бир қатор илмий назарий ишларда «Бобурнома»нинг ўзбек классик адабиётида тутган ўрни етарли таҳлил этилган. Лекин ана шу типдаги асар бўлган Абулғозининг «Шажараи турк» асари адабиётшунослик нуқтаи назаридан атрофлича ўрганилгани йўқ. Шунингдек, адабиётшунослигимизда ҳозиргача «Шажараи турк»ни бадий насримизнинг намунаси сифатида тадқиқ этиб, Абулғози ва унинг бу асарининг ўзбек адабиётида тутган ўрни белгилангани йўқ.

Айни чоғда, 40- йилларда «Шажараи турк»ни ўрга-

нишга киришган, «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси»ни урушгача тайёрлаб нашриётга топширган адабиётшунос Олим Шарофиддинов (урушда ҳалок бўлган) 1945 йилда нашр этилган «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси»нинг иккинчи китобида «Шажараи турк» китоби ҳақида қисқача маълумот ва ундан айрим намуналар бериб: «Абдулғози Баҳодирхон бинни Арабмуҳаммад ўзбек хонлари ичида Бобурдан кейинги муҳим шахсдир. Унинг маданият тарихида қилган ишлари улуг»¹,— деб, адибга жуда тўғри баҳо беради. А. И. Абражеев 1944 йилда, «Абулғози Баҳодирхон «Шажараи турк» асарининг адабий аҳамияти» мавзуида номзодлик диссертациясини ёзди ва ҳимоя қилди. А. И. Абражеев ўз тадқиқотида биринчи бўлиб «Шажараи турк»нинг адабий аҳамиятини ўрганишга киришди, асарнинг қурилиши, унга киритилган қўшимча эпизодлар, иштирок этувчилар таърифи, воқеалар тасвиридаги бадийлик, тил ва услуби ҳамда шеърларнинг бадий қимматини ёритишга интилди ва қисман муваффақиятларга эришди. Тадқиқотчи Абулғози сиймосини асарнинг бош қаҳрамони, худди бадий образ сифатида талқин этишга берилиб кетади. Лекин «Шажараи турк»нинг композицион тузилиши, бадий қиммати, турли-туман бадий тасвир воситалари, пейзаж, портрет тасвири, халқ урф-одатлари, фольклор унсурлари каби жуда кўп жиҳатларини мукамал тадқиқ этмайди.

Мазкур асарни ўрганиш борасида кейинги йилларда ҳам айрим ишлар қилинди. М. Юнусовнинг «XIX аср шоири Комил Хоразмий ижодиёти» мавзуида ёқлаган номзодлик диссертациясида, В. А. Абдуллаевнинг «XVII—XVIII асрларда Хоразм ўзбек адабиёти» мавзуида ёқлаган докторлик диссертациясида ва Ҳ. Кўрўғлининг 1969 йилда Москвада «Ўғузларнинг қаҳрамонлик эпоси» деган мавзуда ёқлаган докторлик диссертациясида ҳам Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» номли асарлари таянч манбаларидан бири бўлиб хизмат қилган. Э. Рустамов ҳам ўзининг «XV асрнинг биринчи ярмида ўзбек шеърляти»га бағишланган монографиясида ўқ ва ёй таърифи, тавсифида бошқа манбалар қатори Абулғозининг

¹ Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси. Тошкент, II том, 1945, 531-бет.

«Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» асарларига мурожаат этган.

Олтмишинчи йилларга келиб, олий ўқув юртлари учун ўзбек адабиёти тарихидан дарсликлар яратилиши муносабати билан Абулғози Баҳодирхон фаолияти ва ижоди олий ўқув юртлари учун яратилган «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигининг иккинчи китобида муаллиф В. А. Абдуллаев Абулғози фаолиятига «XVII аср тарих асарлари ва тазкиралар» бўлимида бирмунча ўрин ажратган¹. Китобхонлар, талабалар дарслик орқали Абулғози ва унинг меросининг адабий қиммати ҳақида ҳам маълум даражада тасаввур ҳосил қиладилар.

Ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларимиз тикланаётган бугунги кунда биз ҳам мазкур қўлланмада Абулғозининг тарихий-бадиий асарларини адабий ёдгорлик сифатида ва унинг ўзбек адабиёти тарихида, шу жумладан адабиётнинг наср жанрида тутган ўрнини ёритиш вазифасини қўйдик: Абулғозининг адиб сифатидаги санъаткорлик маҳоратини ўрганиш ва ёритишда «Шажараи турк» асарини бош объект қилиб олдик.

І Б О Б

«ШАЖАРАИ ТУРК» АСАРИ ВА У ЯРАТИЛГАН ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ДАВР

Тарихий шароит ва маданий ҳаёт

Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида, XVI асрда Урта Осиё ҳудудида (асосан Мовароуннаҳр ва Хоразм кўзда тутилади) феодал тарқоқлик кучая бошлайди. Бунинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий сабаблари қуйидагича бўлган:

Чунончи, Шайбонийхон ҳукмронлигидан бошлаб 100 йил давом этган шайбонийлар давлати типик феодал давлат эди. Давлатнинг бошида чексиз ҳуқуққа эга бўлган хон ўтирган, бутун вилоятлар шу хонадон аъзоларига, султонларга бўлиб берилган, вилоят ҳукмронлари эса махсус аскарӣ гуруҳга, уруғ ва қабила-ларнинг юқори доираларчга, руҳонийларга суянган-

¹ Абдуллаев В. А. Ўзбек адабиёти тарихи, Тошкент, 1964, 14-бет.

лар, Масалан, XVI асрнинг 40-йилларида Самарқандда Абдулатиф, Бухорода Абдулазиз, Тошкентда Бароқхон, Қармана ва Миёнколда Искандар султон, Балхда Пирмуҳаммадхон кабилар ҳукмронлик қилганлар¹. Буларнинг ҳар бири ўзини мустақил ҳукмдор ҳисоблаб, бир-бирлари билан тўхтовсиз урушиб турар эди. Булар бош ҳукмдорга (хонга) нисбатан вассаллик муносабатида бўлишлари керак бўлса ҳам, лекин улар кўпинча хон ҳукуматини танишни истамас ва унга қарши кураш олиб борар эдилар¹.

XVI асрдаги феодал урушларнинг бутун оғирлиги, жабр-жафоси, даҳшати меҳнаткаш халқ бошига тушиб, уни қон қақшатган эди. Темурийлар ва шайбонийлар ўртасидаги тож-тахт кураши мана шундай бўлган эди. Бу кураш маълум даражада Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» достонида ўз ифодасини топган. Шу асар таҳлили муносабати билан «Ўзбек адабиёти тарихи» китобида бундай дейилади: «Икки сулоланинг тож-тахт учун кураши натижасида кўп шаҳар ва қишлоқлар хароб бўлади, минглаб кишилар қирилиб кетади, даҳшатли очлик ва оммавий касаллик вужудга келади. Буларнинг ҳаммасига темурийлар каби шайбонийлар ҳам баб-баравар айбдор эдилар, китобхон ўзаро феодал урушларнинг даҳшатли оқибатларини кўрар экан, шоирнинг талқинидан қатъи назар, Шайбонийхон ва унинг хатти-ҳаракатларидан ғазабланмай қолмайди»².

Абдулмўминнинг отаси Абдуллахоннинг Урганч устига уч марта қўшин тортиб бориши юртга харобалик келтиради. XIV асрда бошланган феодал тарқоқлик XVII асрга келиб янада кучая бошлайди. Абдуллахон ва унинг ўғли Абдулмўминхонлар даврида Хоразм жуда кўп марталаб ўзаро қирғин урушлар гирдобиди қолиб, тобора қашшоқлаша ва хонавайрон бўла борди. Талончиликдан ташқари, солиқ-олиқлар ҳаддан оширилди. Абулғозининг отаси Арабмуҳаммадхон тахтга чиққач ҳам Хива хонлигида ўзаро қирғин урушлар давом этиб турди. Бир томондан, Эрон ва Бухоро ҳукмронларининг босқинчилиги, иккинчи томондан, ўзаро тақсимлаб олинган қавм-қариндош бекликлар

¹ Ғуломов Я. Ғ., Набиев Р. Н. Ўзбекистон тарихи, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1958, 225- бет.

² Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи, 1- китоб, «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1963, 587- бет.

Ўртасидаги тинимсиз фожиали курашлар узлуксиз давом этиб, Абулғози болалик ва ўсмирлик йилларидан бошлаб узоқ ва яқин қариндошлар ўртасидаги салтанат учун олиб борилган аёвсиз курашларнинг гувоҳи бўлиб ўсди. Баъзан бу курашлар, уруғ ва элатлар ўртасидаги фитналар қирғин келтирувчи даҳшатли босқинчилик урушига айланиб кетганлигини кўрди ва ўзи ҳам кўпинча уларда иштирок этди.

Бухоро хони Абдуллахон «тарих ҳижрийнинг минг тақи олтида» товуқ йилида (456) ўлгандан сўнг ордан бир неча йил ўтгач, «Абдулла Султонхонни кўчиб боратурғонда Зомин қалъасининг олдинда отасининг беклари ўқ бирлан отиб ўлдирадилар» (Шажараи турк», 457- бет)¹.

Шундан сўнг Хоразм мустақил хонлик сифатида Бухоро хонлигидан узил-кесил ажралиб чиқади. Урганч билан Вазирни Ҳожимуҳаммадхон эгаллайди. «Хевақ бирлан Катни Арабмуҳаммадхонга, Хазораспни Асфандиёр султонга» берадилар. Бироқ улар ҳукмронлиги даврида ҳам Хоразм хонлиги ҳудудида ўзаро қирғин урушлар, шиддатли курашлар тўхтамайди, балки янада кескинлашади.

Арабмуҳаммад ҳукмронлигининг олтинчи ойида хонлик ҳудудига мингта қолмиқ бостириб киради ва қаттиқ жанглар бўлиб ўтади. Бунинг устига Мовароуннаҳрда юрган Элбарсхон ўғилларидан Хусрав султон Хивага кириб, фитна уюштириб, Арабмуҳаммадни ўлдириб, ўрнига хон бўлмоқчи бўлади. Бу фитнанинг ичида бўлганлардан икки киши ушбу хабарни Арабмуҳаммадга етказди. Хон Хусрав султонни ва фитна бошлиғи бўлган Найман Сўфи мирзани тутиб ўлдиради. Арабмуҳаммад ҳукмронлиги даврида тож-тахт учун бундай қирғинлар узоқ қариндошлар ўртасидагина эмас, балки ота ва фарзанд, ака ва ука ўртасида ҳам узлуксиз такрорланиб турди. Арабмуҳаммаднинг етти ўғли бор эди. Уларнинг ҳар қайсисининг онаси ҳар хил уруғлардан эди. Масалан, «Хабаш султон бирлан Элбарс султоннинг онаси найман қизи, иккиси бир онадин эрди» («Шажараи турк», 468- бет).

Асфандиёрхон билан Абулғозининг онаси бошқа уруғдан эди. Арабмуҳаммаднинг бу тўртовидан бош-

¹ Китобдаги иқтибослар асарнинг нашриёт нусхасига қиёсланди. Ҳаранг: Абулғози. Шажараи турк. «Чўлпон» нашриёти, Т., 1992.

қа Шарифмуҳаммад султон, Хоразмшоҳ султон, Авғон султон номли ўғиллари ҳам бор эди. Буларнинг ҳаммаси ҳам тож-тахтни эгаллаш йўлида ҳар қандай қотилликка тайёр эдилар. Шунингдек, Арабмуҳаммаднинг жабр-ситами халққа шу қадар ўтган эдики, бу ҳақда «Шажараи турк»да шундай дейилади:

«...Шул вақтларда халқ хондин андоғ кўрқар эрдиларким, барча ўзбек бир йилғача эвина кириб хотун бирлан ётмасун теса; ҳеч кишининг ҳадди йўқ эрди. Эв тарафина бир қадам қўя билғай. Хон кўрунушга чиқиб халқга айтса, ини ва ўғлунгизни Хабаш қотиға (бу вақтда Хабаш тож-тахт даъвосида отасига қарши бош кўтарган эди.— Ҳ. Х.) юборманг, агар ким юборса, мендин яхшилик умид қилмасун, менинг бу сўзимни бир-бирингизга айтинг деб ҳукм қилса, киши юбориб шаҳарларда ва бозорларда ушбу сўзни айтиб жар чорлатса, бир кишининг ҳадди йўқ эрди, эвиндин ташқари чиқа билғай» («Шажараи турк», 161-бет). Шунга қарамасдан ҳар бир уруғнинг тахтпараст беклари ўз уруғига мансуб бўлган хон фарзандини ҳокимият тепасига чиқариб, хонликда баланд мартабага эришишга тинимсиз ҳаракат қилар эдилар. Чунки ўз қўл остидаги ҳар бир уруғдан хоннинг хотинлари бўлар эди. Бу эса мамлакат сиёсий ҳаётида доимо тинчсизлик келтириб чиқариш, хонликни тўхтовсиз қонли жанжаллар гирдобига тортиш учун феодал тузумда узлуксиз давом этувчи ҳукмрон ҳодиса бўлиб қолаверар эди:

— «Арабмуҳаммад тахтга ўлтурғондин сўнг ўн тўрт йил бўлғонда Хабаш ва Элбарс жов бўлғонининг аввали Хабаш султон ўн олти ёшина етти, Элбарс султон ўн тўрт ёшина етти. Иқкиси ҳам Хевақда ўсди. Арабмуҳаммадхон Урганч бориб эрди, Хевақда давлат шаробина маст бўлғон ўзбекнинг йигитлари Хабаш султон Элбарсни отлантириб, Урганчга ва Вазирга жар қилғали киши юбориб, черикнинг олди ва орти йиғилгунча Пешгоҳ деган қудуқда... ўн кун турдилар. ... Элбарс султон хоннинг Хастагон келганини эшитгач, беш юз киши юборди, «бор таки отангни тутуб олиб кел» деб. «Хон ҳовлига қабалди. Элбарс султоннинг кишилари отдин тушиб, тўрт тарафдин уруш солди. Ул вақтда офтоб ботди. Қоронғу бўлғондин сўнг деворни ҳар ердин тешти, таки кирди. Хонни отга миндуруб жиловини олиб, ярим кечада Хевақда Элбарс султоннинг ол-

дина олиб келдилар. Отасини бир эвга солди, эшикинда киши қўйди, ўтгуз йилдан бери йиғилган хазинани олди, тақи итга ва қушга берди. Отасининг бекларининг барчасини тутдуриб, бўлғон молларининг барчасини олдурди» («Шажараи турк», 160- бет).

Арабмуҳаммад даврида ҳам давлат ишларига дин пешволари фаол аралашар, ҳеч бир иш уларнинг «кенгаши», йўл-йўриқ кўрсатишисиз бўлмас эди. Масалан, Арабмуҳаммад ака-ука Чин ҳожи ва Қурбон ҳожиларнинг иштирокисиз бирон ишга қўл урмаган, ҳатто Хабаш ва Элбарс султонлар исёнини бартараф қилиш ва хиёнатчиларга чора кўришда ҳам Чин ҳожининг кўрсатмаси билан иш кўради. Зимдан Хабаш ва Элбарс султонларга тарафдор бўлган Чин ҳожи «Ўғлонларингизнинг бирисини ўлдирсангиз, андин сўнг қолғонининг ҳеч қайсиси сизга инонмас» («Шажараи турк», 475-бет), дейди. Абулғозининг исёнчиларни қатл қилиш керак, деган талабига рад жавобини бериб, Чин ҳожининг кўрсатмасини далил келтириб, «мен энди қила билмайман, Абулғози» («Шажараи турк», 479-бет), дейди. Абулғозининг Чин ҳожи ва Қурбон ҳожиларнинг дўстлиги сохта эканлигини, уларнинг хиёнаткорлар билан зимдан алоқаси бор эканлигини далиллаб беришига ҳам эътибор бермайди. Хабаш ва Элбарс султонлар тож-тахт таллашиб, отасининг кўзини ўйиб оладилар, сўнгра бунга ҳам қониқмай, «отасини ва Хоразмшоҳ номли инисини ва Асфандиёр султоннинг икки ўғлини — тўртини бир ерда ўлдурди» («Шажараи турк», 486- бет).

Ота ва ўғил, ака ва укалар ўртасидаги қонли тўқнашувлар баъзан уруғ ва қабилалар ўртасидаги фитна — адоват урушига айланиб кетади. Тож-тахтдан вақтинча маҳрум бўлган Арабмуҳаммаднинг катта ўғли Асфандиёрхон шоҳ Аббос кўмагида куч тўплаб, отаси, укаси ва икки ўғли қасосини дилда тугиб, Хабаш ва Элбарслар устига юриш қилади. Меҳнаткаш халқ ўртасида парокандалик бошланади, курашаётган томонлардан қайси бири тарафини олишни билмай овора бўладилар. Ана шундай қулай пайтни пойлаб баъзи бир фирибгар шахслар оддий халқ орасига уруғчилик фитналарини сочадилар. «Хабаш султон бирлан Элбарс султонга тараф бўлғудек элларга кетиб» Асфандиёрхон черик тўпласа, Баҳодирхон остонасида Саид Отавулладан бўлган Назирхўжа Асфандиёрхонга қарши

қўшини тўплаб, ўз куёви бўлмиш Элбарсхонга кўмаклашади. Бу тарихий воқеа «Шажараи турк»да қуйидагича тасвирланади: «... Шул кунлар халқнинг барчаси отланиб Асфандиёр султоннинг келгани яхши бўлди. Эртасин билмаган золимлардан худо қутқарди,— деб гуруҳ-гуруҳ Асфандиёр султонга келар эркандур».

Назирхўжа уч юз-тўрт юз кишини ўзи бирлан олиб келиб: элнинг Асфандиёр султонга кўмакка келатургон улур йўлнинг устида дарёнинг лабинда тушиб, бир тарафи дарё, яна бир тарафига ўр қазиди, пиёда ва отли ўтмасин теб, Асфандиёр султонга кўмакка келатургон кишиларнинг баъзиси бир сўз бирлан ва баъзиси зўр бирлан ўзига қўшиб айтибдур: «Худо кўрсатмасин Асфандиёр юрт олса, эркакларингизни ўлдуар ва урғочиларингизни Абулхон ва Манқишлоқ туркманга буюрар, ул ўлжа қилиб олиб кетар. Агар менинг бу сўзимда ёлғон бўлса, тангрининг каломи урсин. Муни теб ҳар кишининг олдида «Қуръон»и шарифдин бир оят ўқиб онт ичибдур. «Асфандиёр султонга келатургон кишининг барчасини қошина йиғди... ўғлонларингизни туркман ўлжа этар теб, онт ичғондан сўнг қўрқишди. Қора ёмоннинг йилқи бирлан сигирдин не ўзгалиги бор. Бир оқсоқол Саид бир кунда «Қуръон»дан юз қирра онт ичса, мен сизларнинг ғамларингизни ерман» деса ким инонсин» («Шажараи турк», 488-бет).

«Шажараи турк»нинг муаллифи, элу юртини ҳалокатли ҳолатга солиб қўйиб, ўз қариндошларини қатл қилган Хабаш ва Элбарсларни, уларнинг икки юзламачи, қасамхўр ҳомийси Назирхўжани бутун қаҳри билан фош этишни, Асфандиёрни беғуноҳ қилиб кўрсатишдан қатъи назар, мемуардаги воқеалар баёни билан танишиб борган зийрак, сезгир китобхонлар худди Хабаш ва Элбарс султонлар сингари Асфандиёрхоннинг ҳам золимлигини, қабиҳлигини сеза боради, унинг адолатсизлигига доир воқеалар тавсифига дуч келади: «Хабаш султон қочиб кетганда яхши навкарларининг барчаси қолиб, Асфандиёр султонга сеникиман теб юруб эрди. Назирхўжанинг йиғин этганини эшитгандан сўнг, барчаси қочиб, Назирхўжа қошига борди. Асфандиёр султон бориб урушди ва бостирди. Анлар қочиб Манқишлоқ борди. Одами, халқидан кўп киши кейиндин борди. Туркмандин уч минг киши қўшилди, қайтиб Урганч келди. Ўзбекнинг яхшиси бузулиб борди, йиғирма икки кун ўр қазиб борди, йиғирма

иккиламчи куни босди. Элбаре султонни тутиб ўлдирдилар. Хабаш султон қочиб, Сир бўйида ўлтурғон Қорақалпоққа борди, анда тура билмади. Ям (Орол. — Х. Х.) сувининг ёқасинда Манғит мирзоларидин Шоҳнек мирзо деган бор эрди. Ани Хабаш султон Урганчда ўлтурғонда Манғитдан тушган ерларни Шоҳнекка бериб, «бор тақи отанг юртида ўлтур, ҳар тарафга кетғонинг бўлса, юртга сени келди теб эшитса келур»,— деб Шоҳнекка кўп инъомлар бериб юбориб эрди. «Ўзимнинг яхши узатиб юборғон навкарим»,— теб Ям сувиндаги Шоҳнек мирзо ёнига борди. Шоҳнек Хабаш султоннинг навкарларини тутди, тақи Хабаш султонни Асфандиёрхонга юборди. Навкарин, отин ва тўнин олиб қўяберди. Асфандиёрхон Хабаш султонни келтиргач ўлдирди. Хабаш ва Элбарсдин ҳеч фарзанд бўлмади. Хабаш султон ўлдирилгандан сўнг икки ой ўтди, сўнгра Асфандиёрхон уйғур ва найманни қирди. Андин сўнг барча ўзбек бирлан ёв бўлди. Ўзбек учга бўлинди, бириси манғит, бириси қозоқ, бириси Мовароуннаҳрга кетди. Уч йилдин сўнг уч тарафга борган ўзбеклар Амударё ва Сирнинг денгизга бориб қўйғон ерини беш-ўн уйлук, кела-кела уч минг уйлук йиғилди. Бухоро шаҳрида ўлтурғон Урганч халқидин саккиз юз йиғилишиб, Кат устиндаги уч минг уйлук ўзбекга қўшилмоққа боратурғонда Асфандиёрхон сувдин ўтиб, ул ўзбекнинг барчасини қирди...» («Шажараи турк», 491—492- бетлар).

Юқоридаги воқеалар тафсилотларидан аниқ кўришиб турибдики, ака-укалар ўртасидаги зиддиятлар уруғ ва қабилалар, элатлар ва халқлар орасида ўч олиш, ўзаро қирғин солиш ҳодисаларини тез-тез келтириб чиқариб турган. Ана шу тож-тахт таллашиб чиқарилган кулфатли урушлар туфайли меҳнаткаш халқнинг хонадони доимо бузилиб турган, бир ерда қўним топмаган, бироз бўлса ҳам осойишталик излаб ҳамиша бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришга мажбур бўлган.

Хондамирнинг «Макоримул-ахлоқ» («Олижаноб сифатлар ҳақида») асарида айтилишича, «Хусайн Бойқаро Хоразм вилоятини обод қилиш, бу вилоятда бинокорлик ва деҳқончиликни кенг йўлга қўйиш мақсадида уч минг хонадонни у ерга кўчириш ҳақида фармон беради. Лекин Алишер Навоий бу фикрга эътироз билдириб, бундай қилмасликни илтимос қилади.

Охири Алишер Навоий «ўзингизни менга берган фармонингизга биноан, ҳар бир иш ўринсиз воқеа бўлса, тўққиз галгача айтишга ҳақлидирман»¹, — деб шоҳдан бу ишнинг баҳридан ўтишни сўрайди. Шунда Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийнинг давлат манфаатидан келиб чиққан ҳолда халқ аҳволига қайғуриб, бу ишнинг амалга ошишига монелик қилаётганидан қониқиш ҳосил қилади. Лекин Хоразмни обод қилишга ғоят қаттиқ жазм қилгани учун Хоразмга уч минг хонадондан бир қисмини кўчириш ҳақида янгидан ҳукм чиқаради. Бу вақтларда Хоразм Мовароуннаҳрга қараганда ҳам янада кўпроқ кулфатлар маконига айланган эди. Хоразм аҳолиси бошига XVI асрнинг 70-йилларида яна мотамсаро кунлар тушади. Кўҳна Урганч ёнидан ўтадиган Амударё дельтаси қуриб қолиши орқасида шаҳар аҳолисининг тақдири хавф остида қолади. Хон ва бекларнинг зулми етмаганидек, табиат ҳам инсон бошига ғам-андуҳлар ёғдиради.

Бундай чексиз зулмлар исканжасида чидаб бўлмас даражада эзилиб кетган халқлар феодалларга қарши тез-тез адолат талаб қилиб, қўзғолонлар кўтариб турган. Ана шундай қўзғолонлардан бири Сўфиёнхон даврида Балхон тоғ этакларида яшовчи Эрсари қабиласи орасида бўлиб ўтган. Туркманлар орасида аввал бошда ўлпон тўлашга рози бўлганлар бўлса ҳам, лекин солиқлар ҳаддан ташқари оширилгач, уни тўлашга қурби етмай қолган ва ниҳоят сабр косаси тўлган халқ хоннинг қирқ кишидан иборат солиқ йиғувчиларини ўлдирган.

Бундай маълумотлар Абулғозининг «Шажараи турк» асарида тез-тез учраб туради: «Аму сувининг ёқосинда экин экиб ўлтурган уч уруғ туркман бор эрди, ани уч эл дерлар эрди: адоқли, эл, али эли, тевачи — мунларнинг экинларидан даҳяк оладилар. Тевачи бирлан али элина мол ҳам солиб олдилар. Адоқ элина навкар солдилар...» («Шажараи турк», 353-бет). VII асрнинг биринчи ярмидан бошлаб, ўзбек ва туркман феодаллари ўртасида Хоразм ер учун, сўв учун кураш майдони бўлиб қолганлигини Абулғози ўз кўзи билан кўриб, ана шу тарихий воқеаларнинг иштирокчиси бўлди. Бу воқеалардан катта акаси Асфандиёрхон билан биргаликда Абулғо-

¹ Хондамир. Макоримул-ахлоқ. Тошкент, 1948, 51-бет.

зи ҳам тож-тахтни эгаллаш учун кураш йўлида фойдаландилар.

Асфандиёрхон туркманларга таяниб, отасининг тахтини эгаллайди. Ўзбек уруғларига суянган Абулғози фақат Асфандиёрхон вафотидан кейин (1643 йил), шунда ҳам бирданига эмас, аста-секин хонликни ўз қўлига кирита боради. У аввало 1643 йилда Орол хони бўлиб, тахтни эгаллагач, хонликда қатъий ва мустақам тартиб ўрнатиб, Орол ўзбекларига таяниб, Хива хонлиги устига юриш қилади ва 1645 йилда Хива хонлигини ишғол қилиб, ҳукмронликни узил-кесил қўлга киритади.

Академик Я. Ғуломов Абулғози ҳукмронлик қилган тарихий шароитни характерлаб, хоннинг ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги ҳақида шундай деб ёзган: «Гарчи тарихда Абулғози ҳукмронлик қилган даврда унинг номига қўйилган канални учратмасак ҳам, Хивани эгаллаган ва жанубий Хоразмни обод қилиш соҳасида катта ташаббус кўрсатган Абулғози (1643—1663) тарихда қолади»¹.

Абулғози 1657 йилда Бухоро ва Карманга ҳарбий юриш қилиб, ғалаба билан ўз юртига қайтиб келганлиги учун янги Оқмасжид қурди. Оқмасжид қадимий санъат услубида қурилган. Бу масжид Полвон дарвоза ёнидадир. Оқмасжид пишиқ ғишдан қурилган бўлиб, унинг ёнида пишиқ ғишдан қурилган ҳаммомнинг харобалари ҳозиргача сақланади. Бундан ташқари, Абулғози Хоразм, Хива, Орол ва Вазир шаҳарларида бир қанча бинолар ва турар жойлар барпо қилган, каналлар, ариқлар қаздирган, деҳқончилик, боғдорчилик ва ободончилик ишларига алоҳида аҳамият берган шахсдир. Хоразмнинг XVII асрдаги хони Абулғозининг ирригация соҳасида қўллаган баъзи тадбирлари Хоразмнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий аҳволи учун катта аҳамиятга эга эди. Абулғози ўз замонасининг илғор кишиси сифатида фан ва маданиятни ривожлантиришда замондошларига нисбатан илғор нуқтаи назарда турган эди. Олти яшарлигида онасидан етим қолган бўлажак ҳукмдор отаси томонидан қурдирилган Арабмуҳаммад мадрасасида турли фанлар бўйича таълим олди ва бир неча уламоларни отасининг саро-

¹ Ғуломов Я. Хоразмнинг суғорилиши тарихи. Тошкент, 1969, 211-бет.

йига жалб қилиб, илм-фанни тараққий эттиришга интилди. Абулғози 16 ёшидан бошлаб давлатни бошқариш ишларига аралаша бошлаган бўлса ҳам, эркин ва мустақил ҳукмдор эмас эди. У отаси ёки акалари ўзига ажратиб берган ерлардагина салтанат ишларини юритар, тажриба орттирар, умуман олганда эса, отаси ва акаларининг вассали эди. Шу боисдан ҳам кўз ўнгида парчаланиб бораётган хонликнинг аянчли аҳволдан қаттиқ изтироб чекиб, бош ҳукмдор бўлган отаси олдига хонликнинг мустақкамлигини сақлаб қолувчи аниқ тадбирлар қўяр ва бу тадбирларни амалга оширишга ожизлик қилган отасидан қаттиқ ранжир эди.

Абулғози ҳукмронлиги даврида мамлакат ичидаги ўзаро қирғин урушларга қисқа вақт бўлса-да чек қўйилди. Бухоро ва қолмиқ хонларига қарши ҳарбий юришлардаги ғалаба ҳамда мамлакат ичкарасидаги осойишталик иқтисодий жонланишга олиб келди. Деҳқончилик ва чорвачилик ишлари изга тушди, суғориш иншоотлари барпо этилди, қурилиш ва меъморчилик ишлари ҳам йўлга қўйила бошлади. Ўткир қобилият ва пухта билим эгаси бўлган Абулғози ўз салтанатини ҳам қилич, ҳам қалам билан мустақкамлашга киришди. Абулғози ота-боболарининг қунтсизликлари туфайли яратилмай қолиб келаётган хонлик тарихини яратишга қатъий бел боғлади ва имконияти етган барча кишиларни, хусусан, хуснихат котибларини бу ишга жалб этди. «Шажараи турк» асари Абулғозининг ҳар томонлама етук билимдон эканлигини намоён қилиш билан бирга у тарихий воқеаларни образли бадий тил билан ифода қила олувчи адиб, сўз санъаткори сифатида ҳам гавдалантиради. У «Шажараи тарокима» номли нодир асар яратиб, ўтмиш сабоқларидан ибрат олади ва хонликлар давридаги яхши ва ёмон ишларни ҳаққоний ёритиб, ота-боболари тарихини ўз авлодларига туҳфа қилиб қолдириш шарафига муяссар бўлади.

Китобий маданий мерос Абулғозига иккита йирик тарихий асар—«Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима»ни ёзиш имкониятини берди. Бу икки асар ҳам ўзбек тилида ёзилган бўлиб, Абулғозининг ўз халқи олдидаги катта хизматларидан далолат беради.

Буларнинг барчаси Абулғози яшаган тарихий муҳитни, феодализм давридаги зиддиятлар ва зулмга қарши фикрлар Абулғозининг тарихни кўпинча холис нуқтан назардан туриб ёритганини, тахтга чиққач,

бошқа давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқаларни ривожлантиришга интилангани, марказлашган йирик сиёсий давлат тузишда илғор йўл тутганлигини кўрсатади. Абулғози издан чиққан савдо-сотик ишларини йўлга қўйишга, чет эллар билан маданий алоқа қилиш ишларига ҳам эътибор беради. У ўзининг элчиси Давлатманд орқали рус подшосига мурожаат қилиб, Россия ва Хива савдо муносабатларини мустаҳкамлашни ва икки ўртада савдо муносабатлари бўлиб туришини сўрайди. Абулғози Хива ва Ҳиндистон давлатлари ўртасида дипломатик ва савдо муносабатларини мустаҳкамлаш учун Шоҳбобо ва Шоҳжаҳонларни элчи қилиб Ҳиндистонга юборади. Хон 1648 йилда Эрон шоҳи Аббос XII га элчи юбориб, икки ўртада савдо ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашни илтимос қилади.

Хивадаги Арабмуҳаммад мадрасаси (1616), Абулғози томонидан ўғли Анушахонга атаб қурилган «Оқмасжид» (1657) ва Муҳаммад Ризобек номидаги мадрасалар шулар жумласидандир. Бу бинолар қандай мақсадда қурилганидан қатъи назар, ўша давр меҳнаткаш халқ меъморлик санъатини кейинги авлодларга намоиш қилувчи нодир обидалар эди.

Шайбонийлар сулоласининг сўнгги ҳукмдорлари Абдулазизхон ва унинг ўғли Абдулмўминхонларнинг ўлими ва Хоразм мустақил хонликка айлангандан сўнг золим Арабмуҳаммад тахтга чиққач, дастлабки ўн йилда мамлакатда бир қадар осойишталик юз берди. Бу қисқа танаффус даврида меҳнаткаш халқ анча нафасини ростлаб олди.

Икки томонлама талончиликнинг биридан, яъни Бухоро хонлигининг закотлари ва талончилигидан вақтинча халос бўлди. Хива хонлиги ҳудудида қирғин келтирувчи урушларга вақтинча барҳам берилиб, деҳқончилик ва чорвачилик ишлари ривожлана бошлади. Бу давр ҳақида «Шажараи турк»да қуйидагиларни ўқиймиз: «... Ул вақтда Мени деҳқон қалъасидин то Баҳодирхоннинг ... еригача буғдой экилар эрди. Бизнинг хон (Арабмуҳаммад) Тўқ қалъасининг юқорисидин бир ариқ қаздириб турурлар — фақир дунёга келмасдин бир йил бурун, мезон бўлганда сақосини кўмарлар эрди. Буғдой ўрғон вақтда очарлар эрди. Бир неча йилдан сўнг ариқнинг кенглиги отқон ўқ ўтмасдай бўлди... Ёлғиз буғдой экилар эрди. Отли киши ўн кун-

да буғдой бошидан айланиб кела билмас эрди. Ул вақтда ярим мисқол кумуш пул бир танга ўрнини юрур эрди. Биз тангага ярим тева юки буғдой берур эрдилар. Бир мисқол кумушга бир харвар буғдой берурлар эрди» («Шажараи турк», 474- бет).

Мадраса ва масжидларнинг қурилиши, мамлакат ҳудудида ўзаро қирғин урушларнинг қисқа муддатга бўлса-да тўхташи, янги ариқлар қазилиб, экин майдонларининг кенгайтирилиши маданий ҳаётнинг ҳам жонланишига сабабчи бўлди. Мадрасаларда диний схоластика ҳукмрон бўлиб, тарки дунёчилик зўр бериб тарғиб қилинишига қарамасдан илмга чанқоқ ёшлар ўша даврларда ҳам тинимсиз зиёга интилар эдилар. Ана шундай ёшлардан бири Абулғози эди. У олти ёшидан то ўн олти ёшига қадар ана шу йўлда риёзат чекди. Натижада у илм-фан шарофати туфайли ажойиб фазилатлар эгаси бўлиш шарафига муяссар бўлади: «... Бу фақирга,— дейди Абулғози,— худои таоло иноят қилиб кўп нимарса берган турур. Хусусан уч нимарса берган турур. Аввал сипоҳигарчиликнинг қонун йўсуни сув қилиб ичмоқ, нечук отланмоқ ва юрмоқ ва ховға босоқ ясамоқ, кўп бирлан юруғонда нечук қилмоқ, оз бирлан юруғонда нечук қилмоқ, дўстга ва душманга нечук сўзламоқ; иккиламчи — маснавиёт ва қасоидот ва ғазалиёт, муқаттаот ва рубоиёт ва барча ашъорни фаҳмламоқлик, арабий ва форсий ва туркий луғотларнинг маъносини билмоқлик; учламчи — одам наслидин то бу дамгача Арабистонда-ю, Эрону. Турондаю, Мўғулистонда ўтган подшоҳларнинг отлари ва умрларини ва салтанатларининг кам зиёдин билмаклик. Бу вақтда фаҳмламоқлик ва тарих билмакликда фақирдек киши шояд Ироқ ва Ҳиндистонда бўлса, бўлғай. Йўқ айтсам ёлғон бўлғай. Аммо, сипоҳийнинг йўсинин билмоқликда бу чоқда мусулмон ва кофирда биз кўруб ва эшитатурғон ул юртларда ва бизда йўқ турур. Ер юзи кенг турур. Эшитмағон ерларимизда бўлса ажаб эмас» («Шажараи турк», 12- бет).

Биз «Шажараи турк»ни ўрганар эканмиз, ҳақиқатан ҳам Абулғозининг билими, маданий савияси юқори бўлганлигини кўрамиз. У ўзига қадар яратилган халқ оғзаки ижодиётига тегишли тил, адабиёт ва тарихга алоқадор деярли барча билимларни ўзлаштириб олишга қисман бўлса-да улгурганини сезамиз. Бизгача етиб келган «Ўғузнома»нинг уйғур матнида Ўғузхон-

нинг журжутларга қарши кураши тавсирланган бўлса, «Шажараи турк»да эса, унинг Ҳиндистон, Тибет, Эрон, Миср, Шом ва бошқа мамлакатларга қўшин тортиши ҳам муфассал қаламга олинган. Шунинг учун ҳам айрим олимларнинг Абулғозининг Ўғуз ҳақидаги ҳикоятлари қурама хусусиятга эга ва у бир қанча тарихий ахборотлар ҳамда халқ афсоналарининг адабий жиҳатдан қайта ишланган вариантыдир, деган фикрларига унчалик қўшилиб бўлмайди. «Абулғози томонидан келтирилган вариант сўзсиз қадимийдир. У бир қанча тарихий хроникалар ҳамда халқ орасида айтилиб келинаётган афсоналарнинг адабий қайта ишланган варианты бўлиб, қурама тусга эгадир»¹, деб ёзади А. М. Шчербак.

Абулғозининг Ўғуз ҳақидаги ҳикоятларининг яна бир фазилатли томони шундаки, уларда фақат Ўғузхоннинг юришларигина эмас, балки у ишғол қилган эл-юртларнинг табиати, жўғрофий жойланиш ўрни, урф-одати ва расм-русумлари, шунингдек этногенези (келиб чиқиш тарихи—Ҳ. Х.) ҳам четда қолмай тасвирланади. Мисол учун «Уйғур элининг зикри» олинган қуйидаги парчага эътибор берайлик:

«Уйғурнинг маъноси,— дейилади асарда,— увишғур демак бўлур, айтурлар сут эрканида бир-биридин айрилур, уйғандин сут айрилмас, уйиди, яъни ёпишти ва тақи айтурларким, мўғул юртинда икки тоғ бўлур. Узунни кун туғишдин кун ботишгача бениҳоят улуғ тоғлар турур. Бирисининг оти Туқратубузлик ва тақи бирисининг оти Усқунлуқ, бу икки тоғ орасинда Мўғул юртининг кун ботишинда тақи бир тоғ бор турур. Ани Қут тоғ дерлар .Бу айтилган тоғларнинг орасида бир ерда оқатурғон ўн сой бор турур. Бир ерда тўққуз сой, барчаси улуғ сувлар турур. Қадим уйғур эли шу сойларнинг орасинда ўлтурурлар эрди. Ўн сойда ўлтурғонни ўн уйғур дерлар эрди. Тўққуз сойда ўлтурғонни тўққуз уйғур дерлар эрди». Шаҳарлари, кентлари ва экинлари кўп бўлур эрди. Юз йигирма уруқ эл эрдилар. Бир кишини подшо кўтариб, анинг оғзина боқмаслар эрди. Бу сабабдан бузулурға келдилар. Бир кун барчаси йиғилиб кенгаштилар, тақи айтдилар: «Биз икки бўлак элмиз, ҳар қайсимиз бир кишини тўра қи-

¹ Шчербак А. М. Огуз-наме, Мухаббат-наме. Изд. Восточной литературы, М., 1959, 12- бет.

лоли. Ҳар ким анинг сўзин қабул қилмаса молин ол-дурсун»,— дедилар. Тақи ўн уйғур уруқиндин Мангуйтой отлиқ кишини тўра кўтариб, Эл-элитар лақаб қўйдилар. Тўққуз уйғур Узкандар уруқидин бир кишини тўра кўтариб, Қуларкин лақаб қўйдилар. Бу иккисининг ўғлонлари юз йилгача тўралик қилдилар... Кўп йиллар тўраларнинг отларини шундоқ тер эрдилар. Андин сўнг ҳар ким тўра бўлса, анга Айдин қуд тедилар. Айдиннинг маъносин барча билурсиз, юборди демак бўлур... Оналари агар қизларини қарғасалар, айтурлар эрди: «Йилқили ва қўйли кишига тушуб, эт еб ва қимиз ичиб бошингга ёмон кунлар тўқғай теб» («Шажараи турк», 32- бет).

Юқоридаги парчада уйғур ва турк халқларининг келиб чиқиш этногенези, уларнинг урф-одатлари, тирикчилик машғулотлари шу қадар муфассал ёритилганки, бундай маълумотларни биз «Ўғузнома»нинг уйғур вариантыда топа олмаймиз. Ана шу фактнинг ўзидаёқ Абулғозининг тарих фани соҳасидаги билими бошқа тарихчиларга нисбатан анчагина чуқур эканлигидан далолат беради. Абулғози бирор тарихий воқеани ёки бирор тарихий шахс фаолиятини «Шажараи турк»ка киритиш учун улар ҳақидаги ўнлаб асарларни кўздан кечирганлиги ва ниҳоятда ўз салафларини такрорламасдан оригинал ижодкорларга хос бўлган йўлдан борганлиги кўриниб туради. Асарда тарихий воқеаларни ривоятлар ёрдамида изоҳлаш то XVII аср воқеаларининг баёнига қадар изчил давом этади. XVII аср воқеаларининг баёнига келиб тасвир ўзгаради ва тарихий воқеалар тасвири реалистик руҳ касб эта бошлайди. Агар «Шажараи турк»нинг дастлабки бобларида халқ афсоналари тасвири тарихий воқеаларга нисбатан устунлик қилган бўлса, энди тарихий воқеаларнинг афсона ва ривоятлар билан қоришиқлик ҳолда берилишида тарихий факт ва далиллар аста-секин салмоқли ўрин эгаллай бошлайди.

Элу юртнинг ҳудудий жиҳатдан жойланиши қаламга олинган ўринлар, Ўғузхон ва Чингизхон ҳамда уларнинг авлодлари томонидан уюштирилган ҳарбий юришлар тасвирларининг хронологик тартиб билан берилиши Абулғозининг жўғрофия илмидан ҳам хабардорлигини кўрсатса, тарихий воқеаларнинг халқ афсоналари билан берилиши, тасвирдаги соддалик ва образлилик унинг санъаткорлик истеъдодини намоиш қилади.

Абулғозининг маданият тарихидаги ўрни ҳақида гап юритганда: «Демак, Абулғозихоннинг асарларидаги қарама-қаршиликларни тенденциясизликни инкор этмаган ҳолда уни XVII аср маданияти тарихига сезиларли ҳисса қўшган бир арбоб сифатида тилга олиш мумкин»¹— деган В. А. Абдуллаев фикрини таъкидлаб, маданиятимиз тарихида сезиларли из қолдирган «Шажараи турк» асари осонликча юзага келган эмас, дейиш мумкин. Абулғозининг қўйидаги фикрларига алоҳида эътибор берайлик: «Биз тарихни мўғул ва ўзбекда ўтган яхши подшоҳларни кенгашли фитналарни, асли ва қилғон ишларини ва айтган сўзларини барчасини бир-бир айтиб, улуғ китоб қилмоқ кўнглимизда бор эрди. Айтмайлик теб юрган вақтда хаста (касал) бўлдум, хатим узоққа тортди. Кўнглумда айтдим, ўлақолсам, китоб этилмай қолур, мендек киши билотурғон йўқ. Хусусан бизнинг жамиятимизнинг Ёдгорхондин то фақиргача ёт юртни кишиси муни билмас. Ўз халқимизда ҳам билур киши йўқ, бас, мен шуни гўрға боргунумдин не фойда, айттим. Тақи нависанда ўлтуртирдим. Тақи Одамдин Жўжихонга келгунча ҳеч китоб юзини боқмадим, ўзимни ёдимда бор эрди, айттим. Аммо қувватим кам бўлур эрди, гоҳ ўлтуруб айтур эрдим, гоҳ ётуб...» («Шажараи турк», 115—116-бетлар).

Абулғози «Шажараи турк» асарининг композицион тузилишини ниҳоятда пухта ўйлаган. Жамият тараққиётида у ёки бу даражада из қолдирган тарихий шахслар фаолиятларини асосий босқичлар сифатида танлаган Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» тарихий-бадий асари 9 бобдан иборат бўлиб, мазмуни қўйидагичадир.

«...Биз бу китобни ибтидо қилдуқ ва тақи «Шажараи турк» деб от қўйдуқ. Тақи тўққуз боб қилдуқ. Аввалғи боб Одамдин то мўғул хониғача; иккинчи боб мўғул хонидин Чингизхонғача; учинчи боб Чингизхоннинг туққанидин ўлғониғача, тўртинчи боб Чингизхоннинг учинчи ўғли Угадайкооннинг ва анинг авлодининг ва Чингизхоннинг ўғлонларини наслидин ҳар ким мўғул юртида подшоҳлиқ қилган бўлса, анинг зикри; бешинчи боб Чингизхоннинг иккинчи ўғ-

¹ Абдуллаев В. А. Ўзбек адабиёти тарихи, Тошкент, 1964, 17-бет.

ли Чингатайхоннинг авлодидин Мовароуннаҳр ва Қош-
гар юртинда подшоҳлик қилганларнинг зикри; олтин-
чи боб Чингизхоннинг кичик ўғли Тулуйхоннинг
авлодидин Эрон мамлакатинда ҳукумат қилганлари-
нинг зикри; еттинчи боб Чингизхоннинг улуғ ўғли Жў-
жихоннинг авлодидин Дашти Қипчоқда подшоҳлик
қилгонларининг зикри; саккизинчи боб Жўжихоннинг
ўғли Шайбонийхоннинг авлодидин Мовароуннаҳр ва
Қрим, Қозоқ ва Мовароуннаҳрда подшоҳлик қилгон-
ларнинг зикри ва тақи Жўжихоннинг ўн учламчи ўғли
Тўғрай Темурнинг наслидан Қрим ва Қозоқ Мова-
роуннаҳрда подшоҳлик қилгонларнинг зикри; тўққи-
зинчи боб тақи Шайбонийхон авлодидин, Хоразм мам-
лакатинда подшоҳлик қилгонларининг зикри. Бў тўқ-
қуз боб ажойиб, муносиб тушди. Анинг учун ҳукамо-
лар айтиб турурлар: «Ҳеч нимарсанинг мартабаси тўқ-
қуздин юқори бўлмас, ниҳоят тўққуз турур» («Шажа-
раи турк», 12-бет). Шу хилда тарихий воқеалар ни-
ҳоятда жонли манзаралар орқали чизиб бериладик,
уни ўқиган ҳар бир киши ўзини беихтиёр равишда ўша
тарихий воқеалар ичида юргандек ҳис қилади. Фикри-
мизнинг далили учун қуйида келтириладиган биргина
парчага назар ташлаб ўтайлик: «Хони кишваристон
(Чингизхон) Термиздин ўтуб Балх борди. Ул вақтда
Балх андоқ тузук эрдиким минг тақи икки юз масжид
жомиъ бор эрди ва минг тақи икки юз ҳаммоми бор
эрди... Алқисса хон Балхнинг халқи бирлан қаттиғ
уруш қилиб, Балхни олди. Тақи халқини қатлиом қи-
либ Балхнинг қалъасини ер билан яксон қилди. Балх-
дин фориг бўлгандин сўнг Тулуйхоннинг бир неча нў-
ёнлар бирлан Хуросон устига юборди. Тақи ўзи Тежен
келди. Аммо Тежен ажаб мазбут шаҳр эрди. Анинг
халқи тобеъ бўлмай, уруш асбобини тайёр қилиб, хони
кишваристон бирлан уруша бошладилар. Алқисса ет-
ти ой уруштилار. Ахирул амр Тулуйхон Хуросонни
мусаххар қилғанидин сўнг, лашкари бениҳоят бирлан
келиб, Теженда отасиға қўшулди. Бу кўп лашкар бир
ерға қўшулуб, Тежен халқи бирлан қаттиқ урушиб
анларни бостилар. Ҳеч кишини қўймай шаҳид қилди-
лар. Ҳатто эмчак эматурған ўғлонларғача шаҳид қил-
ди. Тақи қалъани вайрон қилдилар ва... ногоҳ ул уруш-
да Чингизхоннинг ўғлиға ўқ тегиб ўлди. Ул ўғлонни
Чингизхон ажойиб севар эрди. Хони кишваристон у
ҳолни кўриб, думоғиндин дутлар чиқиб, буюрдиким,

«мўғуллар, қалъага ёпушунглар». Мўғуллар қалъага ёпушуб олдилар. Тақи катта-кичик, яхши-ю ёмон, эру хотиндин бир киши қўймай ўлдурдилар ва қалъани ер бирлан яксон қилдилар» («Шажараи турк», 70-бет). Бу ўринда Чингизхон қўшинларининг ваҳшиёна фаолиятлари, ерли халқларнинг ўз она диёрини қаҳрамонна мудофаа қилиши ҳамда қон ва ўликларга тўла даҳшатли жанг манзаралари бирин-кетин китобхон кўз ўнгидан ўтади.

Жуда катта бадий қимматга эга бўлган «Шажараи турк»нинг тарихий манба сифатидаги шуҳрати ҳеч қанақа алоҳида тушунтиришларга муҳтож эмас. Умуман Абулғозининг тарихчи олим сифатидаги фаолиятини баҳолайдиган бўлсак, у фақат биргина миллат чегарасида қолиб кетмайди. У Ўрта Осиё халқларининг, деярли Шарқ халқлари тарихининг улкан билимдони сифатида ҳам ном қозонади. Хива тарихчиларининг асарлари эса, фақат ўзбек халқи тарихигагина тегишли бўлиб қолмасдан, умуман Ўрта Осиё халқлари тарихига, жумладан, туркман, қорақалпоқ, қозоқ ва тожик халқлари тарихига ҳам тааллуқлидир.

Абулғози, Мунис ва Огаҳийларнинг Амударё ва ундан чиқарилган каналлар, суғориш ишлари бўйича берган маълумотлари ҳақида академик А. В. Бортольд шундай деб ёзган: «Ҳар ҳолда XVII аср тарихчиси Абулғозихоннинг, шунингдек, XIX аср тарихчилари Мунис ва Огаҳийларнинг Амударё ва ундан чиқарилган каналлар ҳақида берган маълумотлари бошқа тарихчиларнинг суғориш ишлари бўйича берган маълумотларига қараганда анча бойдир»¹.

Хива тарихчиси Абулғозининг тарихшуносликдаги хизматлари ҳақида «Туркманлар ва Туркманистон тарихи бўйича материаллар» китобида бундай деб ёзилган: «Табийки, хивалик, эронлик ва бухоролик тарихчилар XVI—XVII асрлар ваоқеаларини ёзишда бевоқифа туркманларга кўпроқ эътибор берадилар. Хива тарихчиси Абулғози асарлари туркманларнинг XVI—XVII асрлар тарихини ўрганишда ҳозиргача ҳам муҳим манба бўлиб қолиши тасодифий эмас. Абулғозининг

¹ Бартольд А. В. К истории орошения Туркестана. Спб, 1914 24-бет.

обрўси шунчалик бўлганки, у XIX аср Хива тарихшунослигига ҳал қилувчи таъсир кўрсатган»¹.

Абулғози — давлат арбоби, олим, муаррих ва шоиргина эмас, у шу билан бирга истеъдодли адиб ҳам эди. У наср соҳасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Гулбаданбегим ва бошқа адибларнинг анъаналарини давом эттирди. Абулғозининг «Шажараи турк» асарида эсдаликлар тарзида баён қилинган насрий парчалар, ривоятлар, унинг сарсон-саргардонлик йиллари ва азобуқубатлари шу қадар жонли акс эттирилганки, у бадий асардай ўқилади ва санъат асари сифатида қабул қилинади. «Шажараи турк» асарида феодал истибдоди ҳукмронлик қилган даврда Хоразмда маданият, илм-фан ва маърифатнинг қандай йўллар билан тараққий этганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Абулғози халқ турмушини, айрим тарихий шахслар ҳаётини бадий лавҳалар орқали тасвирлашга ҳаракат қилади. Жумла тузилишидаги образлилик унинг ёзувчилик истеъдодидан далолат беради.

Абулғози Баҳодирхоннинг ўзи ҳам ўзбек, форс-тожик тилларида ижод этиб, маснавий, ғазал ва рубоийлар ёзиб қолдирган шоирдир. Унинг «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» асарларида олтига шеър мавжуд бўлиб, уларнинг тўрттаси ўзбек тилида ва иккитаси форс-тожик тилида ёзилгандир. «Шажараи тарокима» асаридан жой олган ўзбек тилидаги икки шеър 30 мисрани ташкил этади. «Шажараи турк»дан жой олган тўрт шеър ҳам 30 мисрадан ташкил топган бўлиб, иккитаси ўзбекча, қолган иккитаси форс тилида ёзилган асарлардир. Абулғози табибликка оид «Манофё-улинсон» рисоласида ҳам форс тилида инсонларнинг саломатлигига доир йигирма мисра шеър ёзган. Шундай қилиб, Абулғозининг бизгача маълум бўлган лирик шеърлари саккизта бўлиб, саксон мисрани ташкил этади, холос. Абулғози Баҳодирхон ёзган шеърларидан девон тузгани ҳақида баъзи маълумотлар бор бўлса-да, лекин бу шеърлар бизгача етиб келмаган ёки ҳозиргача топилмаган.

Абулғози шеърлятида Ўғузхон ўғилларининг мардлиги, Али Султоннинг қаҳрамонлиги каби хон ва подшоларнинг қаҳрамонликлари, шахсий ҳаёти, тор ички

¹ Материалы по истории туркмен и Туркмении. Том 2, М — Л., 1938, 30- бет.

кечинмалари тасвирланади. «Шажараи турк»да Қорaxonнинг ўгли Уғузxonнинг бир ёшга тўлиши, ўз номини ўзи қўйганлигини қуйидаги байтларда ифодалайди:

*Ушал бир яшар ўғлон анда равон,
Келиб тилга теди билинлар аён.
Отимдур Уғуз хисраву номвар,
Билинлар яқин барча аҳли ҳунар.*

(«Шажараи турк», 23- бет.)

Абулғози Уғузxonнинг тўй қилганлигини, унинг олти ўғлини яхши кўриши, Уғузxon давлатини мустақамлаш учун, ўғилларининг мардлиги, уруш кунда муваффақиятларга эришганликларини қуйидаги байтларда ифода этади:

*Уғуз қилди ул тўйда жирғамиши,
Бу олти ўғилни суюрғамиши.
Булар кўрсатиб эрди мардоналик,
Ота бирла кўп турли фарзоналик.
Отаға баса қилдилар ёрлиқ,
Уруш кунда барчаси борлиқ.*

(«Шажараи турк», 42- бет.)

Абулғози бу маснавийда Уғузxonнинг ўз ўғилларини тўй қилишини шеърий йўл билан тасвирлаб, Уғузxon ва унинг ўғиллари: Кунxon, Ойxon, Юлдузxon, Кўкxon, Тоғxon ва Тенгизxonлар салтанатларини мустақамлаш учун кураш олиб борганликларини таъкидлайди. Бу маснавийда ёзилган байтлар муаллифнинг марказлашган йирик феодал давлат тарафдори эканлигини кўрсатади. Уғузxon ва унинг давлатини мустақамлаш учун уларнинг ҳаммасини бир кишидек бўлиб иш олиб боришга, агар ҳар қайсиси ҳар тарафга қараб тортишса ёлғизланиб қолишларини, бирлик асосида иш олиб борилса, эл осойишта бўлиб кетади, деб таъкидлайди. Шу мақсадда яратилган ўн мисрали форсча маснавийда ҳам муаллифнинг юқоридаги нияти асарда Эркилхожа тилидан кенгроқ ҳолда такрорланади.

Абулғози «Қўрқуд» шеърида Қўрқуд отанинг ўттизқирқ минг лашкар билан Қозонга борганлигини ва унинг ғалаба билан қайтганлигини қуйидаги мисраларда ифодалайди:

*Уттиз-қирқ минг лашкар бирлан Қозон бориб,
Ўтиб, яна неча эллар келди қириб,
Бир нечаси қутулдилар кўп ёлвариб,
Аллар, беклар кўрган борми Қозон каби?*

Абулғози Хоразм халқларининг бир-бирларига ҳунар ўргатишларини ва подшоҳнинг баъзи баҳодирларга ўз ёнидан ўрин берганини қуйидагича қуйлайди:

*Андин ҳунар кўтардилар барча овули,
Баъзиларга ўрин берди соғу ва сўли.
Бирга бўлди, буну билинг ўзи йўли,
Аллар, беклар кўрган борму Қозон каби?*

Абулғози Қўрқуд отанинг қарвондан қолмаслигини, қўшинни йўлга бошқаришга тайёр туриш зарурлигини баён этиб шундай ёзади:

*Сабо Қўрқуд ўлур бўлдинг, энди билгил,
Ул Қозоннинг давлатига дуво қилгил.
Қарвон кетди, кўп кеч қолдинг йўлга киргил,
Аллар, беклар кўрган борми Қозон каби?*

(«Шажараи тарокима», 99-бет).

Хуллас, В. Абдуллаев ўринли таъкидлаганидек, Абулғози Баҳодирхон ўз сиёсий фаолиятини давом эттириш билан бирга, адабий ишлар билан ҳам шуғулланиб, асарлар яратди. Абулғозининг шеърий ижоди ҳам, унинг тарихий асарлари ҳам ўз салтанатини мустаҳкамлаш манфаатларига қаратилган эди¹. Унинг «Бобурнома» аъъаналарини давом эттирган «Шажараи турк»ида ҳам тарихий маълумотлардан ташқари бадий адабиёт учун зарур белгилар бор².

Абулғозининг фаолияти ва дунёқарашини ўрганишда унинг рисоалари ҳам муҳим роль ўйнайди. Абулғози ўзининг «Манофез ул-инсон» (1664 й.) рисоласида иситма, бел оғриғи, кўз, жигар, қизамиқ, томоқ шишининг иллоти, кўп ухламаслик каби 120 дан ортиқ касалликнинг олдини олиш ва тузатиш ҳақида табиб сифатида мулоҳазалар юритади. «Манофез ул-инсон» рисоласи асосан тўрт қисмдан иборат бўлиб, ҳар бир

¹ Абдуллаев В. А. Ўзбек адабиёти тарихи, 2-китоб, Т., 1964, 13-бет.

² Юнусов М. Барҳаёт аъъаналар. Т., 1969, 61-бет.

қисмида тиббиётнинг бир соҳасига оид баҳс юритади. Муаллиф унда оддий ва мураккаб дорилар, уларни тайёрлаш, ишлатиш йўллари, касалларни даволаш тартибларини оддий тилда баён қилади.

Шунингдек, Абулғози ўзидан илгари ўтган табибларнинг у ёки бу хасталик тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларини келтириб, сўнг ўз қарашларини баён этади. Ибн Синонинг тиббиётга оид қатор асарларини ўқиш, ўрганиш асосида табиблик даражасига кўтарилган шахслар Хоразмда кўп бўлган. Юсуф табиб, Абдурахмон ҳақимлар шулар жумласидандир. Абулғози ҳам шулар қаторида тиббиётга ҳисса қўшган олимлардан биридир. Унинг табобат илмига меҳр қўйишида, бу соҳада қалам тебратишида Абу Али ибн Синонинг таъсири катта бўлган. Абулғози Абу Али ибн Сино асарларидан ва ўша замоннинг тиббиётга оид бошқа рисоаларидан фойдаланиб, юқорида номи зикр қилинган «Манофез ул-инсон» рисоласини ёзади. Бу рисола кишиларнинг саломатлиги йўлида қайғуриб яратилган қимматбаҳо асарлардан биридир. Бу асари билан Абулғози ўз билимининг етуклигини, фақат тарих, адабиёт соҳасидагина эмас, балки табобат соҳасида ҳам истеъдодли етук аллома эканлигини кўрсатади.

«Шажараи турк» ва унинг муаллифи

1603 йил асад ойининг душанба (15 август) кунини Хива хони Арабмуҳаммад оиласида дунёга келади. Арабмуҳаммад ўғлининг ўқиши ва дунёвий ишларни ўрганишига эътибор бериб ўқитади. Ака ва укалари ўртасида ўта зеҳнли ва қобилиятли бўлган Абулғози ўз замонасининг билимдонлари қўлида таҳсил кўргач, тарих фанига ихлос ва иштиёқ қўяди. Халқ оғзаки ижодини меҳр қўйиб ўрганиши туфайли унинг ижодкорлиги ёшлиқдан ортиб боради. Буларнинг барчаси унинг йирик давлат арбоби, ўз даврининг илғор сиймоси, ижодкори бўлиб етишувига ёрдам берган омиллардир.

Кейинчалик Абулғози «Шажараи турк» китобида туғилган вақтида унга қўйилган исм ва унинг сабаблари ҳақида қуйидагича ёзади:

«... Ул кунини яхши-ёмондин минг киши ўлтурубти. Бу воқеодин қирқ кун ўткандин сўнг биз дунёга келибмиз. Отамиз айтипти: «Бизга бир ғозот муяссар бўлди.

Мунинг йўли ва қадами муборак бўлди ва тақи мунинг онасининг жамоатини ғозийлар дерлар, ул нисбати ҳам бор теб, отимни Абулғози қўюб турурлар» («Шажараи турк», 167- бет).

Абулғозининг ёшликдаги асл исми Абдулмуҳаммад бўлиб, у хонлик тахтини эгаллагач, Абулғозихон номини олганлиги маълум. Абулғози отаси ва инилари қатори феодал урушларда баҳодирларча жанг қилгани учун атрофидаги одамлар уни Баҳодирхон деб атай бошлаганлар. Абулғози турли фанларни ўрганиш, ҳарбий таълим олиш билан машғул бўлади. Ун олти ёшидан бошлаб эса, давлат ишларига аралаша бошлайди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзади: «... Олти ёшқа етканда онамиз ҳақ раҳматига кетди. То ўн олти ёшқача Урганчда ота қўлида бўлдук. Андин сўнг отамиз қатхудой қилди. Тақи Урганчнинг ярмини улуғ оғамиз Хабаш султонга ва ярмини бизга берди. Бир йилдан сўнг Хабаш ва Элбарс отли оғаларимиз бирлан орамизда низоъ бўлди. Ул сабабдин тура билмай Хевақга отамиз қатиға келдук... Аввал баҳор эрди. Кетга бориб олти ой турғандин сўнг отамиз бирлан отланиб, Хабаш, Элбарс устига бордуқ...» («Шажараи турк», 168-бет).

Абулғози Хабаш ва Элбарсларга қарши салтанат учун курашда енгилгач, Бухоро ҳокими Имомқулихон даргоҳига сиғиниб боради ва акаси Асфандиёрхон ҳокимиятни эгаллаганга қадар яшайди: «Биз Имомқулихон қатинда икки йил турдук. Андин сўнг киши борди. Асфандиёрхон юртни олди теб. Имомқулихон рухсат берди. Шарифмуҳаммад бирлан Урганчга келдук. Асфандиёрни хон кўтардилар. Хевақ, Ҳазорасб ва Катни ул олди. Урганчни бизга берди ва Вазирни Шариф Муҳаммадга берди. Бу воқеотда тарих минг тақи ўттуз учда ва тўнқуз йили мезон буржинда эрди» («Шажараи турк», 170- бет).

Абулғози Хоразм хонлигининг ўзига тегишли бир бўлагини бошқараётган дастлабки йиллардан бошлаб, кучли марказлашган феодал давлати тарафдори эканлигини намойиш қилади. Хисрав султон, Соми султонларнинг Арабмуҳаммад давлатини фитна йўли билан эгаллашга интилишларини қаттиқ қоралайди. Отасининг фақат фитна бошлиқларинигина ўлдириб, уларнинг шериклари гуноҳларини кечиши билан келиша олмайди. «Хоннинг феъли кенглиги ва гуноҳкорларни

афв қилғани, отамиз хоннинг бошина ва барча юрт халқининг бошина кўргуликлар келтирур» («Шажараи турк», 467-бет),— деб ҳисоблайди. Юртдаги нотинчликларда, қавм-қариндош, ота-бола, ака-укаларнинг тож талашиб, ўзаро урушларидан безор бўлган Абулғози ўтмишни, феодализмнинг илк ривожланиш даврларини қўмсаб шундай ёзади:

«Қадимий халқ бу замоннинг халқиндин яхши эрди. Агар эл ва халқ йиғилиб, киши ўлтура билур бўлса ва ё гуноҳкор сўрай билур бўлса ва ё бир иш бошқармоқ қўлиндин келур бўлса, не учун бир мардга подшоҳ от қўюб, эвининг тўринда ўлтуртуб, барча халқ ихтиёрларин анинг қўлига бературурлар» («Шажараи турк», 491-бет).

Бу ўринда чексиз ҳуқуққа эга бўлган ҳокими мутлақ ҳақидаги барча элу юртларнинг «бир мард подшоҳ»га бўйсунити тўғрисидаги орзулар, яъни мамлакатнинг кичик-кичик хонликларга бўлиниб кетишидан норозилик, эътироз бўртиб кўриниб турибди. Шу билан ҳам Абулғози ўз отаси тириклигидаёқ тож-тахт талашиб, хонликни парчалаб юбораётган акалари Хабаш ва Элбарс султонларга ва уларнинг ниқобланган ҳомийлари Қурбон ҳожи ва Чин ҳожиларга лаънатлар ўқийди ва умрбод юрагида кек сақлайди, отаси Арабмуҳаммаднинг исён кўтарган ўғиллари ёнига Қурбон ҳожини юбориб, унинг сохта хабар келтирганига ишониб, сустлик қилганидан ниҳоятда Абулғозининг юраги гаш бўлади:

«... Мен ҳам отамни кўрайин теб эшикка бориб эрдим, Ҳожи ҳам эшикка келди, хон қатина бирга кирдук. Хон: «Кўрган-эшитганингни айт, ҳожи»,— тедилар. Не айтайин хоним, борганима пушаймон бўлдум. Юқориси Доруған ота, қуйиси Бақирған отагача ўлтурған ўзбек ўғлонларининг қатиға йиғилиб турур... Мен бир оғиз отангиз чорулата юборди теб айтиб эрдим, минг ердин қичқурған овоз келди... Хоним иш ёмон бўлди. Ўзунг билурсен, менинг сенга жоним куйганда, ўзгаларнинг тўнининг этаки куймас. Эмди Хевақга кетакўр. Бу золимлардин йироқ бўл. Элимиз, халқимиз бир маслаҳат қилурмиз» («Шажараи турк», 463-бет),— деб айтган мунофиқона гапларидан «Хоннинг қўли-оёқи суст бўлди. Тили тутулди. От эгарла, тевани юкла»,— деб Абулғози ғазабланади.

Асфандиёр султон билан Абулғозихон биргалашиб,

қушини тортиб, Элбарс султоннинг устига бостириб бо-
радилар ва исёнчи устидан ғалаба қозонадилар. Мағ-
лубиятга учраган Элбарс султон беш-олти киши билан
қирга чиқиб кетади. Ана шундан кейинги воқеалар,
«Шажараи турк»да қуйидагича тасвирланади: «... Эви-
ни ва элини чобдуқ. (Элбарс султоннинг оила аъзолари
ва унинг яқин одамлари кўзда тутилади.) Барча сул-
тонлар хон қатиға йиғилдук. Отамни кўрайин теб кел-
дум. Ҳрдуда якка намозшом ўқуб туруб эрдилар. На-
моздин фориг бўлғандин сўнг яқинлариға келиб
ўлтурдим-да, айтдум: «Элбарс султон беш-олти киши
бирлан қирга чиқиб кетди. Эмди не фикр қиласиз?»
Айтдилар: «Сенинг кўнглинға не кела турур?» Мен
айтдум: «Асфандиёр султон бирлан фақирға ҳукм қи-
лунг... Элбарс султонни ўлдурали, андин сўнг қолган
беш ўғлингизнинг ҳеч қайсиси сизнинг ҳукмингизға
тажовуз қилмаслар» («Шажараи турк», 427- бет).

Бу ўринда Абулғозининг дунёқараши очиқ-ойдин
ифодаланган. У йирик давлатни парчаланиб кетишдан
сақлаб қолишға интилади, отаси ва акаларини шунга
ундайди. Лекин отаси Арабмуҳаммад ўғли Абулғозининг
таклиф-мулоҳазаларини қабул қилмайди. Абулғози
ҳақиқатни отаси юзига айтиб солишдан ҳам қайтмай-
ди: «... Сизни тутуб, эвга солиб, молингизни олғандин
сўнг, эмди не қолди? Тонгла мундин ёмонки ишлар
бўлур, пушаймон қилурсиз»,— дейди. («Шажараи
турк», 479- бет).

Биз Абулғозининг юқоридаги сўзларидан унинг ўша
давр тарихий воқеаларининг шоҳиди, фаол иштирок-
чиси эканлигини билиб оламиз. Ҳақиқатан ҳам, Хабаш
ва Элбарслар, Абулғози тўғри таъкидлаганидек, ёмон
ишлар қила бошлайдилар. Арабмуҳаммад Хивага, Ас-
фандиёр султон Хазораспга қайтиб кетгандан сўнг
Абулғози ўзини асраб қолишға интилади: «... Икки
душманнинг ўрта еринда тура билмадим. Кўчуб отам
кейининдин кетдим. Кат вилоятини инъом қилдилар.

Бу воқеотдин беш-олти ой ўтгандин сўнг пушаймон
бўлди... Асфандиёр султонға ва фақирға киши юборди
отлансун теб...

Хондин киши борган соати чирикни сурмакка киши
таъйин қилдим... айтдим: «Сизлар сувни ўта турун
теб, отам қотиға бордум. Улар Хевақдин чиқиб, Ган-
думкон теган кендга тушганлар эркандур. Халқ ҳануз
ётмай эрди. Хон қатиға келдум. Қайдан келасан?— те-

дилар. Қатдин тедим. Қачон кетдинг?—тедилар. Ушбу кун, тедим... Не учун кўшунгни қўюб, илғаб келдинг?—тедилар. Кўнглимга бир нимарса келди, ани арз қилайин теб келдим, айт, тедилар. Сизнинг мундин боратурғанингизни ул иккиси бу кун эшитур, ё сабо эшитур.

Сиз Асфандиёр султон бирлан сувнинг бери юзиндин юрусангиз. Менга амр қилсангиз, ушбу замон кетсам, намоз вақти Кат борсам. Андин орада бир ётиб эл ичига борур эрдим. Узумнинг қатимда саккиз юз навкарим бор. Сахро ўлтурған ўзбекнинг яриминдин кўписи сизнинг ва фақирнинг элимдандур. Онлар беминнат менга келурлар. Хабаш султон бирлан Элбарс султоннинг эли қўрққаниндин келур. Агар бирдай иккидай Хабаш султон қатиға кетса, қозониғача олдирурман. Мен сахрода ўлтурған ўзбекдин бошқа Хабаш султон бирлан Элбарс султон қатинда икки юз-уч юздин ортуқ киши йўқти. Мен борғандин сўнг ул иккисининг қатиға киши юборман. Сиз йилдам юрунг. Бир ўқ отмай қочиб кетар. Агар мундоқ қилмасангиз, сиз борғунча элнинг чирикин йиғиштуруб қарши келуб урушар,—Абулғози иккинчи марта ўзининг ҳарбий тадбирларини отасига билдиради. Бироқ, отаси «...ёвни чопмай олурға» қулай бўлган Абулғозининг таклифини қабул қилмайди, ўз билганидан қолмайди. Абулғози: «Не бўлур эрди отишуб, чопишиб юрғунча, ушбу ишни қилсалар?» («Шажараи турк», 483-бет)—деб отасининг қилиқларидан таажжубланади.

«Ушбу ишни қилмасангиз... ёмон бўлур»,—деб огоҳлантиради. Арабмуҳаммад жангда енгилади. Хон қамоққа олинади, фарзандлари ҳар томонга тарқаб кетади. Абулғози Бухорога, Асфандиёр султон Маккага кетишга мажбур бўлади. Кейинчалик Хабаш ва Элбарс султонлар ўз отасининг кўзини ўйиб олиш билан қаноатланмай, уни ўғли ва набиралари—Асфандиёрхоннинг икки ўғли билан қатл қиладилар, Хабаш ва Элбарслар ўлдирилиб, тож-тахт Асфандиёрхон қўлига ўтгач ҳам ўзаро қирғин урушлар тўхтамайди. Туркман қабилалари мададига таянган Асфандиёрхон ўзбек қабилаларини беомон, шафқатсизлик билан қиради. Бундан кейинги курашлар бир ота-онадан пайдо бўлган ака-укалар Асфандиёрхон, Абулғози ва Шарифмуҳаммад хонлар ўртасида юз беради. Чунки тож-тахтга эга бўлган Асфандиёрхон ҳам ўзидан олдинги салтанат

анъаналарига амал қилиб, Хива, Хазорасп ва Катни ўзи олади. Урганчи Абулғозихонга, Вазирни Шарифмуҳаммадхонга инъом қилади. Асфандиёрхоннинг туркман қабилаларига таяниб салтанатни бошқарганини кўрган Абулғозихон ўзбек қабилаларига таяниб, хонликни бутунлай қўлга киритиш сиёсатини юргизади.

Асфандиёрхон барча ўзбекларнинг Бухорога кўчиб кетишларидан ҳайиқиб, уларнинг таклифини қабул қилишга мажбур бўлади. Бу муваффақиятдан мағрурланиб кетган ўзбек қабилаларининг беклари Абулғозининг тадбирларига кўнмай, уни тезроқ тахтга кўтаришга шошиладилар. «... Бу кеча тўрт ёққа киши юборали. Тонг отканда минг киши дарвозада ҳозир бўлсун. Муҳаммад Ҳусайнбек бошлиқ бу туркманни кироли.

Тақи, Хевақдақи ўлтурған туркманни чопали. Бу қиш Хевақнинг қалхасинин қабаб етали. Баҳор олурмиз»,— деб шовқин солишади.

Абулғозининг «... туркманни қира билмассиз. Эшитиб қочар. Қишина туркманнинг барчаси Хевақ устида турур. Ани ҳам ола билмассиз. Хевақ бориб ётсангиз эвингиз эгасиз бўлур. Қалмуқ келур. Тақи ўғлон ўшоқингизни олур кетар» («Шажараи турк», 503-бет), деб уларни бу йўлдан қайтаришга интилади ва ўзининг қуйидаги тадбирларини улар ўртасига ташлайди:

«... Муҳаммад Ҳусайн бошлиқ туркманларни яхши сийлаб юборали. Шариф Муҳаммад куюк қалъада қишласун. Ўзбекнинг барчасини буз тўнғандин сўнг кўчуриб Шариф Муҳаммад бирлан бизнинг орамизга келтурали. Ҳар беш юз эвли ва минг эвли бир жиб солиб қишласун... Бир ерға йигилали. Ичимизда оз бўлса беш-олти юз туркман бўлур. Аввал ани қирали. Тақи Хевақ устина юрали, бу вақтда Абулхон ва Манқишлоқнинг туркмани ошлиқ олмоқ учун Хевақга келиб, барчаси энлик эвина кетар. Баҳор қўй-қўзилар учун Хевақда ўт бўлмас... Сарт экин экмoқ учун кендли кендина кетар. Хевақ ичинда Асфандиёрхон қатинда кўп бўлса юз, оз бўлса эллик киши қолур. Ғофил бориб, дарвозанинг оғзина тушоли» («Шажараи турк», 510—511-бетлар),— деб ғалаба қозониш йўлини кўрсатса ҳам қабул қилишмайди. «Отланмоқни муносиб кўруб, Хевақ устина юрдилар. Ёмон иш қилдингиз, юртни буздингиз теб, айта-айта икки кундан сўнг кейинлариндин бордум. Хиканик ариқининг лабинда Тошкўлприк теган,

ерда бориб тушдук. Туркманнинг оч-ариқин топиб ўлтурдик» («Шажараи турк», 510—511-бет), деб афсусланади.

Бироқ ғалабага эриша олмайдилар. Асфандиёрхон билан бўлган урушда енгиладилар. Абулғози мағлубиятга учрагач, мадад умидида аввал қозоқ хони Турсунхон, сўнгра Бухоро хони Имомқулихон даргоҳларида пайт пойлаб юришга мажбур бўлади. У ўзбек қабилаларининг ёрдамида яна ўз юртига қайтади. Яна ўзбек — туркман бўлиб урушадилар.

«Андин сўнг мен беш-олти киши бирлан Хевақ келдим. Шариф Муҳаммад мендан икки ойдин сўнг Ҳазорасбада Асфандиёрхон қатиға келди. Ул иккиси бир бўлди. Тақи менинг бирлан урушдилар. Мен ғолиб келдим, сулҳ қилдилар. Олти ойдин сўнг Хевақда ғофил ўлтуруб эрдим, иккиси илғаб келиб дарвозага яқин тушди. Ташқарида ўлтурғон туркманнинг қора-ёмони Асфандиёрхонга йиғилди. Ул беш минг киши бўлди. Менинг қатимда олти юз киши бўлди... Бир эт пишим уруш бўлди, шул вақтда жов қочти» («Шажараи турк», 531-бет).

Хуллас, ака-ука ўртасидаги тож-тахт талашиб, қон кечилган урушларда Абулғозихон енгилиб, Асфандиёр томонидан Эронга сургун қилинади. Ироқнинг Исфажон шаҳрида ўн йил назорат остида сақланади. Бироқ, бу ўн йил Абулғози учун, унинг келажаги учун ниҳоятда фойдали бўлиб чиқади. У гарчи салтанат бошқаришдан маҳрум этилган бўлса ҳам, аввалги ўн йилда, яъни олти ёшидан ўн олти ёшига қадар олган билимининг камини тўлдиради. Сургундалигида олган билимлари унинг етук шахс, ижодкор бўлиб етишувига замин бўлади.

Абулғози ўн йилдан сўнг ўз тайёргарлигини меъёрига етган ҳисоблаб, ўн биринчи йил сургундан қочади ва бир қанча қийинчиликлар билан қолмиқ хонининг ёрдамида ўз юртига етиб келади:

«... Андин кетиб Манқишлоқ бордим. Ул вақтда Манқишлоқ туркмани бузулиб етти юз эвлик қолиб, ул ҳам Қолмуқға тобиъ бўлуб туруб эрди.

Қолмуқнинг подшоҳи маним келганимни эшитиб, яхши кишиларини юбориб мани олиб борди-да, бир йил сақлаб Урганчда ўлтурган ўз халқимиз ичине юборди» («Шажараи турк», 532—533-бетлар).

Бундан сўнг Абулғози сиёсий фаолиятининг янги

даври бошланади. Бу — 1643—1663 йилларни ўз ичига олади. Абулғози шу вақтга қадар (у ҳам бўлса, ўн олти ёшидан бошлаб, то Асфандиёрхон томонидан Эронга сургун қилинганига қадар) отаси ва акасининг вассали сифатида мамлакатнинг бир бўлаги — ўзига инъом қилинган ҳудудда салтанат ишларини бошқариб, тажриба тўплаган эди. У қирқ бир ёшида, аввало, Орол ҳокимлигини, сўнгра бутунлай Хива хонлигини бошқариш ишларини қўлга киритиб, йигирма йил давомида — олтимиш бир ёшигача хонлик қилади.

Бироқ, Орол ҳокимлигига кўтарилгач, хонликни бутунлай қўлга киритиш осон бўлмади. Бу ҳақда «Шажараи турк»да шундай дейилади: «Ул вақтда Имомқулихон ўлуб, иниси Нодирмуҳаммадхон акаси Имомқулихон ерига хон бўлиб эрди.

Биз туркмандин ақамизнинг ўғлонлари ва вилоятини тиладук, бермади. Тақи Нодирмуҳаммадхоннинг отина худа ўқуб Ашраф султонни юборди. Биз ёв бўлуб Хевақни икки мартаба чопдук. Андин сўнг Нодирмуҳаммадхон Хевақ бирлан Ҳазорасбга ҳоким бермади. Тақи Нодирмуҳаммадхон Хевақ бирлан Ҳазорасбга ҳоким юборди. Асфандиёрхоннинг ўғлун ва қизин ва кўчин кўчуруб олиб бориб Қаршида ўлтуртди. Хевақ бирлан Ҳазорасбнинг амалотини Асфандиёрхон кимга берган бўлса, Нодир Муҳаммадхоннинг келган илғор беклари шул кишидан аюрмади...» («Шажараи турк», 533—585-бетлар).

Тарихшунос олим ва шоир Шермуҳаммад Мунис «Фирдавсул-иқбол» асарида ёзишича, Абулғози давлат тепасига келгандан сўнг кўп кишиларга ўз ёнидан ўрин ва амал тайин этган: «Ўзбекдин уч юз олтимиш кишига... амал берди. Аларнинг ўттуз-ўттуз бirtасига ўз ёнидан ўрин берди. Андоқким, икки шайхулислом, икки қози, бир раиссайид ота авлодидин, бир мутавалли, бир нақиб, тўрт оталиқ, тўрт иноқ, тўрт мироб, тўрт парвоначи, икки оқа, икки арбоб, тўрт чигатой иноқи ва бир вазирким, холомехтар дерлар ва қушбеги, бу иккови ўринсиз. Хон (Абулғози) ҳузурида оёқ устида турдилар»¹. Абулғози Баҳодирхоннинг улкан хизматлари шундан иборатки, у хонликни марказлаштиришга

¹ Мунис ва Огаҳий. Фирдавсул-иқбол. Уз. ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмадар фонди, инв. 5364, 28-а.

интилиб, давлатни бошқаришни ислоҳот қилган, деҳқонларнинг ўртоқлашувини тезлаштирувчи тадбирлар қўллаган. У Хоразмда кенг суғориш тадбирларини жорий қилган донишманд эди. Мунис, Огаҳий ва Баёнийларнинг тарихий асарларида бу ҳақда қимматли маълумотлар, тарихий фактлар келтирилади.

Абулғози ҳам худди ота-боболари сингари давлатни бошқаришда дин ва шариатга таяниб иш кўради. У «кишининг отаси ким бўлса, фарзанди ҳам шул бўлади»,— деган диний ақидага ишонади. Шунинг учун ҳам «Хондин туғилган хон, султондин султон бўлади», деб тушунади. У мамлакатни талон-тарож ишларидан халос қилувчи фармонлар ўйлаб чиқаради: «Тангри буйруғинда закот бермоқ фарз турур, ҳар йили молларидин закот берсунлар, мен киши юборуб чоптирмаман»,— деб туркман қабилаларининг беқларига фармон юборади («Шажараи турк», 347-бет).

Абулғози ҳукмронлиги даврида Хоразм ҳудудида ўзаро қирғин урушлар нисбатан камая бошлайди. У қўшни хонликларга элчилар юбориб, бундан буён тинчлик ва дўстлик билан яшашни таклиф қилади. Шоҳликни ўз ихтиёри билан Анушахон деган ўғлига топширади.

И Б О Б

«ШАЖАРАИ ТУРК»ДА ТАРИХИЙ ВОҚЕАЛАР ТАСВИРИ ВА УНИНГ БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тарихий воқеалар ва уларнинг бадий тасвири

Ўзбек бадий насри бутун ўзбек адабиёти каби жуда қадимда вужудга кела бошлаган. Бу насрнинг қуртаклари бир қатор туркий халқларнинг муштарак ёдгорликлари бўлмиш Урхун-Енисей обидаларига бориб тақалади. Ўзбек бадий насрининг шаклланиши ва тараққиёти ўзбек ёзма адабиётининг такомилли билан боғлиқдир, бу ўринда биз Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий» асаридаги дунёвий моҳиятга эга бўлган ҳикоя ва қиссаларни, Сайфи Саройининг «Гулистон» таржимаси ва бошқаларни кўзда тутамиз.

Ўзбек классик адабиётининг улкан намояндаси Алишер Навоий ўзбек насри тараққиётида ҳам катта роль ўйнади. У «Маҳбуул қулуб», «Муншаот», «Вақ-

фия», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» ва «Ҳамсатул мутаҳаййирин» каби насрий асарлар яратди. Тўғри, бу асарлар ҳозирги тушунчадагидек, соф бадий наср обидалари эмас. Лекин шунга қарамай, улар ўзбек бадий насрининг инкишофида катта роль ўйнайди. Чунки уларда Алишер Навоий кўп ўринда ўзининг фикр-мулоҳазаларини бадий шаклда беришга интилган ва бунга эришган. Образлилик, сурат ва сифатни бадий тасвир воситалари билан ифодалаш (сажъ усули) ва бошқалар бу асарга ёки уларнинг айрим ўринларига бадий наср тусини бағишлайди. Шу билан бирга, бу асарларда кўпгина мустақил ҳикоя, латифа ва бошқалар ҳам борки, булар XV аср ўзбек ҳикоячилигининг намунасидир. Бу хусусият «Тарихи мулуку Ажам» асарига ҳам тааллуқлидир.

Алишер Навоий насри, хусусан, «Ҳамсатул мутаҳаййирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» ва «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», ўзбек мемуар адабиёти ва бадий-хотиравий адабиётнинг туғилиши билан ҳам боғлиқдир. Чунки мазкур асарларда Алишер Навоий кўрган-кечирганларини баён этади, кўпгина воқеавий ҳикоя ва латифалар келтиради. Бундан ташқари, унинг «Мажолисун нафоис», «Муншаот», «Вақфия» каби асарларида ҳам мемуар адабиётнинг элементлари бор. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, махсус тадқиқот ишларини талаб этади. Бироқ биз бу ўринда шуни таъкидламоқчимизки, ўзбек насрининг, жумладан бадий-хотиравий наср — мемуарнинг туғилишида Алишер Навоийнинг маълум ўрни ва роли бор. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодиёти заминда «Бобурнома», «Гулзор», «Мифтоҳул/адл», «Шажараи турк» каби ўзбек насрининг ноёб намуналари вужудга келди.

Ўзбек насрининг ноёб намунаси ҳисобланган «Шажараи турк» асарида Абулғози Баҳодирхон ўтмишдошлари анъанасини давом эттириб, улардан илҳомланиб, феодал ўзаро урушлар ва унинг салбий оқибатларини акс эттирди. Тарихий воқеаларни баён қилишда улар каби ҳикоя ва ривоятларга мурожаат этди. Чунинчи, Гулбаданбегим ўзининг «Ҳумоюннома»¹ асарида ўзбошимчаликларни бартараф қилиш ва Ҳин-

¹ Гулбаданбегим. Ҳумоюннома, С. Азимжонова таржима-си, Т., 1959.

дистонни забт қилиш учун Ҳумоюннинг қайта отланганлигини қаламга олади. Асарда Ҳиндолнинг ўлдирилиши, Комрон кўзининг кўр қилиниши, Ҳумоюннинг буйруғи билан Комроннинг ўлдирилиши каби тарихий воқеалар Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асаридаги воқеаларга, яъни Арабмуҳаммаднинг кўр қилиб ўлдирилиши, Асфандиёрхон томонидан Абулғозининг Эронга сургун қилиниши, Авғоннинг рус подшолиги ихтиёрига Москвага юборилиши каби тарихий воқеалар билан монанд келади. Асосий масала бу ўхшашликда эмас, тарихда такрорланиб турувчи тохтахт учун курашларни илғор нуқтаи назарда туриб қаламга олишда Абулғозига Гулбаданбегим анъаналарининг қўл келганлигидадир.

Шунингдек, Ҳофиз Гиниш Бухорийнинг «Абдуллонома» асари Урта Осиё халқларининг XVI асрдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ўрганишда катта ўрин тутди. Асар 1534 йилдан 1539 йилгача Урта Осиё, Қозоғистон ва қисман Афғонистон ва Хуросонда бўлган сиёсий воқеаларни ўз ичига олади. Бу асарнинг 56—88-саҳифасигача қадимий афсоналар ўрин олган. «Шажараи турк»нинг ҳам 8—88-саҳифасида ана шундай воқеалар берилдики, бу жиҳатдан бу икки асарнинг бошланмаси бир-бирига ўхшаб кетади. Зотан Абулғозининг «Шажараи турк» асаридаги Нуҳ пайғамбар, Олонқува ва унинг фарзандлари ҳақидаги ҳикоялар «Абдуллонома»даги афсоналарни эслатади.

Шунингдек, Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» номли асарларининг қадимий афсоналардан бошланиши бу икки асарида муаллиф бир хил усул қўллаганлигидан дарак беради. Чунончи, «Шажараи тарокима»нинг 17—41-саҳифаларида ҳам қадимий афсоналар жой олган.

Абулғози анъанасини давом эттирган Мунис ва Огаҳийнинг «Фирдавсул-иқбол» асарида эса, «Шажараи турк»да ёзилмай, туширилиб қолдирилган воқеалар тўлдирилади. Мунис ва Огаҳий бу ишни бажарар эканлар, улар ҳам бу асарни одатдаги афсонавий ривоятдан бошлайдилар. «Фирдавсул-иқбол»нинг ҳам энг қадимий даврлардан бошланиши Абулғозининг «Шажараи турк» асарининг бошланишига ўхшайди.

Халқимиз ўтмишда феодаллар, хону беклар ҳукронлиги, зулми остида моддий ва маънавий бойликларни бунёд этиб келди. Ўтмишда яратилган нодир

адабиёт ва санъат намуналари ҳам битмас-туганмас қудратга эга бўлган халқ ижодий меҳнатининг маҳсулидир. Биз мулоҳаза юритмоқчи бўлган [Абулғози Баҳодирхон «Шажараи турк» номли тарихий-мемуар асарини ёзишда бошқа тарихчилар каби ана шу ўзига қадар яратилган бой маданий меросни жуда чуқур ва атрофлича ўрганган ва ундан фойдаланган.]

«Чингизхоннинг обо аждодларини ва авлодларини ким ҳар вилоятларда подшоҳлик қилиб турурлар. Муаррихлар туркий ва форсий тили бирлан онларнинг подшоҳлик қилган ва туғган ва ўлган тарихларини, яхши ва ёмон қилган ишларини ёзиб турурлар. Бир подшоҳ отина бир донишманд киши бир тарих айтиб турур. Ва яна бир неча йиллардин сўнг шул подшоҳнинг авлодидин яна бир подшоҳ бўлганда тақи бир донишманд муаррих пайдо бўлиб, мен ул бурунқи муаррихдин яна яхши айтурман теб, бу подшоҳнинг отина тақи бир тарих айтиб турур. Шундоқ қила-қила Чингизхон авлодидин ҳар юртда ўтган подшоҳларнинг отларига баъзиларига ўн тарих, баъзиларига йигирма тарих ва баъзиларига ўттиз тарих айтиб турурлар» («Шажараи турк», 4- бет).

[Абулғозининг «Шажараи турк» асарини яратишдан асл мақсади Чингизхон авлодининг тарихини яратиш эмас, ўзидан олдин ўтган ота-боболарининг ва акаларининг Хоразмда ҳукмронлик қилган даврлари тарихини, яъни ўз аждодларининг бепарволиги туфайли ёзилмай қолган тарихни ёзиб, келгуси авлодларга туҳфа қилиб қолдиришдан иборат эди. У уйдирма ва сохталикка ҳеч бир йўл қўймасликка, тарихий ҳақиқатдан четга чиқмасликка ва бутун асари давомида шу принципга амал қилишга интилади. У асарининг китобхоналарига ёлғон сўзламасликка ва ўзини «ғалат таъриф» этмасликка сўз беради. Буни асарнинг 8—9- бобларида яна бир марта очиқ-ойдин кўрамаиз.]

[Абулғози Баҳодирхон ўз замонасининг энг ўткир тарих билимдони бўлган. У ўзининг китобини ёзишга киришар экан, унинг қўл остида ўн саккизта форсий ва туркий тилларда ёзилган манбалар борлигини қайд қилади: «Эрон бирлан Туронда ўтган Чингизхон ўғлонларининг отларина айтилган тарихлардин ушбу замон фақирнинг олдинда ўн саккиз мужаллад ҳозир турар («Шажараи турк», 11- бет). Буларнинг орасида тарихчи Фазлуллоҳ Рашидиддиннинг (1247—

1318) «Жомеъ-ул-таворих» («Тарихлар йиғиндиси»), Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Мирхондининг «Равзатус-сафо», Бобурнинг «Бобурнома», Ҳафиз Тиниш Бухорийнинг «Абдулланнома», Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома», Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асарлари, Хондамир, Зайниддин Восифий, Абдураззоқ Самарқандий, Жувайний ибн Арабшоҳ каби муаррихларнинг китоблари ҳам бўлган деб фараз қилиш мумкин. Абулғози бу асарларни ҳам чуқур ва атрофлича ўрганган ҳамда улардан самарали фойдаланган. Шунинг учун ҳам биз унинг «Тарих билмакликда фақирдек киши шояд Ироқ ва Ҳиндистонда бўлса бўлмай, йўқ айтсам ёлғон бўлмай»,— деган сўзларига шубҳа қилмаймиз.]

Абулғози ўз асарларини яратишда халқ оғзаки ижодиётига, халқ афсоналарига дастлабки манба сифатида мурожаат қилган ва ундан фойдаланган. Бу афсоналар Абулғозига қадар оғиздан-оғизга, наслдан-наслга ўтиб, ёки тарихий китоблар саҳифаси орқали етиб келган иккинчи асосий манба муаллиф фойдаланган тарихий китоблардир. Муаллиф бир неча ўнлаб тарихий китобларни жуда синчиклаб ўрганган ва тарихий ҳақиқат деб топганларини ўз асарида умумлаштириб берган. «Шажараи турк»нинг яратилишида асосий роль ўйнаган манбалар Абулғози кўрган, иштирок этган ва ўз бошидан кечирган тарихий воқеалар, саргузаштлардан иборатдир. Ана шу мўътабар манбалар «Шажараи турк» асарининг композицион қурилишини ва асосий сюжет йўналишини белгилаб беради. Биз юқорида эслатиб ўтганимиздек, [Муаллифнинг асосий мақсади Хоразм шоҳларининг ёзилмай қолган тарихини тиклашдан иборат бўлса-да, муаррих ўз асарларини узоқ ўтмишга экскурсия қилиш билан бошлайди. Тарихий ва бадий асарларни бундай бошлаш мусулмон Шарқида анъанага айланиб кетган эди. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си ҳам, Рашидиддиннинг «Жомеъ-ул-таворих»и ҳам шундай бошланган. «Шажараи турк»да ҳам бу анъана давом эттирилган.]

Асарнинг биринчи бобида Одам атодан то мўгул хонигача бўлган тарихий воқеалар тасвири берилган. Муаллифнинг баёнида аниқ тарихий воқеалар баёнидан кўра афсоналар ҳикоя қилиш устунлик қилади. Масалан, «Худойи таоло Одам алайҳиссаломни яратганининг зикри» қисми «Қуръон» ва бошқа диний ди-

дактик китоблар баёнига асосланган. Биз асарни кўздан кечирар эканмиз, унда диний қобиқда дунёвий руҳдаги масалалар баён қилинганлигини кўрамиз. Чунончи, «Ёфасни баъзилар пайғамбар эрди, теб турурлар ва баъзилар пайғамбар эрмас, теб турурлар. Ёфас отасининг ҳукми бирлан Жуди тоғидан кетиб Атил (Итил) ва Ёйиқ сувининг ёқосиға борди, икки юз эллик йил анда турди. Тақи вафот тобди. Саккиз ўғли бор эрди. Авлоди бисёр кўб бўлиб эрди... Ёфас ўларинда улуг ўғли Туркни ўрнида ўлтуртуб, ўзга ўғлонлариға айттиким, Туркни ўзларингизга подшоҳ билиб, анинг сўзидин чиқманг. Туркка Ёфас ўғлони теб лақаб қўйдилар. Бисёр адаблик ва оқил киши эрди, отасидин сўнг кўп ерларни юруб кўрди. Тақи бир ерни хушлаб, анда ўлтурди. Бу кун ул ерларни Иссиқкўл дерлар... Кунлардан бир кун овға чиқиб кийик ўлтуруб, кабоб қилди. Еб ўлтуруб эрди, илгидин бир турғам эт ерга гушди. Ани олиб еди эрса, оғзиға бисёр хушмаза келди, анинг учун ул ер тузлоқ эрди. Ошға туз солмоқни ул чиқарди» («Шажараи турк», 15- бет).

Агар бунга ўхшаш ва ундан олдинги «Худойи таолонинг одам ва пайғамбарларни яратгани» ҳақидаги афсоналар билан қиёслаб кўрсак, унда қандайдир кишини ишонтирадиган ҳақиқат мавжудлигини сезамиз. Бу инсоннинг туздан фойдаланишига доир, уни бошлаб берган ким бўлишидан қатъи назар, бир тарихий ҳақиқатдир. «Шажараи турк»да афсонавий, ярим тарихий, соф тарихий воқеалар ўзига хос тасвир силсиласига эга. Биринчи турдаги воқеалар тасвирида романтик баён, жанговар кайфият биринчи ўринга кўтарилади. Соф тарихий воқеалар тасвирида эса, киши қалбини гоҳ қайғу-алам билан қопловчи, гоҳ хушнуд қилувчи реалистик баён устун бўлиб қолади.

Асарнинг иккинчи бобидаги воқеалар баёнини кузатар эканмиз, тарихий воқеалар тасвирининг афсона ва ривоятлар билан қоришиб кетганига назаримиз тушади. Бу бобда мўғул хонининг зикри берилиб, Мўғул Мунг номли тарихий шахснинг подшоҳлик қилгани, бу тоифадан тўққиз кишига подшоҳлик муяссар бўлгани, бу ҳақда Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарининг муқаддимасида ёзилганлиги айтилади ҳамда халқ орасида тўққиз ўлчови шу тарихий воқеадан келиб чиққанлиги ҳақида ривоят бор экани маълум қилинади: «Асл Лафз Мўғул Мунгул турур-

Авомнинг тили келмаслиқидин бора-бора Мўғул тедилар. Мунгнинг маъносин барча турк билурлар, қайғу маъносида турар. Улнинг маъноси соддадил, яъни қайғули содда темак бўлур. Бу тоифадин тўққиз киши подшоҳлик қилдилар. Аввали Мўғулхон охири Элхон. Шарафиддин Яздий «Зафарнома»нинг муқаддимасинда айтиб турур: Турк халқининг ичинда расм турур ҳар нимарсани тўққуз қилмоқ. Ул тўққузни мўғулнинг тўққуз хонининг юзидин олиб турур» («Шажараи турк», 17-бет)↓

↓Халқ орасида пайдо бўлган урф-одатнинг (яъни туздан фойдаланиш одатининг) пайдо бўлиши берилган бўлса, сўнгра то ҳозирги кунларга қадар халқимиз орасида қўлланиб келинаётган «тўққиз-тўққиз» расм-русумларининг тўққиз мўғул хонидан келиб чиқиш тарихи баён этилади. Биз тарихий воқеаларнинг афсона ва ривоятлар билан қоришиб кетган ҳолда берилишини назардан ўтказар эканмиз, Абулғозининг уруғ номларининг келиб чиқиши этимологиясини ҳам мана шу тарзда асослашга интилганини кўрамиз. Мўғул хонлари ҳукмронлик қилган ҳудудлардаги жуда кўп уруғларнинг номи маъносини беришда жуда кўп афсоналар берилган бўлса ҳам биз улардан баъзилари устида тўхталиб ўтмоқчимиз.

↓Асарда муаллиф кўп уруғларни эл деб тавсия этади. Бир-бирлари билан ораси бузилиб кетган қариндошлардан уйғур элининг юзага келиши ҳақидаги афсона диққатга моликдир. Ана шу услуб, яъни тарихий воқеалар баёнида афсона ва ривоятларнинг қоришиқ ҳолда берилиши то XVII аср тарихий воқеаларининг баёнига қадар давом этади. XVII аср воқеалари баёнига келиб, тасвир услуби ўзгаради, яъни тарихий воқеалар баёнини афсона ва ривоятлар ўрнини бевосита бўлиб ўтган тарихий воқеа-ҳодисалар тасвири эгаллайди. Муаллиф афсонавий, мифологик, ярим афсонавий, диний, тарихий шахслар қиёфаларини қаламга олганда ҳам уларни қатъиян икки гуруҳга бўлади. Ўз идеалига мос тушганларни улуғлайди. Баъзи соф тарихий шахслар қиёфаларини яратганда холис нуқтаи назарда туради. Улар қиёфаларидаги яхши ва ёмон томонларни бир бутунликда олиб кўрсатади. Асарнинг дастлабки бобларида халқ афсоналари тасвири тарихий воқеаларга нисбатан устунлик қилган бўлса, кейинчалик тарихий воқеаларнинг афсона ва ривоятлар билан

қоришиқ ҳолда берилишида тарихий факт ва далилларнинг аста-секин салмоқли ўрин эгаллай борганини кўрамиз.

Асарнинг саккизинчи-тўққизинчи боблари конкрет воқеа ва материалларга асосланган. Энди муаллиф фольклор ва тарихий манбалардан фойдаланишдан воз кечиб, ўз кўзи билан кўрган, ўзи иштирок этган ёхуд ота-оналари, ака-укалари, қариндош-уруғлари билан боғлиқ саргузаштларни баён қилишга киришади. Бундай тарихий воқеалардан бири сифатида «Ҳожимхоннинг зикри» воқеасини кўрсатиб ўтиш мумкин. Муаллиф бу тарихий воқеа баёнида Ҳожимхоннинг ёшлик йиллари, авлод-аждодлари, тахтга чиқиш тарихи, Абдуллахон ва унинг оға-инилари билан тож-тахт талашишларини зикр қилади.

Абулғози XVII асрга оид бошқа тарихий воқеаларнинг баёнини берар экан, ўз синфий манфаатларини унутмайди. У гарчи асарнинг дастлабки саҳифаларидан то сўнгги саҳифаларига қадар тарихий воқеаларга холис муносабатда бўлишга интилиб, халқ оғзаки ижодиёти материалларига, афсоналарга, тарихий манбаларга ниҳоятда эҳтиёткорлик ва ҳурмат билан ёндашса-да, айрим тарихий шахслар ва фактларни шарҳлашда ўзининг синфий йўлидан четга чиқолмайди. Чунки у ўзи ҳам феодал бўлгани учун Чингизхонни кўп ўринларда идеаллаштиради, ҳатто унинг босқинчилигини ҳам қораламайди. Лекин Абулғози ўзининг ёшлик йилларидаги саргузаштларини тасвирлар экан, ота ва акалари ўртасидаги тож-тахт учун юз берган хунрезлик урушларини ҳам, ўзининг жанглардаги ютуқ ва мағлубиятларини ҳам, қочоқликда юрган йилларини ва бу йиллардаги дўст ва душманларини ҳам очиқ-ойдин тасвирлайди. Биз асарни ўқир эканмиз, Абулғозининг Хабаш ва Элбарс султон номли ўз акаларига қарши, отаси тарафида туриб жанг қилганини ҳам, ёв ғолиб келгач, қочганини ҳам, энгагидан ўқ еб, суяклари пора-пора бўлганини ҳам, ўлим ҳолатидан базўр қутулиб, бир қанча вақт қувғинда яшаганини ҳам билиб оламиз. «Абулғозининг 20 ёшидан то 23 ёшигача бошидан ўтказганининг зикри» сарлавҳаси остида берилган воқеалар тасвирида ана шу холислик яққол кўзга ташланиб туради.

Адиб уч йиллик воқеалар тафсилотини баён қилар экан, ўзи билан қўл остидаги кишилар ўртасида юз

берган зиддиятларни ҳам очик-ойдин ифодалайди. Бу эпизодларда Абулғози Баҳодирхон тарихий воқеаларни бўямай, аниқ баён этади: «Биз йигирма ёшимизда эрдук. Келур йил сичқон йили куз экинин олгандин сўнг барча халқ Асфандиёрхонни бориб кўрмакликни муносиб кўрдилар. Муҳаммад Шариф султон бирлан қўшулиб, отланур бўлганда бир кеча Шариф Муҳаммад-ни уч яхши кишиси бирлан ўзумнинг икки яхши кишимни чақирдим. Тақи айтдим, энди борамиз. Сизлар не айтасизлар. Барчалари бормоқни муносиб кўрдилар. Асфандиёрхондан ҳеч қўрқунчингиз борму?— теб сўрадум. Йўқ, тедилар. Мен айтдим, сизлар шарт қилинг кишига айтмасликка, мен кўнглимга келганин айттайин, онт ичдилар. Мен айтдим, Асфандиёрхон юрт олғали бир йил бўлди. Қирдан келган туркманларнинг яхшиларин не учун рухсат бермай сақлаб турур. Албатта онларга қилган бир ваъдаси бор. Биз борган сўнг Ўзбекни қирар. Иложи не турур?— теб сўрдилар эрса, айтдим, Асфандиёрхон қатиға биз бормасак. Хевақда турган ўзбекни қира билмас, бормағали. Агар бормоқни ўхшатсангиз, Хевақга яқин етганда ўзбек ва туркман Асфандиёрхоннинг навкарларининг барчаси бизга қарши келурлар. Туркманни шул ерда қирали, тақи Асфандиёрхоннинг олдина борали. Бўйнимизга фўта солиб, арз қилали: «туркман фикрсиз, кам ақл халқ ва ҳам бизнинг бирлан қири душман. Анинг учун жонимиздин кўрқтук. Тақи сиздин рухсатсиз бир ишни қилдук. Анда Шариф Муҳаммад киноя юзиндин айтди: «Асфандиёрхонни ўлтурали Абулғози акамни хон кўтарали», ўлтурган кишиларнинг барчаси менинг сўзумни ёмон кўрдилар. Шариф Муҳаммаднинг сўзин яхши кўрдилар. Уйғур халқиндин Қурбон ҳожи теганнинг ўғли Қулмуҳаммад теган менинг оталиқим эрди. Ул айтди: «Мундоқ сўзни айтманг. Агар айтқудек бўлсангиз, Асфандиёрхонни кўрмакка келдук айтурмиз» («Шажараи турк», 170- бет).

Бу эпизодлар Абулғозининг тарихий воқеалар баёнида холис йўл тутганлигига далилдир. Бироқ ҳар бир ижодкор ўз даврининг фарзанди бўлганидек, Абулғози ҳам Ўрта Осиёда феодал тузум инқирозга юз тута бошлаган даврнинг фарзанди эди. Ҳар қандай муаллифнинг ҳам дунёқараши ўз даври ижтимоий тафаккури ва маданий савияси билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Бошқача қилиб айтганда, давр ижодкор дунёқа-

рашида ўчмас из қолдиради. Шу туфайли ўша ижодкорнинг яратган асарларида ўз даври билан боғлиқ бўлган айрим чекланганликлар содир бўлиши табиийдир. Абулғозининг «Шажараи турк» асари ҳам, албатта, бундан мустасно эмас.

Муаллиф тарихий воқеаларни холис тасвирлашга ҳар қанча уринмасин, унинг дунёқарашидаги заифлик ҳамда айрим иккиланишлар баъзи тарихий воқеалар тафсилотларини беришда муаллифни тарафбозлик йўли томон тойдиради. Бунинг эса ўзига хос тарихий-сиёсий илдизлари ёки сабаблари мавжуддир.

Кучли марказлашган давлат тузиш, айрим майда хонликлар ва бекликлар ўртасидаги қирғин урушларга барҳам бериш, элу юртга осойишталик бахш этишга интилиш Абулғозихон даври учун ижобий аҳамиятга эга эди. «Хуллас, Абулғозихон шахслар, воқеа ва ҳодисаларга ўз салтанати нуқтаи назаридан ёндашиб баҳо беради, ўзига маъқул хонлари ва амалдорларни мақтаб кўкларга кўтаради, ёқмаганлари устидан кулади. Асарнинг айрим ўринларида халқ кучига ишониш майлини изҳор этса ҳам, баъзан халқни назар-писанд қилмай камситади»¹. Ёки котибларга берилган баҳода ҳам ана шундай бир томонламаликни кўрамиз: «Котиблар деган бемурувват аҳмоқлар,— деб ёзади у,— бу китобнинг юзидан ул китобига битди. Андин бири уч ёки икки йил бўлурдур, худой билур, йигирма битилиб турур ва ўтгуз бир нухага ўтказган сайин неча сўзни ғалат қила-қила тамом тарихларнинг учдин бирин, балки ярмини ғалат қилиб турурлар»... («Шажараи турк», 61-бет.)

Абулғози «Шажараи турк» китобида Уғузхоннинг Турон, Эрон, Ҳиндистон, Миср, Шом, Хитой каби давлатлар билан уруш олиб бориб, доимо унинг қўшини ғалаба қозонишини Уғузхоннинг Татархон қўшинларини енгганликларини бир санъаткор сифатида баён этади: «Чурчит теган бир улуг юрт турур. Шаҳарлари ва кентлари кўп. Хитойнинг Темир қозиқ тарафинда бўлур. Ҳинд ва тожик ани чин дерлар. Уғузхон бориб Татарни чобти. Татар хони кўп черик бирлан урушти. Уғузхон бости. Тақи лашкарларин қирди. Уғузхоннинг лашкарининг қўлини ул чоқли ўлук мол тушдиким, юкламакка кулук озлиқ қилди. Бир яхши чибар киши

¹ Абдуллаев В. А. Ўзбек адабиёти тарихи. Т., 1964, 15-бет.

бор эди. Ул фикр қилиб арабани ясади. Андин кўрмакча барча араба ясадилар. Молларини юклаб қайтдилар, араба қаниқ от қўйдилар. Андин илгари оти-да йўқ эрди, ўзи-да йўқ эрди. Анинг учун қаниқ тедилар ким, юруганда қаниқ-қаниқ қилиб овоз қилур, ани ясаган кишини қаниқли тедилар. Барча қаниқли эли ул кишининг ўғлонлари турур» («Шажараи турк», 21-бет).

Таъсир Умуман олганда, Абулғози тарихни билиш соҳасида ўзи яшаган даврда тенги йўқ бир шахсдир. У туркий халқлар тарихига оид афсона ва ривоятларни ҳам, машҳур тарихчиларнинг китобларини ҳам анча мукамал ўрганган ва ўз салафлари анъаналарини ривожлантириб, ўз сулоласининг ёзилмай қолган тарихини ёзиб, ўз авлодларига туҳфа қилган тарихнависдир.

«Абулғози ўз асарининг кенг тарқалишини таъминлаш ва таъсир кучини ошириш мақсадида мақол ва эртақлардан ижодий фойдаланади, бадий тасвир воситаларини ишлатади. Буларнинг ҳаммаси «Шажараи турк»нинг маърифий аҳамиятини оширади, содда жумлаларда ҳарорат билан тасвирланган воқеа ва хотиралар кишини ўзига мафтун этади... Табиат манзараларини, жанг лавҳаларини, қилич товуши, отнинг дупурлаши ва кишиларнинг ҳайқирғини тасвирлаганда ишлатиладиган сўзлар ҳам, бадий ифода услуби ҳам китобхонни завқлантиради»¹.

«Шажараи турк» ўзининг ана шу жиҳатлари билан бошқа тарих китобларидан фарқ қилади. Абулғозининг тарихий манбаларидан энг ишончлиларини танлаб ола билиши, ҳар қандай уйдирмаларга берилиб кетмай, кўпинча холис йўл тутиши унга шуҳрат келтирган бўлса, тарихий воқеалар баёнини образли жумлаларда бериши, бадий тасвир воситаларидан унумли фойдаланиши, тарихий ҳодисаларни афсона ва ривоятлар билан далиллашдаги моҳирлиги, тарихий шахслар саргузаштларини китобхонларни мафтун қилувчи таъсирчан новеллалар шаклида ижод қила олиши муаллифнинг адиблик истеъдодини намоён қилган. Буларнинг барчаси қўшилиб, «Шажараи турк» соф тарихий асар бўлиб қолмасдан, балки тарихий-адабий асар шаклини олганлигидан далолат беради. *Асар 7-и*

«Шажараи турк»да тарихий воқеалар баёнининг бадий инъикосида икки хил йўналишни кўриш мум-

¹ Абдуллаев В. А. Ўзбек адабиёти тарихи. Т., 1964, 16-бет.

кин: биринчиси — уруш ва қабилалар, элу элатлар ҳаёти тўғрисидаги бадий лавҳалар, иккинчиси — тарихий шахсларнинг саргузаштлари ва фаолиятлари билан боғлиқ бўлган тарихий воқеаларнинг бадий тасвиридир. Бадий тасвирдаги бу икки йўналиш бир-бирини узлуксиз тўлдириб боради, элу элатларга тегишли бўлган бадий лавҳаларда ўша элатларнинг касб-кори, турмуш тирикчилиги ҳам қаламга олинган. Масалан, «Қорлуқ элининг зикри» номли лавҳада қуйидагича тасвири учратамиз: «Қорлуқ эли Мўғулистонда Берк тоғларининг ичинда юрт қилиб ўлтурдилар. Экин экарлар эрди ва моллари ҳам бўлур эрди. Бир яхшисини подшоҳ кўтариб, ул ўлса яна бирисини, ва кўп эрмаслар эрди» («Шажараи турк», 32-бет).

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, «Шажараи турк» асарининг дастлабки саҳифаларидаги элатларнинг турмуши ҳақидаги ҳар бир тарихий воқеа тасвири ўша элатларнинг турмушини ёрқин бўёқларда кўрсатувчи ҳикоялар даражасига кўтарилгандир. Бунга мисол қилиб, «Уйғур элининг зикри», «Найман элининг зикри» «Жалоир элининг зикри» ва бошқа жуда кўпгина шу тахлитдаги зикрларни кўрсатиб ўтиш мумкин. «Урманқит элининг зикри»да «Бу элнинг юртлари қалин ёғочнинг ичинда турур. Анинг учун Урманқит от қўйдилар. Буларнинг юртлари қирғиз вилоятинга яқин бўлур... Булардан бошқа тақи бир Урманқит отли эл бўлур. Иккисининг бир-бирини ҳеч қариндошлики бўлмас. Бу айта турғанимиз ўз олдина бир бошқа эл турур. Тақи бири мўғул, нукуз ўғлонлариндин турур. Урман ичинда кўп ўлтурган учун онларга ҳам Урманқит от қолиб турур», — дейилган бўлса, («Шажараи турк», 34-бет), «Татар элининг зикри»да эртак услубини эслатадиган қуйидагича тасвирга дуч келамиз:

«Анинг оти қадимда ва бу вақтда ҳам машҳур турур. Қадим етмиш минг эвлик эрдилар. Кўп уруқ эрдилар. Ҳар қайсиси фалон элмиз теб айтурлар эрди. Ҳар уруқлари бошқа-бошқа ҳар ерда ўлтурурлар. Аммо яхшилари ва кўпраки Хитойга яқин. Буюрнавур тегин ерда ўлтурурлар эрди. Хитой подшоҳларина итоат қилиб хизмат қилурлар эрди. Гоҳ-гоҳ Хитой билан ёв бўлурлар эрди. Анда Хитой подшоҳи лашкарлар юбориб, ўлтуртиб ва чаптуртуб, тақи ўзиға боқитурур эрди. Бир неча кўп эллари Айқирамуран теган сувнинг

ёқасинда ўлтурурлар эрди. Айқирамуран қирғиз вилоятининг тушиндин ўткандин сўнг кўп сувлар анга қўшулур, тақи улуғ сув бўлур. Тақи бориб Ачи (Аму) тенгизига қуяр. Қуйган еринда, тенгсиз ёқасинда бир улуғ шаҳр бўлур. Кентлари кўп, кўчиб юруган моли, эли кўп. Йилқисининг барчаси ола, ўзга ранг бўлмас. Ул шаҳрнинг отини Алақчин дерлар. Анинг яқинида кумуш кони бўлур. Ул элнинг қозони, табақи ва оёғи барчаси кумушдин бўлур. Ўзбекнинг олали йилқили, олтули ўчоқли эл бўлур эрмиш тегани бу турур» («Шажараи турк», 34-35-бетлар).

Муаллифнинг ўз асаридаги тарихий воқеалар баёнини гоҳ «зикр»; гоҳ «ҳикоя», гоҳ «достон» деб аташида ҳам «Шажараи турк»нинг бадий услубига тегишли бўлган мулоҳазалар мавжудлигини пайқаб олиш мумкин. Гарчи муаллиф деярли сарлавҳаларда зикр номини қўлласа-да, воқеалар баёни давомида уни ёки «ҳикоят» ёки «достон» деб атайди. Шубҳасиз «ҳикоят» ва «достон» терминлари бу ўринда шартлидир. Биз шу шартлиликни унутмаган ҳолда, тарихий воқеаларни қизиқарли ва мароқли баён этган ҳодисалар баёни ёки эпизодларни, муаллиф айтганидек, «ҳикоя» термини билан бердик. Мана, 341-саҳифадан бир мисол: «Туркманнинг бир нечаси раъият бўлиб мол берур эркандур ва бир нечаси ёв бўлуб эркандур. Раъиятчилигина на миқдор мол берури қарор бермагандур. Гоҳ кўп ва гоҳ оз берур эркандур. Тангрим буюрса Сўфиёнхоннинг ҳикоятида туркманнинг молина қарор берилганни айтқумиз турур»,— дейилади («Шажараи турк», 124-бет). Ҳақиқатан ҳам «Сўфиёнхоннинг зикри» хийла пухта ишлангандир.

Абулғози ўз асарининг оммалашиб кетишини истаб, китобининг таъсир кучини ошириш мақсадида тарихий воқеаларни жонли, таъсирчан шаклда беришга, содда ва образли жумлаларда баён этишга интилади. Персонажлар фаолиятларини эса, бадий асарлардаги сингари табиат манзаралари, чиройли ва ниҳоятда жонли чизилган пейзаж фонида беришга муваффақ бўлган «Татар элининг зикри», «Сўфиёнхоннинг зикри»ларидаги муаллиф нутқининг персонажларнинг ўзаро диалоглари билан муваффақиятли алмашилиб туриши, персонажлар нутқининг сўзловчи ҳолати, ички дунёси, мақсадини китобхонларга ошкор қилиб туриши тарихий воқеаларнинг тасвирига бадий тус берган.

«Шажараи турк»нинг дастлабки бобларида шахсларнинг дунёга келишлари, фаолиятлари ҳам кўпинча афсонавий йўналишда, диний тусда берилади. Масалан, «Ўғузхоннинг дунёга келганининг зикри» қуйидагича бошланади: «Қорахоннинг улуғ хотунидин бир ўғли бўлди. Кўркали ойдин ва кундин ортуқ. Уч кечакундуз онасин эммади. Ҳар неча ул ўғлон онасининг тушига кириб, айтур эрди: «Эй она, мусулмон бўлғил. Агар мусулмон бўлмасанг ўлсам ўларман, сенинг эмчагингни эммасман!»— теб. Онаси ўғлига қиё билмади, тақи Тангрининг борлигина имон келтурди. Андан сўнг ул ўғлон эмчакни эмди. Онаси кўрган тушини ва мусулмон бўлганини кишига айтмади, тақи яшурди. Анинг учун ким турк халқи Ёфасдин Аланчахон замониғача мусулмон эрдилар. Аланчахон подшоҳ бўлгандин сўнг халқнинг боши ва моли кўп бўлди. Давлатга эсардилар. Тақи Тангрини унутдилар ва барча эл кофир бўлдилар. Қорахон замонида кофирликда андоғ маҳкам эрдилар ким, агар отаси мусулмон бўлганин эшитса, ўғли ўлдуруп эрди» («Шажараи турк», 17-18-бетлар).

Шундан сўнг Ўғузхоннинг уйланиш тарихи ва фаолиятлари деярли муболағали тарзда идеаллаштириб тасвирланади. Агар ёзувчининг эл-элатлар ҳақидаги тасвирларида ўша элатларга тегишли турмуш шароити, урф-одат масалалари воқеаларнинг ғоявий йўналишини ташкил қилса, тарихий шахслар ҳақидаги тасвирларда ўша шахсларгагина алоқадор бўлган тарихий воқеалар қаламга олинади. Тарихий шахслар ҳақидаги ҳикояларнинг баъзиларида турк уруғларининг шажараси тарихининг тасвири берилади. Тарихий шахсларга бағишланган воқеалар тасвирида ўзбек халқ эртақларидаги тасвирий услуб жилва кўрсатади. Китобхон бундай тарихий воқеалар тасвирини ўқир экан, тарихий асарни ўқиётганлигини деярли унутиб қўйиб, ўзини сеҳрли эртақ ўқигандай ҳис қилади. Ана шу фазилат Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асарининг қимматини белгилайди. Мисол учун «Жўчихон бин Чингизхоннинг бешланчи ўғли Шайбанхоннинг авлодиндин Хоразмда подшоҳлик қилганларнинг зикри» ҳикоясига эътибор берайлик:

«Отлиқ ўзбек ул иккисининг отини абё араб тер. Пулод ўлгандин сўнг отасидин қолган элларни иккиси бўлушуб, ики оғанини бир ерда кўчуб ва қўнуб ёйиқнинг

бошин ёйлаб ва Сирнинг оёқин қишлаб тотулик бирлан умр ўтказдилар. Араб ўлғандин сўнг ўғли Ҳожи Тўли отаси ўрнинда ўлтуртуб элга подшоҳлик қилди. Анинг бир ўғли бор эрди, Темур шайх отлиқ. Ҳожи Тўли ўлар бўлганда Темур шайхни ўрнига ўлтуртуб кетди. Темур шайхнинг йигитлик вақтинда қалмоқдин икки минг киши келиб элин чошиб қайтди. Темур шайх кейинидин қува бориб, чирик йиғилмасдин бурун етиб урушти. Тақи бостирди-да, анда шаҳид бўлди. Ҳеч фарзанди йўқ эрди. Элни ёвга чобтирди. Тўрасиндин айрилди ва подшоҳдин ини ва ўғли қолмади. Уч умидсизлик бир-бирининг устина бўлди. Бу сабабдин ён ёноша ўлтурган халқ ўзга тўраларга келдилар. Анда уйғур халқининг оқсақоллари йиғилиб ўрду эшикина келдилар. Тақи хонимга киши юбордилар. Тақи айтдилар ким эл барчаси кетди. Биз тақи кета турурмиз. Тузларин бахил қилсунлар. Яна бир сўз ими буким, хоннинг хотунлари ва қумалари кўп эрди. Муни яхши қаратсунлар, агар ҳар бирининг бўюнда бўлса кетмалинг. Ул бўлғунча ўлтуралинг. Бу сўзни эшиткандин сўнг хоним айтди: «Ўзғасининг бўюнда йўқ. Менинг уч ойлик ўғлоним бор». Бу сўзни эшитгандин сўнг уйғур халқи ўрду бирлан бирга ўлтурди. Найман халқи кетиб эрди. Бу сўзни эшитгандин сўнг ўзга тўрага бориб навкар-да бўлмади... Хоним олти ойдин сўнг бир эркак ўғул топди. Отини Ёдгор қўйдилар. Уйғур халқи бир кишини юбордилар, юруб барча кетган эллардин севинчи тилагил теб. Ул киши ул найман халқина борди. Онлар бир қорақашқа от севинчи бердилар. Тақи қайта кўчуб ўрду қатиға келдилар эрса, янги туқған ўғлонни энга-гаси кўтариб отасининг курунушхонасина келтуруб тўрда ўлтурди. Сўл Мўғул расминда ўнгдин улуғ бўлур. Анинг учун ким бадан мулкининг подшоҳи юрак турур. Юракни тангри таолло сўл ёқда яратган турур. Найманни уйғур меҳмонсен теб, сўлда ўзидан юқори ўрин берди. Бу вақтгача найманнинг юқори ўлтурмоқлигининг сабаби ул турур... Андин сўнг отасидин қолғон навкарлари умид қилгани келдилар...» («Шажараи турк», 114-115-бетлар).

Ҳикоянинг давомида Ёдгорхоннинг вояга етиши, давр-даврон суриши, фарзандлари ҳақидаги бадий тасвир мавжуддир. Биз юқорида кўриб ўтганимиздек, Абулғозининг «Шажараи турк» асарида тарихий во-

қеаларнинг ранг-баранг бадий тасвири мавжуддирки, китобхонлар баъзан эл-элатлар ҳақидаги ҳикояларни мароқ билан ўқисалар, баъзан турк уруғларининг келиб чиқиш тарихи ҳақидаги ҳикояларни мароқ билан кузатадилар. Тарихий шахсларга бағишланган ҳикояларнинг баъзиларида турмуш воқеалари эртакнамо усулда тасвирланса, айримларида воқеалар афсонавий тарзда қаламга олинади.

Асарнинг сўнги бобларига келиб, юқорида таъкидлаганимиздек, тарихий воқеаларнинг бадий тасвири тобора ҳаққонийроқ тус ола бошлайди. Тарихий шахслар ҳақидаги ҳикояларда турмуш зиддиятлари яққолроқ кўзга ташлана бошлайди. Масалан, «Ақатойхоннинг зикри» ҳикоясида қуйидагича ҳаётий тасвирга дуч келамиз. Юнусхон номли шоҳ ўз рақибларининг сиқуви олдида Урганчдан Бухорога қочишга мажбур бўлади, отаси кетида қолган Қосим султон қуйидаги фожиага дучор бўлади:

— «... Қосим султон отасиндин адашти. Отаси тўғри Бухорога кетди. Ўғли кеча юриб тангла бир берк қамишнинг ичинда бора эрди, бир чунгил сув учради. Ул вақтдин бери ани хон чунгили дерлар... Ул кун анда ётди. Қатанда бир кишиси бор эри, анга айтди: «Бир ердин озук олади, йўқ эрса мундин Бухорога озуксиз нучук борурмиз» теди. Навқари айтди, сен мунда ўлтур. Мени ҳеч киши танимас, элга бориб озук олиб келайин теб, отланиб кетди.

Тақи илғаб Урганчга Ҳожимхон олдина келди. Тақи кўрганин айтди. Ҳожимхон киши юбориб тутуб келтуртиб ўлуртди» («Шажараи турк», 139-бет).

Шу тариқа «Шажараи турк» асаридаги тарихий воқеалар ўзбек халқ эртакчилигига мактаб бўлган бадий тасвир фонида берилган. Ана шу фазилатнинг ўзидаёқ муаллифнинг ўткир тарих билимдонигина эмас, шу билан бирга ўткир қобилиятли адиб эканлигини ҳам кўрсатади.

Абулғози феодал тарқоқлик ва бошбошдоқлик авж олган даврда яшар экан, ривожланиб келаётган феодал тузум давридаги тартиб-интизомларни, давлатни идора қилиш усулларини қўмсаши турган гап эди. Марказлашган давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ва уни мустаҳкамлаш сиёсати туфайли Абулғозихон ўзининг Чингизхоннинг меросхўри ва сиёсат соҳасидаги кичик

издоши деб билади ҳамда эътиқодига доимо содиқ бўлишга интилади. Шунинг учун ҳам Чингизхоннинг давлатни идора қилиш соҳасидаги барча тадбирлари ва сиёсатини давом эттиришга интилади. Абулғози ўзбеклар билан туркманлар ўртасидаги ўзаро урушларни тасвирлар экан, ўзининг миллий жиҳатдан чегараланганини ҳам намойиш этади.

«Шажараи турк»нинг мемуар асар эканлиги

Ўтмиш ўзбек адабиёти бир қатор мемуар ва тарихий асарларни ҳам ўз ичига олади. «Бобурнома» (Бобур), «Шажараи турк» (Абулғози), «Фирдавсул-иқбол» (Мунис ва Огаҳий) ва бошқалар шулар жумласидандир. Чунки уларда тарихий воқеалар кўпинча бадий тил воситасида ифодаланади, бадий лавҳалар ва шеърлар уларга янада кўпроқ бадий тус беради.

«Шажараи турк»даги ерда инсоннинг пайдо бўлишидан то XVII асргача бўлган даврдаги воқеалар тафсилоти ҳеч бир соф бадий асар доирасига сиғмаган бўлар эди. Асарда турк уруғларининг келиб чиқиш тарихи, уларнинг урф-одатлари, руҳияти, иқтисодий ҳаёти ва улар бошидан кечирган ижтимоий тузумлар тавсифи, пейзаж, тарихий шахслар фаолиятлари ва ҳоказолар асардаги мавзу доирасининг ниҳоятда кенглигини кўрсатади.

Чунки, мемуар асарлар қаламга олинган даврнинг энг ноёб, энг қизиқ тарихий воқеаларини акс эттириши билан бирга унинг муаллифи ўша воқеаларнинг гувоҳи ва ёки иштирокчиси, кекса тарихнинг ўткир билимдони, қобилиятли, талантли ижодкори ҳам бўлиши лозим. Бусиз тарихга ҳамроҳ бўлиб қоладиган мемуар асар яратиш мумкин эмас. Абулғози худди ана шу хилдаги санъаткордир. У ўз аجدодларининг унутилиб кетиши мумкин бўлган улкан тарихини тиклашга киришгунга қадар тарих ва адабиётни шу қадар синчиклаб, ўрганганки, бу соҳада у билан замондошларидан ҳеч бири тенглаша олиши мушкул бўлган. Абулғози ёзиб қолдирган «Шажараи турк» асари бунинг исботидир. Муаллиф ўзи гувоҳ бўлмаган, иштирок этмаган қадимий даврлар тарихини ёзганда ҳам ўрни-ўрни билан ўз таассуротларини қўшиб юборадикки, натижада унинг сиймоси асар воқеаларини бириктирувчи сюжет ўзаги вазифасини ўтайди. Айниқса, бўлиб ўтган воқеаларни

бирмунча кенгроқ тасвирловчи мемуарларда у ёки бу даражада бадийлик қирралари кучли бўлиши, тарихий воқеаларни бериш билан бирга бадий тўқима ҳам аралашиб келиши мумкин. Шу боисдан ҳам «Шажараи турк» мемуар асардир. Унда юқорида кўриб ўтганимиз мемуар асарларга тегишли хусусиятлар, барча фазилатлар мавжуд.

Мемуар асарлар ҳақида «Литературная энциклопедия»да шундай ёзилган: «Мемуар асарлар бадий адабиётга, жумладан оила хроникаси ва тарихий беллетристиканинг турли кўринишларига яқинлашиб келса ҳам, воқеликнинг маълум соҳаларини аниқ ўзидай тасвирлаш хусусияти билан ундан фарқ қилади. Бадий адабиёт асарларидан фарқли ўлароқ, мемуарлар махсус бадий адабиёт вазифаларини ҳал қилишни ўз олдига қўймасдан, бошлича ва кўпроқ воқеликни тушунчалар орқали таништиришга аҳамият беради. Бироқ мемуар билан бадий адабиёт ўртасида баъзан қатъий чегара қўйиб бўлмайди»¹. Абулғозининг «Шажараи турк» номли тарихий асари ўзбек адабиёти тарихи ва маданиятини ривожлантиришда шубҳасиз катта аҳамиятга эгадир. Бу асарга ҳақиқий баҳо берган академик В. Зоҳидов: «Абулғозининг машҳур «Шажараи турк»и худди «Бобурнома» билан эгизакка ўхшайди деса бўлади»², — деган эди.

«Шажараи турк»да Абулғозига замондош бўлган турк подшоҳларининг тарихи батафсил тасвирланган, уларнинг шахсий ҳис-туйғулари ҳар қандай муболағадан, пардадан холи, ниҳоятда содда, тушунарли тил билан баён этилган. Абулғозининг тасвир услубида ҳам санъаткорлик сезилиб туради. Жумлалар оддий, шу билан бирга жонли ва образли. Абулғози ўзи қаламга олган тарихий (ўзидан олдин ўтган) шахсларнинг ҳамда ўз замондошларининг таржимаи ҳоллари, уларнинг қиёфалари, урф-одатлари, интилишлари, қилиқларини гоёта жонли ва равшан тасвирлайди. Бу жиҳатдан у яратган «Шажараи турк» асари мемуар сифатида XVII аср ўзбек адабиётида ягона чинакам тарихий тасвир намунасидир. Абулғози ўз асарига киритган ҳар бир шахснинг ташқи кўриниши, баъзан

¹ Литературная энциклопедия. М., 1934, том VII, стр. 131.

² Бобурнинг фаолияти ва адабий-илмий мероси ҳақида. «Шарқ узи», 1958, 11-сон, 142-бет.

кийиниши, таъби, одатини ва туркий уруғларнинг ҳудудий жойлашуви, манзараси, иқлими, хўжалиги, тирликчилик машғулотларини бадий асарлардагидек жонли ва таъсирли қилиб тасвирлаб беради.

«Шажараи турк»да «Уруғлар ва улар номларининг келиб чиқиш тарихи тасвири»да шу қадар табиийлик мавжудки, уларга нисбатан ишончсизлик билдириш, шубҳа билан қараш мумкин эмас. «Уруғларнинг номи ва келиб чиқиш тарихига бағишланган воқеалар уйдирмалардан холи, тарихий вазият оддий кишиларнинг номларидан олинганлиги билан далилланади. Уйғур, қўноқли, қипчоқли, қорлоқ, қорлуқ, ўрмонқит элларига бағишланган воқеаларда ана шундай реалликка яқин тасвирни кўрамиз. Масалан, «Дўрмон элининг зикри»да қуйидагиларни ўқиймиз:

«Мўғулнинг Бичинкаён отли подшоҳининг беш ўғли бор эрди. Кичиги барчасиндин яхшироқ эрди. Отаси ўлар бўлганида у Кичик ўғлимни тўра қилинг,— теб васият қилди. Халқ ҳам кичик ўғлини тўраликка лойиқ билиб хон кўтардилар. Анинг оти Тимач Мерган эрди. Тўрт улуғ халққа кўп айтдилар: «Биз тўртимизнинг ҳар қайсимизни тўра қилсангиз розимиз, аммо кичикка рози эрмасмиз»,— теб халқ ул тўртининг сўзларин қабул қилмадилар. Анинг учун элга ўпкалаб, юртдин кетиб, ёт элнинг ичина бориб ўлтурдилар. Мўғул тўртни дўрман дер... Ул тўртиси ўлди, ўғлонлари қайтиб қаринтошлари ичига келдилар» («Шажараи турк», 41-бет).

Бу парчадаги воқеанинг ихчам ва жонли тасвири, ака-укалар ўртасидаги вазият, дўрмон сўзининг луғавий маъноси, тарихий ҳақиқатнинг бадий тўқима ёрдамида очилиши «Шажараи турк»нинг мемуар сифатидаги қимматини оширган. Тарихий воқеалар тасвирида бадий тўқима деярли асарнинг бошидан охиргача давом этади. Чингизхоннинг Ўрта Осиёни забт қилиши пайтларидаги тарихий воқеалар тасвирида бу бўёқ янада қуюқлашади. Натижада Чингизхон қўшинларининг ваҳшиёна босқинчилиги, обод шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилишлари, ерли халқ бошига даҳшат ва қирғин келтирганликлари шундайгина китобхонларнинг кўз ўнгига келиб туради: «Термиз халқи тобиё бўлмай, саф тортиб урушдилар. Ахирул амр Чингизхон Термизни олиб қатлиом қилди. Ул вақтда бир хо-

туши мўғуллар ўлдирмакка олиб келдилар. Ул хотун айтди: «Мени ўлтурманг. Мен сизларга бир яхши дур берайин»,— деди. Алар айтдилар: «Дуринг қайда турур». Мўғуллар ул хотуннинг қорнини ёриб дурни олдилар. Ул сабабдин ҳеч ўлук қолмади, тамомининг қорнини ёрдилар» («Шажараи турк», 70- бет).

Асарда Чингизхон қўшинларининг Марвни ишғол қилиш манзараси чизилган ўринлар бундан ҳам даҳшатли тасвирланган:

«... Тўлихон, Насай, Обивард ва Сарахсни ва Хуросоннинг яна бир неча вилоятларини олиб муҳаррам ойининг бошида тарих олти юз тақи ўн саккизта ҳадсиз, ниҳоятсиз лашкар бирлан келиб Марвни қабаб тушдилар. Марвнинг ичинда лашкар чиқиб уруш солди. Тақи бир соатда мўғулдин минг кишини ўлдурдилар. Йигирма бир кун уруштилар. Ахирул амр Тўлихон аччиқланиб отдин тушиб пиёда бўлуб, қалқанин бошиға тортиб Марвнинг дарвозасига югурди. Тамом мўғул хоннинг ортиндин югурдилар. Ул ҳолда Марвдин чиқиб урушуб юруган саксон минг киши эрди. Барчаси қочиб қалъаға кирдилар. Мўғуллар қалъани юз саф, икки юз саф қабадилар. Маждул Мулк кўрди ким, бу лашкарға мақовимат қилиб бўлмас теб. Андин сўнг кўп пешкашлар бирлан қалъадин чиқиб бориб кўрди. Хон Маждул Мулкдин шаҳарнинг молини ва хазинани талаб қилди... Шаҳарнинг халқини саҳроға чиқаринг теб ёрлиқ қилди. Тўрт кунда шаҳар халқни шаҳрдин саҳроға чиқариб бўлдилар. Ҳунарлик кишидин тўрт юз кишини олиб қолдилар. Андин ўзга эру хотун ва ўғлон-ушоқ барчасини лашкарға қисмат қилдилар. Ҳар мўғулға тўрт юз киши тегди. Ҳар киши ўзина теккан ҳиссасини ўлтурдилар. Саййид Изиддин теган бир неча девон (котиб)лар бирлан Марвнинг ичиндин чиқариб ўлтурган кишиларни хатға олдилар. Саҳрода ўлгандин бошқа шаҳр атрофинда ўлганларни ўн уч кунда хатға олиб бўлдилар. Минг мартаба минг тақи уч юз минг киши эрди. Алқисса мўғуллар хон ҳукми бирлан Марвнинг қалъасини ва иморатларини андағ вайрон қилдилар ким, ҳеч нишона қолмади» («Шажараи турк», 76-бет).

Абулғози бу даҳшатли воқеаларнинг гувоҳи бўлган эмас. Бироқ тарихий фактлар ва ишончли манбалардан олинган маълумотларни ўз ижодий лаборатория-

сида қайта жонлантириб, мемуарга киритадики, натижада китобхон Тўлихоннинг отдан тушиб, юзига қалқон тутиб Марв қалъасининг дарвозаси томон югуришини ҳам, ҳар бир мўғулнинг саҳрода теккан тўрт юз кишини ботириш манзарасини ҳам, сон-саноқсиз лашкарнинг Марвни ер билан яксон қилаётганини ҳам кўриб туради.

Абулғозининг ўз отаси Арабмуҳаммад, акалари Элбарс, Асфандиёр султонлар ҳақидаги лавҳаларда ҳам шундай хусусиятлар мавжуд. Бу ҳақда биз кейинроқ муфассал тўхталамиз. Хуллас, «Шажараи турк» ўзининг бадий-тасвирий услуби, мавзу доирасининг кенглиги, хотира тарзида ёзилганлиги ҳамда персонажларга бойлиги, муаллиф тилининг жозибадорлиги ва образлилиги, пейзаж ва халқ урф-одатининг жонли тасвирлари билан ўзбек адабиёти тарихида XVII асрдаги яккаю ягона мемуар асардир. Тўғри, «Шажараи турк»дан ҳам олдин ўзбек адабиёти тарихида мемуар асарлар бўлган эди. Абулғози Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Гулбаданбегимларнинг анъаналарини давом эттириб, ўз даврининг ноёб ёдгорлиги бўлган «Шажараи турк»ни яратди. Бу ҳақда адабиётшунос М. Юнусов: «Реалистик тенденцияси кучли бўлган «Бобурнома», «Шажараи турк» каби мемуарларнинг майдонга келиши, ўзбек бадий прозасини янги босқичга кўтарди. Бобур ва Абулғози Баҳодирхон ўзбек адабий тилини халққа яқинлаштиришда, силлиқлашда катта хизмат қилдилар»¹,— деб ёзганда тамомила ҳақли эди.

Абулғози шакл ва услуб жиҳатидан Заҳириддин Бобурнинг «Бобурнома» асарига ҳамоҳанг асарлар яратишни бошлаб берди. У тарихий-бадий асар яратиш борасида оддий тақлидчи бўлиб қолмасдан, балки Бобурдан тарихий асарлар ёзиш санъатини ўрганди.

«Шажараи турк»да туркий халқлар ҳаётининг умумлашган тарихини баён этиш билан бирга Абулғози ўзининг ўн олти ёшидан бошлаб ўзаро феодал урушларга аралашуви, Эронга сургунга юборилиши, сургундан қайтгач, хонликни қўлга киритиш учун олиб борган курашлари, йигирма йил давомидаги салтанатни бошқариш фаолияти, Хивада марказлашган давлатни барпо

¹ Ю н у с о в М. Барҳаёт анъаналар. Т., 1969, 60- бет.

этиши ва ўз бошидан кечирган ижтимоий воқеалар тўғрисида ҳам ҳикоя қиладики, «Шажараи турк»даги ана шу хусусият муаллифни мемуарнинг бош қаҳрамони даражасига кўтаради.

Абулғози ўзига замондош бўлган тарихий шахслар фаолиятларини, тарихий воқеалар, қавм-қариндошлари саргузаштларини қаламга олар экан, биз ҳамиша унинг ўз шахсини воқеалар оқимининг марказига қўйиб тасвирлаганини кўриб турамиз. Муаллиф ўз ёшлик давридаги тарихий воқеалар баёнини берар экан, китобхонлар мемуарнинг бош қаҳрамони бўлган Абулғозининг ўз даври воқеаларини чуқур тушунишга интиланганини, унинг қалбида туғён уриб турган ташвишлар шахсий қобиқни ёриб чиқиб, ижтимоий моҳият касб этгани, эл-юрт тинчлиги, фаровонлик сари талпинганини кўрадилар. Абулғозининг ёшликдаги орзуси—содда тушунчасига кўра «Агар элу халқ йиғилишиб ўлтира билур бўлса ва ё бир иш бошқармоқ қўлидан келур бўлса анинг учун бир мардга от қўйиб, эвнинг тўрида ўлтуртиб, барча халқ инон-ихтиёрин анинг қўлига бармоғи» (463-бет) лозим. Ёш Абулғозининг бу руҳий кечинмалари, албатта, ўз даври учун муҳим аҳамиятга эга эди. Мард, адолатли ҳукмдор ҳақидаги орзу фақат Абулғозинигина эмас, балки ўша даврда ўзаро урушлар туфайли хонавайрон бўлган, диллари қону зардобга тўлган фуқаронинг ҳам орзуси эди. Абулғозининг орзуси билан халқ орзусининг монандлиги «Шажараи турк»ни ўқиган китобхонларда бош қаҳрамонга нисбатан меҳр уйғотади:

«Асфандиёрхонни сўл ва фақирни ўнг қилиб эрдилар, улуғ уруш бўлди. Фақир уч от йиқилгунча уруштум. Барча халқдин сўнг кетдим. Қатимда олти киши бўлди, жов қўллаб етди. Қайтиб уруштук. Ул қирқ киши жов кўтарила от солди. Тақи аралаша қолди. Қочдим, қатимда бир киши бўлди. Ўзга кишиларимизнинг ҳар қайсиси бир тарафга кетти. Жов қолмай отқулаб гала юруб эрди, бариси ўқ бирлан оғзимга урди, энгаklarимнинг сўнгаklари пора-пора бўлди, оғзимнинг ичи тўла қон. Дарёнинг лаби ва ер қалин эрди. Бир улуғ юлғунни ўргулдим. Жовнинг кўзи мени кўрмай, ўзга кишига тушти. Шул вақтда отимнинг оёқи сичқаннинг инина кириб андак йиқилдим ким, отдин тўрт-беш қадам йироқ бориб туштум. От турди, тақи ғавғага

қочти, юрий берди. Қатимдаги киши манга отини бериб, ўзи қолди. Ёш ўғлон якка бора эрдим» («Шажараи турк», 168- бет).

Бу тарихий-бадий, лавҳада феодаллар фитнасини бостиришда отаси Арабмуҳаммад ва акаси Асфандиёрхон билан жангда қатнашган Абулғозининг ҳолати, кайфияти ва 1622 йилда Хивада кўтарилган феодаллар исёнига қарши кураш манзараси ишонарли қилиб тасвирланган. Бу тасвир шу қадар жонлики, асар қаҳрамонининг фаолияти, ҳарбий санъати, чидами, иродаси, тадбиркорлиги, фожиаси китобхонларни ҳис-ҳаяжонлар гирдобига тортиб кетади. Демак, ўтмиш ҳақидаги хотира бадий бўёқларнинг гўзал либосида бадий асар шаклига киради. Абулғозининг туркманларга қарши сув ичида олиб борган жанг хотирасининг берилишига назар ташлайлик:

«...Ернинг устиндин ёлғуз мени отқулай берди. Совутни эгарнинг қошина солиб сарупойим бирлан сувға тушдум. Чобқанда қизиб келган от сув ичмоқ бирлан бўлди. Қўлимда қамчи-да йўқ. Юз эмгак бирлан отни сувға солдум. Онамдин туққандин бери от ёлдаганим йўқ эрди. Ёлдаб юрий бериб, кейинишга қарадим. Олти киши ҳануз отатурур. Худойи таоло сақлади. Бириси ҳам тегмади. Бурунки ярадин оғзимнинг ичи тўла қон ташлайман, яна тўла эрди. Этикни ичина сув киргандин сўнг, ҳар аёқим ўн ботмон бўлди. Барча сарурпойим сув бўлди. Сувнинг ўрта ерина етганда, отимнинг қулоқи билан бурни кўрунди, ўзга ери ботди. Бир қари киши бор эди. Ул айтур эрди, ҳар қачон жовдин қоқганда сарупой бирлан от ёпдасангиз, бир оёқингизни қуюшқандин ўтқариб, отнинг қўйруқина қўюнг. Бир оёқингизни узангида қўюнг! Ўзунгиз тик туринг. Бир қўлингиз бирлан эгарнинг кин қошина босинг! Бир қўлингиз бирлан отнинг жиловини кўтариб тортиб тутунг! Мундоқ қилмасангиз от совутли, саруполи кишини олиб чиқабилмас теб. От ботиб бора турганда шул кишининг сўзи ёдимға кела қолди. Шундоқ қилдим. Отнинг то тўшигача сувдин юқори чиқди... Икки кунда Қатга келдим. Навкарларимиздин ўн киши мендан илгари келиб, мени ўлди теб турғанлар экандур» («Шажараи турк», 169- бет).

Бу тасвирда Абулғозининг мардлиги, тадбиркорлиги, ҳар қандай қийин вазиятда ҳам ўзини йўқотиб қўй-

маслиги, ўз ота-боболарининг жанговар таълимига амал қилиши, мақсад сари чидам билан интилиши жуда яхши очиб берилган. Бош қаҳрамоннинг ушбу ўриндаги жанговар фаолияти ёшлик пайтларидаги марказлик кўрсатиш ва «адолат ўрнатиш» ҳақидаги орзуларига мос тушганлигини кўриш мумкин. У ўз отаси ва оға-иниларининг ўзларини тутиши, салтанатни бошқариши, хулқ-атвори, мақсад ва интилишларини диққат марказида тутди. Ўсиб-улғаяётган навқирон йигит доимо уларга илғор фикрлар нуқтаи назаридан ёндашади ва баҳо беради. Китобхонлар асарнинг бош қаҳрамони сафида туриб «ўз бошина ва барча юрт бошина ортиқлар келтурган Арабмуҳаммаднинг иродасизлигини, қавм-қариндош, ота ва фарзандлар ўртасидаги тожтахт талашиб, қонли қирғинлар бунёдга келтирган шахсларга нисбатан, хон бўла туриб, кескин чоралар кўролмаганини, мамлакатнинг вайрон, хонликнинг парчаланиб кетишига йўл қўйиб берганлигини қаттиқ қоралайдилар, асарнинг бош қаҳрамони — Абулғозига муҳаббат билан қарайдилар. Чунки Абулғози ёш бўлишига қарамай, мамлакатни парчалаб юбораётган, элу юртга нотинчлик келтираётган, халқ бошига кулфат ва бахтсизлик уруғини сочаётган акалари Ҳабаш ва Элбарс султонларни қоралайди. Уларни «Давлат шаробин (ичиб) маст бўлган нодонлар»,— деб атайди. Қурбон ҳожи («Арабмуҳаммадхоннинг ондин улуғ беги йўқ эрди»)нинг тожтахт даъвосида исён кўтарган Ҳабаш ва Элбарс султонлар тарафида туриб, зимдан ниқобланиб иш кўраётганлигини сезиб қолиб, отасининг анқовлигидан ниҳоятда аччиқланади. Қурбон ҳожининг ниқобли хатти-ҳаракатларини фош қилиб ташлашга қанча уринмасин, отаси уни ёш бола фаҳмлаб, унинг сўзлари ва далилларига эътибор бермайди. Қурбон ҳожининг ёлғон, ваҳимали сўзларидан «қўли-оёқи суст бўлиб, тили тутулиб», «отни эгарла, туяни юкла»,— деб саросимага тушиб, Ҳабаш ва Элбарслардан қочишини кўриб, ғашни келади, Ҳабаш ва Элбарсларнинг талончилиги, «ўттиз йилдан бери йиғилган хазинани олуб, итға-қушға сочиб юборгани» Абулғозини туғёнга келтиради. Шундан сўнг, ёш бўлишига қарамай, отасининг олдига кескин шартлар қўяди. Бироқ хон Абулғозининг таклифини рад қилади. Натижада, Абулғози айтганидек, юрт бошига ҳам, Арабмуҳаммад бошига ҳам

«иши ишлар» тушади, «нушаймон қилурсиз, сўнгра бовдаси бўлмас»,— дегани тўғри бўлиб чиқади. «Шайхларни турк»ни ўқиган ҳар бир китобхон ёш Абулғозининг воқеалар йўналишига қараб, келажакни олдиндан найқай олиш қобилиятига тан беради. Натижада ёш каврамоннинг дардларига шерик бўлади, у билан тугалликда зулм ва адолатсизликлар, ҳийла ва фикрларликнинг тантана қилаётганлигидан қайғуга тушади. Худди ана шу ўринларда мемуарнинг гоёвий-эстетик қиммати, фазилати равшанроқ намоён бўлади.

Отасидан кўнгли қолган Абулғозининг сусткашлиги, «юрт эгасиз бўлиб қолган»идан азият чекиб, катта наъсан Асфандиёрхон ҳузурига «отланиб ярим кечадан суҳбатлашгани, ўз чора-тадбирларини маъқуллатгани боради. Бироқ, Асфандиёрхон «андоқ этма, Абулғози, отам муносиб кўрмаган ишни мен ҳаргиз билганига теб айтмам!» дейди, шу боисдан Ҳабаш ва Элбарсларнинг исёни авж олишига имконият яратилган. Абулғози ҳар қанча уринмасин, мамлакатни хароб қилувчи, одамларни қонга ботирувчи урушларнинг олдини ололмайди. Чунки унинг қўлида у вақтларда ҳокимият йўқ эди ва унинг ҳаққоний сўзларига на бош ҳукмдор бўлган отаси Арабмуҳаммад ва на акалари Иктамият берар эди. Абулғози йигирма ёшга киргандан сўнггина, унга ўша вақтлардаги салтанат тақсимотига кўра Урганч ҳокимлигини берадилар. Гарчи ёш ҳукмдор ўзига биркитилган ҳудудда ҳоким бўлса-да, бош ҳукмдорга тобе эди. Бу ҳукмдорлик ҳам узоққа чўзилмайди. Ота ва болалар, ака ва укалар ўртасидаги тож-таст талашлари Арабмуҳаммад ўлими билангина эмас, балки исёнчилар — Ҳабаш ва Элбарсларнинг ҳам қатл этилиши билан тугалланади. Тахтга меросхўр сифатида эга бўлган Асфандиёрхон замонида ҳам уруғлар ўртасидаги қонли курашлар тўхтамайди. Аксинча Асфандиёрхон туркман уруғларига таяниб, ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш ниятида ўзбек уруғларини қирғинга мубтало қилади:

«Шариф Муҳаммадни Урганчга юборди. Ҳар ерда уйғур найман бўлса ўлтургил, теб. Мени олиб қолиб, икка ўзининг қатинда бир неча кишини таъйин қилиб кўча боғи билан сақлади,— деб ёзади Абулғози,— Урганчнинг ўзбеки ўлтуруб кенгаш қилиб турурлар. Абулғози султонни нечук этсак қўлимизга олурмиз теб. Ахир

шунга қарор берибтирлар. Зўр бирлан муяссар бўлмас, бир тадбир қилали, шояд тақдирға мувофиқ тушгай теб. Шариф Муҳаммад бирлан қўшулиб борган туркманнинг яхши кишиларини чорлаб айтибтилар: «Барча ўзбек юрт ташлаб Бухорога кўчдук. Агар бизни Асфандиёрхон кетмасин теса, Абулғози султон бирлан Муҳаммад Хусайнбекни юборсун, Султон акасининг миннатини олиб ва бек барча туркманнинг миннатини олиб, ёмонлиқ йўқ теб, онг ичса турали, йўқ эрса, кетдук теб, кўчубтилар.

Элнинг олди тўрт кўчуб, сўнгги икки кўчкандин сўнг туркманлар инониб бир яхши кишисини Асфандиёрхонга чоптурубти. Пешин намозини ўқуб, ўлтуруб эрдим, Урганчдин Тангриберди келди тедилар. Ул келган туркманнинг оти Тангриберди эрди. Анинг кўрқоқлики менинг етмаган ажалимга сабаб бўлди. Хонни ва туркманни кўрқитти. Шул замон Абулғози бирлан Муҳаммад Хусайнбек борсун теб ҳукм қилди. Отланиб юрай бордик. Тақи Урганчга келдук. Ул вақтда Урганчнинг қалъасини чўл бўлган сабабидин Аму сувининг қибла тарафидаки лабинда Тўқ қалъаси рўбарўйинда қалъа солиб анда ўлтуруб эрдук. Қалъада ўзбекдин ҳеч киши йўқ. Мен бориб эвимга тушдим. Шариф Муҳаммад менинг қатимга келди. Муҳаммад Хусайнбек бир сартнинг эвинда тушди. Шариф Муҳаммад бирлан бирга борган туркманлар, бек бирлан борган турклар 70—80 киши бек қатинда бўлди.

Ўзбекнинг барчаси сувнинг нари юзинда анча ишга ярар кишилардин 30 киши мени кўргали келди. Бу айта турган сўзларимизнинг барчаси бир куннинг ичинда бўлган воқеа турур» («Шажараи турк», 171-бет).

Абулғозининг ноилож қолгани, ўзбек ва уйғур уруғларининг қирғинга дучор қилиниши қалбларимизни изтиробга солади. Асфандиёрхонга нисбатан нафратимизни, Абулғозига нисбатан меҳримизни оширади. Ўзбек ва уйғурнинг тадбиркорлик билан иш кўришлари Абулғозининг Асфандиёрхон тузоғидан қутилиши дилларимизга таскин беради. Айни чоғда асардаги Абулғозининг саргардонликлари ўқувчи қалбини узлуксиз туғенга келтириб туради. Ана шу хусусият асарнинг таъсирчанлигини оширади. Мемуарнинг «Абулғозихоннинг йигирма бир ёшиндин то йигирма уч ёшиндин ўткани» қисмида ўша даврдаги тарихий воқеаларнинг

реал тасвири берилади. Бош қаҳрамоннинг саргузаштлари ўша давр тарихий воқеалари фонида янада ёрқинроқ кўринади. Гоҳ кўли баланд келган, гоҳ мағлубиятга учраган бош қаҳрамоннинг саргузаштлари унинг ўз она халқи тақдирига шерик эканини кўрсатиб туради:

—«Туркистонда Эшимхон қатинда уч ой турдим, ул вақтда қозоқнинг хони Турсунхон эрди, Тошкентдин ул Туркистонга келди. Эшимхон кўра борди. Мени эшикда қўйди. Ўзи бориб Турсунға кўринуш қилиб қайтиб келиб, менинг қўлумдин тутуб олиб бориб, кўрунуш қилдируб айтди: «Бу Ёдгорхон ўғли Абулғози турур. Ҳеч қачон бизга келиб бу жамоатдин киши қўноқ бўлғони йўқ эрди. Биздан борган кўп турур. Бу сизнинг хизматингизда бўлғани яхши»,— теди.

Турсунхон, яхши айтасен, андақ бўлсин теб, мени ўзи бирлан бирга Тошкент олиб кетди. Тошкентда Турсунхон қатинда икки йил турдум. Эшимхон Турсунхонни ўлтурди, қатағанни қирди. Эшимхонга айтдим, сиз икки хондин фойда етгаймукан теб келиб эрдум. Сизнинг ишингиз мундақ бўлди. Эмди рухсат бўлса Имомқулихон қатиға кетайин тедим. «Яхши айтасен, андақ қил»,— теди.

Келиб Имомқулихонни кўрдум. Менинг Бухороға келганимни эшитиб туркман киши юборди. Абулғози султон келсин, ёт юртда юрмасун теб.

Турсунхон Имомқулихоннинг душмани эрди. Ул ўлгандин сўнг Имомқулихоннинг қатина юрмакка юзум бўлмади ва тақи Имомқулихон икки каррат Турсунхон қатиға юруб келганимни киноя бирлан изҳор қилди. Ўзбек халқина айтдим, мен бу юртда тура билмайман... Сизлар не айтасизлар тедим эрса, вақти андақ бўлуб турур. Туркман ичина бор! Ҳар қачон бўлса, сенинг кўнглунг биздин ўзга бўлур теган гумонимиз йўқти» («Шажараи турк», 174-бет).

Абулғози катта акаси Асфандиёрхон билан ҳам салтанатни бошқаришда келиша олмайди. Чунки Асфандиёрхон туркман уруғларига таяниб иш кўради, мамлакатда талончилик, ўзаро қирғин авж олади, оға-инилар орасида зиддият кучаяди. Ўзидан кўра ақллироқ, адолатлироқ бўлган Абулғозига ишончсизлик билан қарайди, унинг тахтни эгаллаб қўйишидан хавфсирайди, Абулғози устидан иғво юритиб, туҳмат билан айблаб,

Ироққа сургун қилади. Асарда бу тарихий воқеалар хотирот тарзида ихчам ва таъсирли қилиб, чизиб берилган. Абулғозининг сургунни ўн йил давом этади. Ун бир йил деганда сургундан қочиб, то хонликни қўлга киритгунча жуда кўп сарсон-саргардонликни бошидан кечиради. Бу воқеалар тафсилоти асарнинг «Абулғозининг Ироқдин қочиб, то хон бўлгунча воқеотларининг зикри» номли бобида берилади. Сургундан қочган «Абулғози — Абулхон тоғина бориб икки йил така халқининг ичинда» туради. «Қалмоқнинг подшоҳи яхши кишиларни юбориб» Абулғозини ўз даргоҳида чақиртиради ва бир йил сақлаб, Урганчда ўлтурғон ўз халқимиз ичина юборади. Абулғозига Асфандиёрхон ўлимидан сўнггина шоҳлик муяссар бўлади: «...Элимизга келдим. Олти ойдин сўнг йилқи йилининг аввалинда Асфандиёрхон вафот топди.

Асфандиёрхон ўлгандин бир йил сўнг Аму сувининг тенгизга қуйган еринда (ул ерни Орол дерлар), тарих ҳижрий минг тақи эллик тўртда (1054), қўй йилининг аввалинда фақирни хон кўтардилар» («Шажараи турк», 179- бет).

Абулғози хонликни қўлга киритгач, ички ўзаро қирғин урушларга барҳам бериб, хонлик ҳудудида осойишталик барпо қилишга тиришади. Ўзининг бутун кучини ташқи душманларга қарши курашга қаратади. Хива хонлигини оёқ ости қилиб келган Бухоро ҳукмдорларига, қалмоқ хонларининг босқинчиларига қарши музаффарона юришларини бошлаб юборади. Хонлик ҳудудига босқинчилик ниятида келган ташқи душманларни мағлуб ва шарманда қилади. Мемуарнинг «Хони гитистоннинг қалмоқ бирлан урушқанининг зикри»да Абулғозининг тadbиркорлиги, одиллиги жуда яхши тасвирланган. Хазораспга бориб келиб, халқни талон-тарож қилган қалмоқлар ҳақидаги хабарни Абулғози эшитгач, амалдорлари билан кенгашади. Амалдорлари Хазораспни талон-тарож қилган қалмоқларнинг кетганига ўн кун бўлди, энди уларнинг кетидан қувиб етиб, юртнинг ўчини олиш мумкин эмас, деб вaж кўрсатадилар. Бироқ Абулғозихон «ҳеч қайсининг сўзин қабул қилмай, отланиб қалмоқнинг кейининдин юридилар. Бир неча кундин сўнг Эрдар тоғинда бир пора бўлунуб қолганин етиб олдиларда хабар сурдилар. Қалмоқлар Абулғозихон лашкарларининг зарбига бар-

дош беролмайдилар: «... Қалмоқ урушға тоқат келтура билмай Сангин работға қабалиб, киши юбориб арз қиладилар ким: «Биз Абулғозихоннинг юртиға боратурғанамиз адашиб келибмиз. Эмди подшоҳ турусиз. Ўлтурсангиз-да, тиргузсангиз-да биз бир гуноҳкор қул» теб, Урганчдин олған молларин олдиға солиб, садақа ва қиличларин бўюнлариға осиб келиб, хоннинг оёқларина йиқилиб, онт ичиб шарт қилиб айтдилар ким: «Бу кундин буёқғи сизга ва сизнинг юртунғузга ёмонлик қилмалинг. Қалмоқдин ва ўзга халқдин ҳар ким ёмонлик қилайин теса, кучимиз етса манъ этали ва кучимиз етмаса хабар қилали,— тедилар.

Хон айтдилар: «Сенларнинг ота ва оқаларинг бизга ёмонлиқ қилган эрмас эрди. Сенлар билмасликдин қилдинг»,— теб, гуноҳларин бағишлаб инъом ва суюрғалдар бериб, юртиға узатиб, фатҳ ва нусрат бирлан қайтиб Хевақ тушдилар» («Шажараи турк», 184—185-бетлар).

Бухоро хони Имомқулихонга қарши курашда ҳам ана шундай баҳодирликлар кўрсатади ва кўзи тириклигида шоҳликни ўғли Анушахонга топшириб, ўзини тоат-ибодатга бағишлайди: «Ёшимиз етмишга етди, эмдидин сўнг мусулмон халқға ёмонлик қилмоқнинг маъноси йўқ. Бир андак боисдин орамизда низоъ бўлиб эрди»,— деб бундан дўстона яшашни таклиф қилиб, Бухорога элчи юборди. Мемуарда ёзилишича, «тарихи минг тақи етмиш тўртда ва товушқан йилинда ва рамазон ул муборак ойинда дорул фанодин дорул бақоға рихлат қилди. Муддати подшолики йигирма уч йил бўлди» («Шажараи турк», 188-бет). Умуман олганда, Абулғозихон гоҳ ёзувчи, гоҳ фаолият кўрсатувчи баҳодир сифатида асар композициясининг яхлитлигини таъминлайди ва асар воқеаларининг ғоявий йўналишини марказлаштирувчи фигура сифатида кўрилади.

Тарихий шахслар тасвири ва бадий хусусиятлар

«Шажараи турк»да 400 дан ортиқ тарихий шахсининг номи тилга олинган, улардан 110 кишининг ҳаёти ва фаолияти қисқача баён этилган. Булар: хонлар, амалдорлар, шаҳзодалар, лашкар бошлиқлари, аскарлар, деҳқонлар, ҳунармандлар, чорвадорлар ва бошқалардир.

Агар биз «Шажараи турк»да тилга олинган шахслар қиёфасини гуруҳларга бўлар эканмиз, уларни иккига — афсонавий ва тарихий шахсларга ажратиш мумкин. Бироқ шуниси борки, муаллиф афсонавий шахсларни ҳам аниқ тарихий шахслар сифатида тасаввур қилади, уларни тарихда ҳақиқатан ҳам яшаб ўтган шахслар, яъни туркий халқларнинг энг биринчи аجدодлари сифатида китобхонларга тақдим қилади. Абулғози туркий халқлар уруғлари номларининг этнографиясини ҳам тарихий шахсларга олиб бориб боғлайди. Масалан, барча туркий халқлар, муаллифнинг ёзишича, Аланчахон деган шоҳнинг «Татар ва Мўғул исмли ўғилларидин» (18-бет) тарқалган эмиш. Бу, албатта, туркий халқлар этногенезининг илмий асоси бўлолмайди. «Ўғузхоннинг дунёга келганининг зикри» бобига қадар ўндан ортиқ тарихий шахслар фаолияти ҳақида гап кетади. Бироқ муаллиф уларга жуда қисқа ўрин ажратади. Фақат икки киши — Ўғузхоннинг бобоси Мўғулхон ва отаси Қорахон ҳақида бироз кенгроқ сўзлайди. Муаллиф бу ўринда ота билан ўғилни бир-бирига қарама-қарши қўяди, мусулмонлик эътиқодини тарғиб этади, Мўғулхонни халқ орасида яхши фазилатлар билан шуҳрат топган киши сифатида тасвирласа, «Қорахон замонида эл андоқ кофир бўлиб эрдик, ичларинда бир мусулмон қолмай эрди»,— деб заҳарханда билан тилга олади.

Абулғозининг бутун меҳри Ўғузхон томонидадир. Уни муаллиф туғма мусулмон, «яхши одам» маъносида таърифлайди. Ўғузхон она қорнидаёқ мусулмон бўлади, ою кундан ортиқроқ чиройли бўлган «чақалоқ» уч кечаю кундуз онасини эммайди, «ҳар кеча ул ўғлон онасининг тушига кириб, айтур эрди: «Эй она, мусулмон бўлғил! Агар бўлмасанг ўлсам ўларман, сенинг эмчакингни эммам»,— теб. Йигит бўлиб вояга етгач, хотинларига ҳам «Оламни ва сени ва бизни яратган бор. Анинг оти Оллоҳ турур. Ани бор билгил»,— деб насиҳат қилади, ана шу шартга кўнмаган дастлабки икки хотинидан воз кечади. Абулғози Ўғузхонга ва унинг фаолиятига ўз асаридан анчагина ўрин беради. Булар «Ўғузхонни дунёга келганининг зикри», «Ўғузхоннинг хон бўлганининг зикри», «Ўғузхоннинг Туркманистон, Ҳиндистонга юрганининг зикри», «Ўғузхоннинг Эрон, Шом, Мисрға юрганининг зикри», «Ўғузхон

юртина келиб тўй қилганининг зикри» бўлимларидир. Абулғози ана шу «ҳикоят»да майда элатларни бир йириклашган давлатга айлантириш йўлида Уғузхоннинг хатти-ҳаракатларини маъқуллайди. Шундан кейин муаллиф, «Уғузхоннинг ўғлонлари ва набиралари отларининг зикри»ни баён қилишга ўтади. Шулардан Ойхон, Юлдузхон, Тенгизхон, Элхон, Севинчхон, Қирғизхон кабиларнинг қиёфаларини чизиб кўрсатади. Ойхон ҳақида «яхши одил, оғир ва адаблик киши эрди. Ота ва ақасининг айтган насиҳатларина амал қилиб кўп йиллар отасининг солғон йўлидан юруб, ҳақ раҳматига кетди»,— Манглайхон тўғрисида «Тақи яхши подшоҳ эрди. Ул тақи бир неча йиллар эт ёб, қимиз ичиб... ойдай, кундай сулувларни қучуб ва симобдай йўрғаларни ва ердай югурукларни миниб, кўнгли теган ерларга учиб, ўғли Тенгизхонни ўз ўрнида ўлтуртуб, ул дунёга кетди»,— деб таърифлайди.

Абулғози Уғузхонга унинг аждод ва авлодларидан кўра алоҳида ҳурмат билан ёндашади. Бунинг эса маълум сабаблари бор эди, албатта. Абулғози тарихий шахслар қиёфаларини яратар экан, уларни ўз мезони билан ўлчайди. Ана шу мезонга мос тушганларни мақтайди ва улуғлайди. Марказлашган йирик феодал давлати тузиш ва уни мустаҳкамлаш Абулғозининг асосий муддаосидир. Шунинг учун ҳам у ана шу йўлда қилинган ҳатто ҳар қандай қирғинни, қаттиққўлликни ва қотилликни гуноҳ санамайди. Шу боисдан Уғузхоннинг диний эътиқоди ҳам, йирик марказлашган давлат тузишдаги фаолияти ҳам Абулғозини мамнун қилади. Муаллиф Уғузхоннинг туғилиш ва чақалоқлик даврини муболағали услубда тасвирлагани каби Чингизхоннинг ҳам туғилишини идеаллаштириб, афсонавий тарзда тасвирлайди: «Чингизхон таърих беш юз тақи тўққизда тўнғуз йилинда мўғул юртида дунёга келди. Бир қўли юмуқ эрди. Энага бўлган хотун қўлини очти, кўрди ким бир пора уюшқан қон. Муни келиб отасига айтдилар. Ултурсан халқ ҳеч киши билмади. Бир киши айтди, бу ўғлон улуғ подшоҳ бўлур. Ер юзининг барчасин олур. Кўп элларни ва вилоятларни қатли ом қилур. Бу қон анинг нишонаси турур теди. Ул кишининг тегани тек бўлди. Отаси отини Темучин қўйди. Хон кўгарганда Чингиз лақаб қўйдилар» («Шажараи турк», 48-бет).

Муаллиф Уғузхон ва унинг авлодларига беш зикр бағишлаган бўлса, Чингизхоннинг фаолиятига йигирмадан ортиқ зикрлар бағишлайди. Бунинг сάбаби шунда бўлса керакки, Уғузхон ҳақидаги тарихий маълумотларга қараганда, Чингизхон ҳақидаги тарихий манбалар ва маълумотлар Абулғози ихтиёрида кўпроқ бўлган. Шунинг учун ҳам Чингизхон фаолияти Уғузхон фаолиятига нисбатан муфассалроқ ёритилгандир. Асарда «Чингизхоннинг 13 ёшинин 40 ёшинача қилган ишларининг зикри», «Чингизхоннинг найман эли бирлан урушиб ғолиб келганининг зикри», «Чингизхоннинг Кирайт, Унғхон бирлан урушиб ғолиб келганининг зикри», «Чингизхоннинг Марқит элини ва андин сўнг бориб, Тонқут юртини олганининг зикри» турур. «Чингизхонни найман Буйруқхоннинг устига, Чингизхоннинг Хитой ва Қора хитой ва Журча (чурчит) вилоятларини олганининг зикри», «Чингизхоннинг Маҳмуд Ялавач тегани элчи қилиб Султон Муҳаммад Хоразмшоҳга юборғонининг зикри» каби боблар бор.

Абулғози Чингизхонни баҳодир, шунқор ва мард киши сифатида тасвирлашга ҳар қанча интилмасин, унинг маълумотлари ва воқеалар тасвири Чингизхоннинг мустабидлиги, золимлиги ва шафқатсизлигини фош этиб, унга қарши холис тарзда нафрат ва ғазаб уйғотади. Масалан, шу парчани кўрайлик: «Қатти ва узоқ уруш бўлди. Ахирул амр худой таоло Чингизхоннинг қўлини юқори қилди. У шул кун беш-олти минг кишини ўлтурди. Тайжутдан тири тушган яхши кишиларни боғлатиб қўйди. Тақи етмиш ерда қазон остурди. Тўлтура сув солдурди. Сув қайнаган вақтда қўлун ва оёқин боғлаб, ҳар қозонга бир кишининг боши қўли солиб, икки оёқин юқори тутуб турдилар. То маҳара пишгунча. Андин сўнг отланиб Тайжут элина борди. Чопди. Яхшиларининг ўғлон ўшоқин банда қилди. Ёмонларни суруб келтуруб ўз элига қўшти. Ул эл қўшилгандин сўнг кучли бўлди. Оти ва овозаси мўғул ичинда шуҳрат топти» («Шажараи турк», 50-бет).

«Чингизхоннинг Найман эли бирлан урушиб ғолиб келганининг зикри»да Абулғозининг майли Чингизхон томонида бўлишига қарамай, китобхонлар кўпроқ Найман элининг қаҳрамонлигини кўришга муяссар бўладилар: «Таянхон оғир ярали бўлди. Найман чирики қочти. Таянхонни то отға олиб юриш билмадилар. Уруш

тоғнинг этакинда тушуб эрди. Таянхонни тоғнинг устига олиб чиқтилар. Хондин кўп сўз сўрдилар, ҳеч жавоб бера билмади. Хондин умид узишгандан сўнг Найманнинг беклари айтди: «Тўрадин ва эв, элдин айрилиб, ёт юртга бориб кўр қидириб юургунча ўлғон яхши», теб Таянхонни шул ерда қўюб тоғдин тушиб Чингизхон бирлан уруштилар. Оз қолғонда Чингизхон айтди: «Сизларнинг қон ва молларингизни бағишладим. Навкар шундай керак тузни ҳақладингиз. Эмди ёй сунуб келинг»,— деб беш-олти марта айтди. Қабул қилмадилар. Бири қолғунча уруша-уруша ўлдилар...» («Шажараи турк», 54-бет).

Шундан кейинги зикрларда ҳам Чингизхоннинг ҳарбий юришлари қаламга олиниб, унинг қиёфасидаги жаҳонгирлик, шафқатсизлик, қасоскорлик воқеалар баёнида ёрқинроқ очиб борилади. Масалан, «Чингизхоннинг Бухоро атрофига юриганининг зикри»да Бухоронинг йигирма минг қўшинини нест-нобуд қилиб, масжиди Жомеъга от билан бостириб кирган қаҳр-ғазабли босқинчининг қиёфаси гавдалантирилади. Чингизхон қиёфасида қасоскорлик, уста нотиқлик, шафқатсизлик хусусиятларининг чатишиб кетганини кўрамиз. Бу ўринда Абулғози «Шажараи турк»ка асос бўлган манбаларга ижодий ёндашганлигини ҳам айтиб ўтиш зарур. Улардан тарихий шахслар қиёфаларини қайта чизганда ҳам, фаолиятларини ижодий лабораториясидан ўтказиб қайта яратганда ҳам, биз ана шу ҳолатни кўрамиз. «Ўғузнома»га ҳам, Чингизхон тўғрисидаги бошқа китоблардаги фактларга ҳам тузатишлар, ўзгартишлар киритади. Масалан, бизгача етиб келган «Ўғузнома»даги афсонавий тасвир «Шажараи турк»да анча реаллаштирилади. Бош қаҳрамон Ўғузхон қиёфаси ҳам жиддий ўзгаришга учрайди. «Ўғузнома»даги диний тасвир бош қаҳрамоннинг ҳарбий юришларига кўмаклашган афсонавий бўрилар фаолиятлари билан боғлиқ ҳолда берилган бўлса, «Шажараи турк»да Ўғузхоннинг ўзи ислом динининг бир ҳомийси сифатида қаламга олинади. Чақалоқ пайтидаёқ у онасини динга киргизади. Динга кирмаган икки хотини билан ярашмайди ва ниҳоят мусулмон бўлган қизга уйланади.

Агар «Ўғузнома»да бош қаҳрамоннинг биргина хотини борлиги кўрсатилган бўлса, «Шажараи турк»да

этини ва ўз бошидан кечирган ижтимоий воқеалар туғрида ҳам ҳикоя қиладики, «Шажараи турк»даги ана шу хусусият муаллифни мемуарнинг бош қаҳрамони даражасига кўтаради.

Абулғози ўзига замондош бўлган тарихий шахслар фаолиятларини, тарихий воқеалар, қавм-қариндошлари саргузаштларини қаламга олар экан, биз ҳамишанининг ўз шахсини воқеалар оқимининг марказига қўйиб тасвирлаганини кўриб турамиз. Муаллиф ўз ёшлик даврларидаги тарихий воқеалар баёнини берар экан, китобхонлар мемуарнинг бош қаҳрамони бўлган Абулғозининг ўз даври воқеаларини чуқур тушунишга интиганини, унинг қалбида туғён уриб турган ташвишлар шахсий қобиқни ёриб чиқиб, ижтимоий моҳият касб этгани, эл-юрт тинчлиги, фаровонлик сари талпинганини кўрадилар. Абулғозининг ёшликдаги орзуси—содда тушунчасига кўра «Агар элу халқ йиғилишиб ўлтира билур бўлса ва ё бир иш бошқармоқ қўлидан келур бўлса анинг учун бир мардга от қўйиб, эвнинг тўрида ўлтуртиб, барча халқ инон-ихтиёрин анинг қўлига бармоғи» (463-бет) лозим. Ёш Абулғозининг бу руҳий кечинмалари, албатта, ўз даври учун муҳим аҳамиятга эга эди. Мард, адолатли ҳукмдор ҳақидаги орзу фақат Абулғозинигина эмас, балки ўша даврда ўзаро урушлар туфайли хонавайрон бўлган, диллари қону зардбога тўлган фуқаронинг ҳам орзуси эди. Абулғозининг орзуси билан халқ орзусининг монандлиги «Шажараи турк»ни ўқиган китобхонларда бош қаҳрамонга нисбатан меҳр уйғотади:

«Асфандиёрхонни сўл ва фақирни ўнг қилиб эрдилар, улуғ уруш бўлди. Фақир уч от йиқилгунча уруштум. Барча халқдин сўнг кетдим. Қатимда олти киши бўлди, жов қўллаб етди. Қайтиб уруштук. Ул қирқ киши жов кўтарила от солди. Тақи аралаша қолди. Қочдим, қатимда бир киши бўлди. Ўзга кишиларимизнинг ҳар қайсиси бир тарафга кетти. Жов қолмай отқулаб гала юруб эрди, бариси ўқ бирлан оғзимга урди, энгаklarимнинг сўнгаklари пора-пора бўлди, оғзимнинг ичи тўла қон. Дарёнинг лаби ва ер қалин эрди. Бир улуғ юлғунни ўргулдим. Жовнинг кўзи мени кўрмай, ўзга кишига тушти. Шул вақтда отимнинг оёқи сичқанининг инина кириб андак йиқилдим ким, отдин тўрт-беш қадам йироқ бориб туштум. От турди, тақи ғавғага

қочти, юрий берди. Қатимдаги киши манга отини бериб, ўзи қолди. Ёш ўғлон якка бора эрдим» («Шажараи турк», 168- бет).

Бу тарихий-бадий, лавҳада феодаллар фитнасини бостиришда отаси Арабмуҳаммад ва акаси Асфандиёр-хон билан жангда қатнашган Абулғозининг ҳолати, кайфияти ва 1622 йилда Хивада кўтарилган феодаллар исёнига қарши кураш манзараси ишонарли қилиб тасвирланган. Бу тасвир шу қадар жонлики, асар қаҳрамонининг фаолияти, ҳарбий санъати, чидами, иродаси, тадбиркорлиги, фожиаси китобхонларни ҳис-ҳаяжонлар гирдобига тортиб кетади. Демак, ўтмиш ҳақидаги хотира бадий бўёқларнинг гўзал либосида бадий асар шаклига киради. Абулғозининг туркманларга қарши сув ичида олиб борган жанг хотирасининг берилишига назар ташлайлик:

«...Ернинг устиндин ёлғуз мени отқулай берди. Совутни эгарнинг қошина солиб сарупойим бирлан сувға тушдум. Чобқанда қизиб келган от сув ичмоқ бирлан бўлди. Қўлимда қамчи-да йўқ. Юз эмгак бирлан отни сувға солдум. Онамдин туққандин бери от ёлдағаним йўқ эрди. Ёлдаб юрий бериб, кейинишга қарадим. Олти киши ҳануз отатурур. Худойи таоло сақлади. Бириси ҳам тегмади. Бурунки ярадин оғзимнинг ичи тўла қон ташлайман, яна тўла эрди. Этикни ичина сув киргандин сўнг, ҳар аёқим ўн ботмон бўлди. Барча сарурпойим сув бўлди. Сувнинг ўрта ерина етганда, отимнинг қулоқи билан бурни кўрунди, ўзга ери ботди. Бир қари киши бор эди. Ул айтур эрди, ҳар қачон жовдин қоқганда сарупой бирлан от ёпдасангиз, бир оёқингизни қуюшқандин ўткариб, отнинг қуйруқина қўюнг. Бир оёқингизни узангида қўюнг! Ўзунгиз тик туринг. Бир қўлингиз бирлан эгарнинг кин қошина босинг! Бир қўлингиз бирлан отнинг жиловини кўтариб тортиб тутунг! Мундоқ қилмасангиз от совутли, саруполи кишини олиб чиқабилмас теб. От ботиб бора турганда шул кишининг сўзи ёдимға кела қолди. Шундоқ қилдим. Отнинг то тўшигача сувдин юқори чиқди... Икки кунда Катга келдим. Навкарларимиздин ўн киши мендан илгари келиб, мени ўлди теб турғанлар экандур» («Шажараи турк», 169- бет).

Бу тасвирда Абулғозининг мардлиги, тадбиркорлиги, ҳар қандай қийин вазиятда ҳам ўзини йўқотиб қўй-

тунни мўғуллар ўлдирмакка олиб келдилар. Ул хотун айтди: «Мени ўлтурманг. Мен сизларга бир яхши дур берайин»,— деди. Алар айтдилар: «Дуринг қайда турур». Мўғуллар ул хотуннинг қорнини ёриб дурни олдилар. Ул сабабдин ҳеч ўлук қолмади, тамомининг қорнини ёрдилар» («Шажараи турк», 70- бет).

Асарда Чингизхон қўшинларининг Марвни ишғол қилиш манзараси чизилган ўринлар бундан ҳам даҳшатли тасвирланган:

«... Тўлихон, Насай, Обивард ва Сарахсни ва Хуросоннинг яна бир неча вилоятларини олиб муҳаррам ойининг бошинда тарих олти юз тақи ўн саккизта ҳадсиз, ниҳоятсиз лашкар бирлан келиб Марвни қабаб тушдилар. Марвнинг ичинда лашкар чиқиб уруш солди. Тақи бир соатда мўғулдин минг кишини ўлдурдилар. Йигирма бир кун уруштилар. Ахирул амр Тўлихон аччиқланиб отдин тушиб пиёда бўлуб, қалқанин бошиға тортиб Марвнинг дарвозасига югурди. Тамом мўғул хоннинг ортиндин югурдилар. Ул ҳолда Марвдин чиқиб урушуб юруган саксон минг киши эрди. Барчаси қочиб қалъаға кирдилар. Мўғуллар қалъани юз саф, икки юз саф қабадилар. Маждул Мулк кўрди ким, бу лашкарға мақовимат қилиб бўлмас теб. Андин сўнг кўп пешкашлар бирлан қалъадин чиқиб бориб кўрди. Хон Маждул Мулкдин шаҳарнинг молини ва хазинани талаб қилди... Шаҳарнинг халқини саҳроға чиқаринг теб ёрлиқ қилди. Тўрт кунда шаҳар халқни шаҳрдин саҳроға чиқариб бўлдилар. Ҳунарлик кишидин тўрт юз кишини олиб қолдилар. Андин ўзга эру хотун ва ўғлон-ушоқ барчасини лашкарға қисмат қилдилар. Ҳар мўғулға тўрт юз киши тегди. Ҳар киши ўзина теккан ҳиссасини ўлтурдилар. Саййид Изиддин теган бир неча девон (котиб)лар бирлан Марвнинг ичиндин чиқариб ўлтурган кишиларни хатға олдилар. Саҳрода ўлгандин бошқа шаҳр атрофинда ўлганларни ўн уч кунда хатға олиб бўлдилар. Минг мартаба минг тақи уч юз минг киши эрди. Алқисса мўғуллар хон ҳукми бирлан Марвнинг қалъасини ва иморатларини андағ вайрон қилдилар ким, ҳеч нишона қолмади» («Шажараи турк», 76-бет).

Абулғози бу даҳшатли воқеаларнинг гувоҳи бўлган эмас. Бироқ тарихий фактлар ва ишончли манбалардан олинган маълумотларни ўз ижодий лаборатория-

сида қайта жонлантириб, мемуарга киритадики, натижада китобхон Тўлихоннинг отдан тушиб, юзига қалқон тутиб Марв қалъасининг дарвозаси томон югуришини ҳам, ҳар бир мўғулнинг саҳрода теккан тўрт юз кишини ботириш манзарасини ҳам, сон-саноқсиз лашкарнинг Марвни ер билан яксон қилаётганини ҳам кўриб туради.

Абулғозининг ўз отаси Арабмуҳаммад, акалари Элбарс, Асфандиёр султонлар ҳақидаги лавҳаларда ҳам шундай хусусиятлар мавжуд. Бу ҳақда биз кейинроқ муфассал тўхталамиз. Хуллас, «Шажараи турк» ўзининг бадий-тасвирий услуби, мавзу доирасининг кенглиги, хотира тарзида ёзилганлиги ҳамда персонажларга бойлиги, муаллиф тилининг жозибадорлиги ва образлилиги, пейзаж ва халқ урф-одатининг жонли тасвирлари билан ўзбек адабиёти тарихида XVII асрдаги яккаю ягона мемуар асардир. Тўғри, «Шажараи турк»дан ҳам олдин ўзбек адабиёти тарихида мемуар асарлар бўлган эди. Абулғози Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Гулбаданбегимларнинг анъаналарини давом эттириб, ўз даврининг ноёб ёдгорлиги бўлган «Шажараи турк»ни яратди. Бу ҳақда адабиётшунос М. Юнусов: «Реалистик тенденцияси кучли бўлган «Бобурнома», «Шажараи турк» каби мемуарларнинг майдонга келиши, ўзбек бадий прозасини янги босқичга кўтаради. Бобур ва Абулғози Баҳодирхон ўзбек адабий тилини халққа яқинлаштиришда, силлиқлашда катта хизмат қилдилар»¹,— деб ёзганда тамомила ҳақли эди.

Абулғози шакл ва услуб жиҳатидан Заҳириддин Бобурнинг «Бобурнома» асарига ҳамоҳанг асарлар яратишни бошлаб берди. У тарихий-бадий асар яратиш борасида оддий тақлидчи бўлиб қолмасдан, балки Бобурдан тарихий асарлар ёзиш санъатини ўрганди.

«Шажараи турк»да туркий халқлар ҳаётининг умумлашган тарихини баён этиш билан бирга Абулғози ўзининг ўн олти ёшидан бошлаб ўзаро феодал урушларга аралашуви, Эронга сургунга юборилиши, сургундан қайтгач, хонликни қўлга киритиш учун олиб борган курашлари, йигирма йил давомидаги салтанатни бошқариш фаолияти, Хивада марказлашган давлатни барпо

¹ Юнусов М. Барҳаёт анъаналар. Т., 1969, 60-бет.

уч марта уйланади. Шунингдек «Ўғузнома»даги бош қаҳрамоннинг ҳарбий юришлари «Шажараи турк»дан анчагина фарқ қилади. У дастлаб бутун мамлакатларга урушсиз таслим бўлиш ҳақида нома юборади. Унг томондаги Олтунхон урушсиз таслим бўлади, чап томондаги Урумхон таклифни рад этади. Натижада Ўғузхоннинг биринчи ҳарбий юриши Урумхонга қарши қаратилади. «Шажараи турк»да эса, Ўғузхон биринчи дафъа ўз отаси Қорахон билан кураш майдонига тушади. «Ўғузнома»да бош қаҳрамон томонидан тобеъ қилинган мамлакатлар ва шаҳарларнинг номлари деярли афсонавийроқ бўлса, «Шажараи турк»да улар аниқлаштирилган. Шунингдек, «Ўғузнома»нинг асл нусхасида учрамайдиган Эркилхожа номли вазирнинг бадний тўқима қиёфаси келтирилади, у кўпроқ халқ оғзаки ижодидаги доно вазир образига ўхшаб кетади. Чингизхон ҳақидаги тарихий фактларни ҳам муаллиф қайта ишлаб чиққан.

Абулғозининг тарихий шахслар тасвирида ҳақиқат билан афсона, чинакам баён билан фантазия чатишиб кетган. Бинобарин, бу асардаги, хусусан, дастлабки бобларидаги маълумот ва тафсилотларга илмий, танқидий ёндашув зарур.

Портрет яратиш санъатида ўзбек классик адабиёти намояндалари катта тажриба тўплаганлар. Ҳайдар Хоразмий ва Лутфий, Навоий ва Бобур каби санъаткорлар ижоди бунинг ёрқин далилидир. Агар буюк шоир Алишер Навоийга қадар бўлган дунёвий адабиёт вакиллариининг ижодларига назар ташласак, ёрнинг қадди-қомати, юз тузилиши, кийим-кечаклари, безаклари тўғрисида муболағали тасвирларни учратамиз. Бу шоирларнинг ижодларида ёрнинг гўзал қиёфаси табиатдаги барча гўзал нарсаларга муқояса қилинади. Ёрнинг қадди-қомати гўзал сарв дарахтига, юзи ойга, қуёшга, кўзи оҳуга, қоши ҳилолга ёки ёйга, киприклари ўққа, бели қилга, сочларининг қоралиги тунга ўхшатилади ва ҳоказо.

Алишер Навоий даврига келиб классик адабиёти-мизда бадний портретлар яратиш санъати кучая бошлади. Чунки ўша давр маданияти, ҳаёт тараққиётининг ўзи шунга тақозо қилар эди. Алишер Навоий Бехзод бошлиқ рассомлар мактабига ҳар томонлама кўмак бериб, ўзбек миниатюра санъатининг шаклланиши ва

тараққиётига ҳомийлик қилди. Бундан ташқари, жаҳон адабиётининг нодир асари бўлиб қолган ўз «Хамса»-сининг «Ҳайратул аброр» номли фалсафий достонидаги мақолатларда реал бадий портретнинг турли-туман кўринишларини ижод қилиб новаторлик кўрсатди. Ҳатто «Мажолисун-нафоис» номли назарий асарида ҳам тарихий шахсларнинг шакл-шамойилларини, қиёфаларини маҳорат билан чизиб, тавсифли портрет яратиш санъатини бошлаб берди. Заҳиридди Муҳаммад Бобур ҳам ўзининг «Бобурнома» номли тарихий мемуар асарида тарихий шахсларнинг портретларини кашф этиш борасида устоз Алишер Навоий изидан бориб, улкан ютуқларни қўлга киритди. Абулғози Баҳодирхон ҳам салафларининг анъанасини давом эттирди.

Биз «Шажараи турк»ни синчиклаб кузатар эканмиз, тарихий шахсларнинг портретини чизишда муаллиф устозлари йўлидан борганлигини кўрамиз. У ушбу асарида бадий портрет, турғун портрет, қиёсий портрет, йиғма портрет яратиш усулларидан ҳам фойдаланган. Маълумки, портрет яратишнинг асосий объекти реал прототиплар ёки конкрет тарихий шахслар қиёфасидан иборатдир. Демак, портрет яратиш муваффақиятлари кўп жиҳатдан ана шу реал объектни яхши билиш ва аниқ тасаввур этишга боғлиқдир. Шу сабабли ҳам Абулғози узоқ ўтмишдаги тарихий шахслар портретини мукаммал яратолмаган ва балки бундай мақсадни ўз олдига қўймаган.

Қисқаси, то Чингизхон фаолиятига қадар бўлган ўринларда портретли тасвирга хос бўлган айрим жумлалар ва парчалар учраб турса ҳам, биронта тарихий шахснинг мукаммал портрети чизилган эмас. Асардаги марказий персонажлардан бири бўлган Чингизхон портрети ўзидан олдинги тарихий шахсларга нисбатан бирмунча дуруст яратилган. Яна шуниси ҳам борки, Чингизхон портрети асарнинг маълум бир саҳифасида мукаммал ва тўлиқ ҳолда берилмасдан, унинг фаолияти тасвирланган барча саҳифаларга сочиб юборилган. Шунинг учун ҳам унинг портретини сочма деб аташ мумкин.

Асардаги саҳифаларда қуйидаги жумлаларни учратамиз: «Есугай баҳодир ўлганда улуғ ўғли Чингизхон уч ёшинда эрди. Инилари ёш эрди... Мўғулистоннинг андоқ қаттиқ совуқларида қиш кунлари яланғоч

ва ялангоёқ югурар эрди. Тақи айтур эрдиким, ҳар нечук кунда бир қарай, ғойибдин менға бир от келтурурлар. Анго миниб, осмонга бориб, тангрила сўзлашиб келурман теб» («Шажараи турк», 113-бет). Бу билан Чингизхон идеаллаштирилиб, илоҳийлаштирилади. Чингизхоннинг истилочилиги баёнида муаллиф унга тўқнаш келган характер ва қиёфадаги кишиларни ё қиёсий ёки контраст қўйиб тасвирлайди.

Асар саҳифаларини бирин-кетин ўқиб борар эканмиз, кўз ўнгимизда Чингизхон улғая боради. У борган сари қаҳри қаттиқ, бир сўзли, ўта тадбиркор, ҳарбий ҳийлаларни ипидан игнасиғача биладиган саркарда, раҳм-шафқатсиз ҳукмдор, ўз феодал давлатини босқинчилик эвазига тобора кенгайтириб, мустаҳкамлаб бориш йўлида ҳар қандай ёвузликлардан қайтмайдиган шахс сифатида китобхон кўз ўнгида гавдалана боради. У Урта Осиёни забт этар экан, ҳар хил қиёфали тарихий шахсларга дуч келади. Асарнинг 131—132-саҳифаларидаги Таянхон ва унинг навкарлари баҳодирона курашларини тасвирловчи ёки Чомуқа чечаннинг мардлиги, тантилиги ва букилмас иродасини шундоққина кўз ўнгимизга келтирувчи тасвирларни ёдга туширайлик: «Тақи Чомуқа чечанни тутуб қўлин ва оёғин боғлаб, Чингизхонға олиб келдилар. Хон буюрди,— бўғун-бўғун кесиб ўлдуриглар. Бўғунун кесатурғанда айтди: «Мен кўнглумдин айтур эрдим Чингизхон менинг қўлумга тушса, бўғун-бўғун қилиб ўлдурсам теб. Менинг теганим бўлмади» («Шажараи турк», 55-бет).

Юқоридаги эпизодларда кишиларнинг юз тузилишлари, кийим-кечакларига оид бадий тасвирлар мавжуд бўлмаса-да, бу тарихий шахсларнинг фаолиятлари, шахс портретининг асосини ташкил қилувчи руҳий оламлари шу қадар усталик билан чизилганки, натижада китобхонлар ўлим билан юзма-юз курашган Чомуқа чечаннинг жанговар қиёфасини, унга сидқидилдан содиқ бўлган жангчиларнинг: «Тўрадин ва эв элдин айрилиб, ёт юртға бориб, қидириб қўр қидириб ўлгон яхши теб... уруша-уруша» ўлганларини, хонни қўриқлаб турғонлар эса, унинг ўлигининг ҳам душманга қолдиришни ор билиб: «хонни отнинг олдиға олиб» қочганларини аниқ ва равшан кўз олдиларига келтира оладилар. Чомуқа чечаннинг ўлими вақтида айтган сўзлари унинг қиёфасини нурлантириб юборувчи штрих-

лар бўлиб хизмат қилади. Бу тарихий шахсларга душман бўлган Чингизхон ҳам уларнинг довуракликларига қойил бўлади ва уларни ўз лашкарларига ибрат қилиб кўрсатади.

Чингизхон букилмас иродали бундай қаҳрамонларга юзлаб мартаба дуч келади. Хўжанд ҳокими бўлган Темур Малик ҳам шундайлардандир. Асарда унинг қиёфаси: «... уруш кунда Рустам ва Асфандиёр анинг олдиндан тоқат келтуруб тура билмас эрди»,— деб таърифланади. Мўғуллар сон-саноксиз лашкарлар билан устунлик қилгач, Темур Малик минг йигитлари билан қамалиб қолади. Ун икки кема ясатуб эрди. Дарёнинг қуйи оқимига қараб одамлари бирлан чекинади ва йўлда» кўрдиким, рудхона устидин бир улуг тўғон занжир тортиб турурларким, ўта билмасун теб, Темур Малик ул занжирни бир табарзин бирлан урди ким, занжир пора-пора бўлди ва кемалари андин ўтуб кетди» («Шажаран турк», 67-бет). Ривоятларга қараганда, мўғуллар Сирдарёга тўғон занжир тортганлар, аммо жасур Темур Малик тўсиқни бузиб, Хоразмга йўл олган.

Ниҳоят, биз китоб саҳифаларидан Чингизхон фаолиятини ана шу хилдаги шиддатли жанглар жараёнида кузатиб борамиз, унинг кексайиб, таназзулга юз тута боришини кўрамиз: «Чингизхон Хитой устина юрганда, бир воқеа кўруб, андин ажойиб қўрқуб эрди. Ўзининг яқинда ўларин жазм билаб эрди. Ногоҳ хон хаста бўлди»,— дейилади ва унинг ўлими тасвирланади. Биз юқоридагилардан шундай бир мантиқий хулосага келамизки, гарчи Абулғози ўз асаридаги тарихий шахсларнинг ташқи қиёфаларини, кийим-кечаклари, юз ва гавда тузилишларини ниҳоятда мукамал тасвирлама-са-да (бу қийин ҳам эди, маълумотлар сақланмаган эди), уларнинг ички портретини — руҳий оламини шу қадар усталик билан яратадики, бу билан ўша шахслар қиёфаси гўё жонланади.

Абулғозига замондош бўлган тарихий шахсларнинг портрети ҳам асарнинг ўзига хос ғоявий-бадий услубига бўйсундирилган ҳолда яратилган. Масалан, у ўзига замондош бўлган тарихий шахсларнинг сифатлари, қилиқлари, феъл ва хулқларини шу қадар муфассал тасвирлайдики, ана шу тасвирдан сўнг китобхон ўша шахснинг шакл-шамойилини кўз ўнгига келтира олади.

«Али Султоннинг сифати» деб алоҳида таъкидлангандан сўнг қуйидагиларни ўқиймиз: «Ҳожимхон айтур эркандур: Ёдгорхон замонидин то бу чоқғача Алидай киши туқгани йўқ. Қилиқли оғзи ор ва жовға баҳодир ва жувоинмард, сурфали-саранжомли, навкарнинг аҳволина яхши қарай турган, одил сиёсатли...» («Шажараи турк», 145—146-бетлар). Али султонга бағишланган ўринларни ўқир эканмиз, унинг номусли ва ҳаёли эканлиги кўз ўнгимизда жонланади: «Улуғ чилланинг ичинда икки болдирининг ўрта ерина куйдирги чиқти, шуни кишина айтмади. Куйдирур вақти ўткондин сўнг йиқилди. Халқ кўроли деганда кўрсатмади. Анинг учунким, хаёли андоқ ғолиб эрдиким, таҳорат қилғонини ҳеч киши кўрғон эрмас эрди. Охири халқ айтдилар: «Тўнингизни кесиб кўроли». Анга ҳам рози бўлмади. Зўр бирлан тўнини чок қилдилар тақи кўрдилар, вақти ўтиб турур. Доғ қилдилар, фойда қилмади, ҳақ раҳматига кетти» («Шажараи турк», 414-бет). Али Султоннинг фаолияти Абулғози дунёқарашига мос тушгани учун уни ҳар томонлама улуғлайди. Ундан фақат яхши сифатларнигина излайди. Китобхонларга ҳам яхши фазилатли шахс сифатида тақдим этади.

Мамлакатни тадбиркорлик билан бошқаролмаган Пулод султоннинг фаолияти Абулғозининг ғашини келтиради. Шунинг учун ҳам уни кулгили қиёфада чизиб беради ва ҳажв остига олади. «Пулод султоннинг сифати» дейилган алоҳида таъкиддан сўнг қуйидагиларни ўқиймиз: «Пулод султон ақлсиз, ғайратсиз, тентак киши эрди. Биз кичик эркандан андин кўп нимарсалар нақл қилурлар эрди... Анинг икки одати бор эрди. Бириси сўзлаганинда бир сўзни айтур, тақи «Шалфрў» дер эрди ва бири икки кичик бармоғини юмуб, ўрта бармоғини бош бармоғининг устинда қўйиб, икки кичик бармоқини юмуб, ўрта бармоқни бош бармоқнинг устунда қўйиб, икки кичик бармоқина уруб, шарқ-шарқ овоз чиқарур эрди. Нечук ким масхаралар ва маъракагирлар қилурлар. Икки қўлини шундоқ қилиб «Шалфрў!» дер эрди. Ҳар қилган сайин бир «шалфрў!» дер эрди.

Бир карат сўрди ким Хуросонга қарвон кета турган борму?— теб. Қарвон туна кун кетди тедилар. Бир кишига ҳукм этди.— Бор!— Тақи қарвоннинг барчасини қайтариб олиб кел. Ул киши Сочға қудуғинда қарвон

кейининдин етиб, қайтариб Хевақға олиб келди. Ул мусулмонларнинг кўнглина бу маъқул бўлди ким, албатта султон Хуросон бирлан ҳов бўлатурур. Йўқ эрса, агар ўзга иш учун бўлса, бизнинг биримизни қайтармоқ керак эрди. Карвон халқининг барчасин султон олдина олиб келдилар. Султон юзларин боқиб, қўлларини шарқ-шарқ этиб, (теди) «Манга бир — ети поки Шалфрў» тўрт-беш каррат шуни мукараар айти. Карвон халқи тушунмадилар. Султоннинг навкарлари айтди: «Манга бир-ети пок келтур, ўзга нимарса керакмас!» — дейтурурлар, боринг-кетинг» («Шажараи турк», 147- бет).

Юқоридаги тасвирдан Пулод султоннинг аҳмоқлиги ҳам, унинг девонавор қиёфаси ҳам кўзга яққол ташланади. Бу хил воқеий ҳикоялар тарихий мемуар асарларнинг бадий қимматини ошириб, уларга насрий тус берган. Абулғози ўз отаси Арабмуҳаммаднинг, акалари Ҳабаш, Элбарс ва Асфандиёрхонларнинг, шунингдек ўзининг ҳам мукаммал портретларини чизиб бермайди. Урни-ўрни билан отасининг золимлигини, Ҳабаш ва Элбарсларнинг тахтпараст, ҳасадгўй кишилар эканлигини, Асфандиёрхоннинг эса ҳийлагарлигини очиб ташловчи фактларни шарҳлаб беради. Энг муҳими, ўзининг руҳий олами — акалари Ҳабаш ва Элбарслар мамлакатни парчалаб юбориши, шоҳликни қўлга киритиш учун исён кўтарган пайтларидаги ички кечинмалари шу қадар ёрқин чиққанки, биз гарчи унинг ташқи қиёфаси чизилган ўринларни асарда учратмасак ҳам, забардаст бир шахснинг вояга етишаётганлигини кўриб турамыз.

Хулоса қилиб айтганда, Абулғози тарихий шахсларнинг портретларини яратганда ҳам уларни ўз идеали билан ўлчайди, йирик феодал давлат асосчиларининг ёрқин, ёқимли қиёфаларини завқ-шавқ билан бергани ҳолда, феодал жамият тараққиётига ва равнақига хизмат қилмаган тарихий шахсларнинг масхарали қиёфаларини яратади. Масалан, «Бердибекхон ажаб золим тобеъ, фосиқ, ичи қора ва бадният киши эрди. Ақа ва инисин-да, қариндош-уруғин-да ҳеч киши қўймай ўлтурурди ким, юрт ўзумға боқий қолғай теб» («Шажараи турк», 109- бет).

Халқ ҳаёти ва урф-одатлари тасвири ва унинг бадий қиммати

Маълумки, халқ тарихни ҳаракатга келтирувчи ва яратувчи қудратли кучдир. Ана шу нуқтаи назардан Абулғозининг «Шажараи турк» асарига мурожаат қилар эканмиз, муаллифнинг меҳнаткаш халқ тарихини баён этишдаги ютуқ ва камчиликларини, кучли ва заиф томонларини тўғри тасаввур этиб, баҳолай оламиз.

Абулғози халққа, унинг ҳаёти ва урф-одатларига ҳамиша бир хилда холис муносабатда бўлавермайди. Чунки у ўтмиш феодализм даврининг фарзанди, ҳукмдор, ўз даврининг талаб ва эҳтиёжлари заминида вояга етган бир тарихий шахсдир, унинг зиддиятли томонлари, дунёқарашидаги чекланганлик ўша давр тафаккури билан боғлиқдир. Бинобарин, унинг баъзан меҳнаткаш халққа паст назар билан қараши, ўзбекка ижобий, туркманга салбий муносабатда бўлиш кайфиятлари ўз даври, салтанати ва дунёқарашининг маҳсулидир. Унинг бутун ҳаёт йўли ҳам, тож-тахтни қўлга киритиш учун олиб борган курашлари ҳам, салтанатга ҳукмронлик даври ҳам ягона ниятга қаратилган. У ҳам бўлса, ўз даври учун илғор аҳамиятга эга бўлган, ўзаро қирғин урушларга барҳам бериб, мамлакатни парчаланиб кетишдан сақлаб қолиб, йирик ва қудратли давлат тузиш истаги эди.

Лекин шунга қарамай, биз «Шажараи турк»дан XVI—XVII асрларга оид халқ тарихининг жуда кўп ҳаққоний томонларини билиб оламиз. Абулғозига замондош бўлган даврдаги меҳнаткаш халқнинг хоҳликлар ўртасида тез-тез бўлиб турган қонли тўқнашувлар туфайли вужудга келган нотинч турмуш манзараси ҳаққоний чизилади. «Абдуллахоннинг Бухорога иккинчи келганининг зикри»да Бухоро хонлигининг Хоразм элига ўтказган зулми туфайли кўчманчи ҳолатга тушиб қолган халқнинг мусибатли ҳолати деярли тўғри чизилгандир.

Абулғози хонликлар ўртасидаги талончилик урушларини ёки яқин қариндошлар — ота ва болалар, ака ва укалар орасида юз бериб турадиган тожу тахт учун зиддиятли курашларни қаламга олар экан, бу курашларда меҳнаткаш халқнинг ҳал қилувчи роли борлигини у ёки бу даражада ёритиб беради. Ана шундай ўринларда муаллифнинг холислиги ҳам, бир ёқлама-

лиги ҳам кўзга ташланиб туради. Асфандиёрхон салтанатни қўлга киритиш учун курашларда кўпроқ туркманларга таянса, Абулғозихон ўзбек уруғларига таянади. Меҳнаткашларга ҳам ана шу салтанат ўлчови билан баҳо беради. Элни яхши ва ёмонга ажратади. Арабмуҳаммадга ва ўзига ёрдам берганларни номусли ва орли кишилар сифатида баҳоласа, «душманлар» сўзига кириб, уларга ёрдам берганларни бузилган ёмон кишилар деб қоралайди. «Урганч ўзбекнинг бузилганининг зикри»да Абулғозининг меҳнаткаш халққа нотўғри муносабатда бўлгани очиқ-ойдин кўзга ташланади.

Абулғозининг «Шажараи тарокима» номли тарихий-бадий асарида ҳам халқнинг урф-одатларига доир маълумотлар, таъриф-тафсилотлар баён этилган: «Бир йил Ўғузхон юртида ўлтуруб, икки йилда хабар қилдирди. Эрон сари юрурман. Эл-элчилар ғамларин есунлар теб, иккинчи йил отланди. Тақи Талаш шаҳрига келди. Хон ҳукм қилиб этиб, лашкарни кейинида қолган кишилар бор эрди, барча қолғонни олиб келсун теб. Ул кишилар лашкар сўнгида қолган бир уйлук кишини хон олдиға олиб келдилар. Хон онлардин сўради: на учун кейин қолиб эрдинг, ул айтти: «Кунлигим озлигинин лашкар сўнгида келатурурман. Хотуним ҳам ҳомиладор эрди, «туғди». Очлик сабабидин онасининг сути кифоя қилмайди, калатурур эрди, сувнинг ёқосинда кўрдимки, бир шағол бир қарғани тутуб ёмоққа машғул бўлди. Шоғолнинг яғоч бирлан урдим, қарғани ташлаб қочти, анинг олиб кабоб қилиб хотунимга бердим. Сизнинг қўйғон кишиларингиз йўлиқиб олиб келдилар», теди. Ўғузхон ул фақирға от, озуқа бериб, бир чирикка борғил теб, қолғоч теди, қолғоч ул кишининг наслидин турур...»¹.

«Қолғоч» сўзи Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарида ҳам учрайди. Лекин Маҳмуд Қошғарий бу изоҳни бошқа бир ривоят билан изоҳлайди.

«Шажараи турк»да этнографияга, халқнинг этногенези ва урф-одатларига оид қизиқарли маълумотлар, жумладан таъриф-тафсилотлар бор. Асарда турлитуман шахслар қиёфаси яратилиши билан бирга меҳнаткаш халқ ҳаёти тасвири ҳам ёрқин бўёқларда бе-

¹ Шажараи тарокима, инв. № 1223, 27—28-бетлар.

рилади. Муаллифнинг меҳнаткаш халққа бўлган муносабатида баъзан объектив, баъзан субъектив қарашлари устунлик қилади. Бу унинг шахсидаги буюклик ва заифликнинг чатишиб кетганлиги оқибатидир. Бу эса ўша давр тафаккури билан боғлиқ давр зиддиятларининг инъикосидир. Бу жиҳатдан, асарда қипчоқ уруғи ва Дашти Қипчоқ тасвири ҳақидаги ўринлар диққатга сазовордир.

«Андин сўнг бориб Қора Хитойни олди. Ул ҳам улуғ юрт бўлур. Кишисининг чиройи ҳиндутек қора бўлур. Ҳиндистон бирлан Хитойнинг орасинда Муҳит тенгизининг ёқасинда бўлур. Тонгқутнинг қиш бўлганда кун туғуши ва ёз бўлганда қушлиқинда бўлур. Хитойнинг нари юзинда тенгиз ёқосинда... кўп эллар бор эрди. Анинг подшоҳининг отини Ит Барақхон дерлар эрди. Анинг устина отланиб борди. Урушдилар. Ит Барақхон ғолиб келди. Ўғузхон қошти. Урушкан ернинг ... оқиб боратурған икки улуғ сув бор эрди. Ул икки сувнинг орасинда бир неча кун туриб қочқан лашкарининг олдин ва ортин йиғди. Улуғ подшоҳларнинг одатлари турур. Узоқ сафарға борғанда кўчларин олиб бормоқ... Ўғузхоннинг бир беги кўчин олиб бориб эрди. Узи урушда ўлди. Хотуни қуртулуб икки сувнинг орасинда хон кейинидин кетди. Юкли эрди. Тўлғағи тутди. Кўп совуқ эрди. Кирмаққа эв йўқ, бир чирик яғочнинг ичинда ўғлон туғурди. Муни хонға маълум қилдилар эрса, хон айтди: «Мунинг отаси бизнинг олдимизда ўлди. Ғамкўри йўқ», теб. Уғул ўкунди, отини Қипчоқ қўйди. Қадим турк тилинда ичи қўш ёғочни қипчоқ дерлар эркандур... Ул ўғлонни хон ўз қўлуида сақлади. Йигит бўлгандин сўнг... Қипчоқға кўп эл ва навкар бериб... Атил (Итил) сувининг яқасина юборди... Уч юз йил Қипчоқ ул ерларда подшоҳлик қилиб ўлтурди. Барча қипчоқ эли анинг наслидин турурлар. Ўғузхоннинг замонидин то Чингизхон замонигача Тин, Атил ва Ёйиқ, бу уч сувнинг ёқасинда Қипчоқдин ўзга эл йўқ эрди... Анинг учун ул ерларни Дашти Қипчоқ дерлар» («Шажараи турк», 21—22-бетлар).

«Қорлуқ», «қолоч» ва бошқа уруғларнинг этимологияси «Шажараи турк»да ана шу тахлитда ўзгаришга учрайди, асл манбада «Ўғузнома»дагига нисбатан «Шажараи турк»даги тасвир анча реаллашади. «Шажараи турк»да Ғур тоғлари этакларидаги воқеа қа-

ламга олинади. «Ғурнинг тоғлариға қор кўп тушиб эрди. Лашкар халқи юрмаққа қийналдилар — хон ҳукм қилди ким: «Ҳеч киши мендин қолмасун», теб (22- бет). Ана шу машаққатли йўлда бир неча киши адашиб қоладилар. Ёз бўлиб, лашкарнинг сони аниқлангач, уларнинг йўқлиги билинади. Жуда кўп қийинчиликлардан сўнг, қўшин ортидан етиб келган бу кишилар ўз саргузаштларини қуйидагича ҳикоя қилиб берадилар: «Бир неча киши лашкарнинг сўнгғи элдин кела турур эрдук, тоғ ичинда бир кеча улуг қор ёғди. Андин сўнг юрий билмай, ўшул ерда ётгук. Отларимиз ва тевадаримиз барчаси ўлди. Баҳор бўлганидин сўнг пиёда кела турурмиз, тедилар. Хон ҳукм қилди: «Ул жамоатға Қорлиқ тесунлар», теб. Барча қорлиқ эли онларнинг наслидин турур» («Шажараи турк», 22- бет).

«Шажараи турк»да халқ урф-одатлари шахслар фаолиятлари билан боғланиб боради. Одамларнинг туздан фойдаланиш одати Турк номли подшоҳга олиб бориб боғланганидек, халқимиз орасидаги тўққиз расм-русуми тўққиз мўғул хонига олиб бориб тақалади. Шунингдек тўққиз уйғур номининг тўққиз сойдан олинганлиги, кейинчалик улар орасида, «бир кишининг тўра кўтариб, «Қулиэркин лақаб» қўйишлари (63-бет) бу одатнинг юз йилга қадар давом этганлиги тасвирланади.

Абулғозининг «биз тарихда — мўғулға ва ўзбекка ўтган яхши подшоҳларнинг қилган ишларини ва айтган сўзларининг барчасини бир-бир айтмай, улуг китоб қилмоқ кўнглимизда бор эди» («Шажараи турк», 117-бет) деб айтишига қарамасдан, унинг ушбу асарида халқнинг, унинг турмуши ва урф-одатларининг ҳам ўрни-ўрни билан қаламга олинганлигини кўрамыз. Кўп ўринларда муаллиф бизга туркий халқларининг узоқ ўтмиши, XVI—XVII асрлардаги реал турмушлари тўғрисида ҳаққоний маълумотлар беради. Масалан, Абулғозининг қолмиқ устига юриши қуйидагича тасвирланади: «Бир неча кундин сўнг... Элга яқин келдим теб, хон қўшни ва озук ва емни бир ерда қўйдилар. Тақи уч кунлик озук ва ем олиб элни мунда топарман, мунда топарман теб, етти-саккиз кун юрудилар. Элни топа билмадилар. Халқ ичинда андағ очлик бўлди ким, бир нонға бир от бериб топа билмадилар. Тақи

лашкар ҳар ерда бўлуниб-бўлуниб қолди. Ахирул амр хони жаннат маконнинг ёнинда ўн минг кишидин тўрт юз киши қолди» («Шажараи турк» 183- бет).

«Шажараи турк»нинг 357- саҳифасида эса, Урганчда юз берган қаҳатчилик, халқнинг очликдан ўлмаслик учун эшак гўшти ейишгача боргани тасвирланади. Абулғози халқ бошига тушган қаҳатчилик ва очарчиликни қайғу билан қаламга олади, бироқ муаллиф бу мусибатларнинг барчасини «тақдир» билан боғлайди: «Урганч улуғ шаҳар, онда қаҳатчилик бўла қолди. Бир эшакнинг калласи қирқ-эллик танга бўлди топилмади. Чиғириқ деса Урганч сариларининг қаҳри келур, анинг маъноси ул турурким, Урганчнинг муллолар теган жамоати бўлур, анларнинг бир давлатманд кишиси бор эрди. Райятдин бир кишининг анинг бирлан иши бор эркандур. Ул эвга кириб бориб, кўрар ким, муаллиф оқсоқолларидин беш-олти киши ўлтуруб турур, эв эгаси эшакнинг заҳарин табаққа солиб, йилқининг уқурган қазисини тўғрағандин чиғириқ-чиғириқ тўрғай турар, халқнинг аҳволи икки ойда шундақ бўлди» («Шажараи турк», 357- бет). Бу эпизодда ўша даврдаги халқ турмушининг ниҳоятда оғир аҳволда эканлиги тасвирланган. Юқоридаги эпизодларни бирин-кетин ўқир эканмиз, ўтмиш феодал жангу жадалларнинг барча фожиалари кўз ўнгимизда намоён бўлади. Бундай одатлар тасвири бошқа муаллифларнинг асарларида ҳам учрайди.

Урганчнинг ўтмишдаги қаҳатчилиги ва ундаги халқларнинг очликдан ўлар ҳолатга келганликлари ҳақида Урганч қўрғони қамал қилинганда кишилар очликдан ўлмаслик учун эшак, ит, ҳаттоки, одам эти ейишга мажбур бўлганликлари Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» достонида шундай ёзилган:

*Узга қўрғонда ўла бошлади эл,
Ит этига ўқула бошлади эл.
Эшаку ит эти дору бўлди,
Давр қўрғонда бу тақр эврүлди.
Мўътаמיד яхши кишилар дедилар,
Ким халойиқ этини ҳам едилар¹.*

¹ Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома, Т., 1961, 321- бет.

Ўзаро урушлар натижасида Хивадаги элнинг аҳволини тасвирлаб, шоир ва адиб Мунис шундай деб ёзади: «Жагонгирхон замонида Бешқалъада қаҳатчилик пайдо бўлиб, ит ва эшакни едилар ва фарзандларини қозоққа сотиб, қул этдилар, анинг устига Хевақда вабо иллоти пайдо бўлди. Бу жиҳатдан аксар ўзбек ва сарт бузилиб, Орол ва Бухорога кетдилар... Хевақ бошлиқ Бешқалъа хароб бўлди. Хевақда қирқ унлик фуқародин ўзга киши йўқ эрди»¹.

Бу уч фактнинг бир-бирига ниҳоятда тўғри келиши — Урганчдаги қаҳатчилик реал бўлиб ўтган тарихий воқеа эканлигини кўрсатади.

«Шажараи турк»да Сўфиёнхон ҳукмронлиги ва улар тўлайдиган солиқларнинг ҳаддан ташқари кўплиги қуйидагича баён этилади: «Сўфиёнхон туркманга киши юборди. Ул вақтда эрсари халқи Абулхонда ўлтурурлар эрди. «Тангри буюруқинда закот бермак фарз турур. Ҳар йилда молларидин закот берсунлар. Мен киши юбориб чоптурмайин». Бу сўзни қабул қилиб ҳар йилда молларининг закотларин бериб боқиндилар. Бир неча йиллар бериб турдилар» («Шажараи турк», 126-бет).

«Шажараи турк»да халқ турмушининг ёмонлашишига айрим подшоларнинг ҳам сабабчи бўлганликлари холисона очиб ташланади. Масалан, Озарбайжонда подшо бўлган Малик Ашраф бинни Темуртошнинг золимлиги ва барча халқнинг ундан норозилиги қуйидагича баён этилган: «Ул Малик Ашраф фосиқ ва золим эрди. Ул сабабдин Озарбайжоннинг аҳволи ва маволиси ҳар тарафга мутафарриқ бўлдилар. Қози Муҳиддин теган шаҳри Саройжиқа борди-да анда соқин бўлди. Аммо кунла ваъз айтур эрди. Бир кун қозининг ваъзини эшитмақ учун хон ваъз мажлисига борди. Қози ваъз айтиб бўлгандин сўнг Малик Ашрафнинг зулм ва бедодиндин андағ ҳикоялар айтди ким, хон бошлиқ барча халқ зор-зор йиғладилар. Андин сўнг қози хонга айтди, агар бориб Малик Ашрафдин бизнинг додимишни олиб бермасанг, фардой қиёмат санинг этакингда бизнинг қўлимиз, теди. Хонга бу сўз таъсир қилиб, чирик чақириб Малик Ашрафнинг устига отланди. Бориб Малик Ашраф бирлан муҳораба қилиб бости. Тақи Малик Ашрафни ўлтурди. Малик Ашрафнинг тўрт юз

¹ Мунис ва Огахий. Фирдавсул-қибол, Ўз ФА ШИ қўл ёзмалар фонди, инв. № 5362, 28-бет.

тева лаъл ва жавоҳири бор эди, ўзга молдин бошқа. Жонибекхон шул лаъл ва жоваҳирни тамом лашкарга қисмат қилди» («Шажараи турк», 108- бет).

Абулғозихоннинг бобоси Ҳожимуҳаммад ва отаси Арабмуҳаммад даврларида ҳам меҳнаткаш халқнинг турмушида бирор ижобий ўзгаришлар содир бўлмаган. Абулғозихоннинг исёнчи акалари ёки Арабмуҳаммаднинг ўғиллари — Ҳабаш ва Элбарсларнинг Хоразм тахти учун курашлари, шунингдек, оға-ини Асфандиёрхон билан Абулғозихон ўртасида авж олган тож-тахт талашиш, Эрон шоҳларининг таловчилик юришлари ва бошқалар натижасида мамлакат хароб бўлиб, халқнинг ниҳоятда қашшоқлашгани ҳақидаги тасвирларни «Шажараи турк»дан жуда кўплаб топиш мумкин. Санъаткор қайси даврни, қайси замонни ифода этишидан қатъи назар, у ривожланишнинг бош омилларини кўра билиши ва тарихий қонуният заминида уларни тасдиқлаши зарур. Шундай қилиб, «Шажараи турк», унинг муаллифи Абулғозининг феодал ҳукмдор сифатидаги имон ва эътиқодига қарамай, халқнинг турмуши ва урф-одатлари ҳақида айрим маълумотлар берувчи қимматли манбадир. Зеро унда халқ ҳаёти, моддий-маънавий аҳволи ва расм-русумлари ҳам бадий сўз воситасида аниқ, ишонарли баён этилган.

Шаҳар ва қишлоқларнинг бадий тасвири

Бадий асарларда пейзажнинг аҳамияти катта. Чунки ёзувчи ўз қаҳрамонларининг фаолият майдонини пейзажсиз, шаҳар ва қишлоқларнинг бадий тасвири, уй-жой жиҳозларининг иштирокисиз ярата олмайди. Буларнинг барчаси асардаги персонажлар учун бир фон бўлиб хизмат қилишдан ташқари, инсоний хусусиятларни очиш учун ҳам муҳим воситадир. Умуман олганда, пейзажнинг бадий асарларда бажарадиган вазифалари хилма-хил бўлиб, ёзувчининг ижодий нияти, асарнинг ғояси билан узвий боғланган бўлади. Ҳар бир бадий асарда пейзаж билан қаҳрамонлар фаолиятларини бириктириб, асар ғоясини боғлаш маҳорати ёзувчиларда, шубҳасиз, ҳар хил бўлади. Бу ҳар хиллик ҳар бир ёзувчининг услуби билангина эмас, балки асарнинг ғоявий-бадий вазифаси билан ҳам белгиланади.

Маълумки, ёзувчи ўзи тасвирлаётган воқелик билан

қанчалик таниш бўлса, ўз асарида қаламга олган реал табиат манзараларини — пейзаж, қишлоқ ва шаҳарлар кўринишини, тоғлар ва ўрмонларни, оқар сойлар ва булоқларни шунчалик жонли қилиб беради. Агар тасвирлаётган объектини ҳеч қачон ўз кўзи билан кўрмаган бўлса, тасвирламоқчи бўлган воқелигини тарихий манбалардан, халқ афсоналаридан ўрганган бўлса, пейзаж санъатида ҳам мавҳумлик кўзга ташланиб туради. Бу ҳақиқатнинг ёрқин далилини Абулғозининг биз мулоҳаза юритаётган мазкур асарида очиқ-ойдин кўриш мумкин. Муаллиф ўз асарининг дастлабки саҳифаларида ўзига айнан таниш бўлмаган, фақат диний афсоналардангина билиб олинган воқелик ҳақида қалам тебратар экан, китобхонларнинг кўзини қувонтира оладиган пейзаж тасвирини бера олмайди. Фақат асарнинг 9-саҳифасига келиб, қуйидагиларни ўқишга муяссар бўламиз: «Маҳлойил замонида Одам фарзандлари кўб бўлдилар. Маҳлойил Бобил иқлимида бу бир шаҳар солди. Тақи отини Сус қўйди. Том ва эвлар солдирди. Кентлар қилдурди. Андин илгари том, эв йўқ эрди. Тоғларнинг қашинда ва чангалларда ўлтурурлар эрди. Элга ҳукм қилди, ер юзида ёйилинг. Ҳар ерда муносиб ер топсангиз экин экинги ва кентлар солинг, теб. Халқ андақ қилдилар» («Шажараи турк», 14-бет). Шундан кейинги 11—12-саҳифаларда ер юзини сув олиши ёки Ёфаснинг Атил, Ёйиқ сувининг ёқасинда икки юз эллик йил умр кўриши ҳақида ҳам хаёлан ўйлаб топилган мавҳум пейзаж чизилган. Ана шундай ҳолат то мўғул хонлари тарихи баён этилган саҳифаларга қадар давом этади.

«Шажараи турк»да тасвирланган воқеалар диний афсоналардан тарихий манбаларга ўта боргани сари, пейзаждаги мавҳумийлик ўрнини аста-секин ҳақиқий қирралар эгаллай боради. Масалан, мўғул хонларидан бўлган Элхоннинг тирик қолган (чунки татар хонларидан Севинчхон мўғуллар билан жангда Элхоннинг авлодларини тамомила қириб юборади) икки авлод хотинлари билан Берк тоғининг сирли дарасига қочиб бекиниши эпизодидаги гўзал табиат манзараларининг чизилишини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ана шу эпизоддаги ниҳоятда даҳшатли тоғ сўқмоғи, оқар сувлар, чашмалар-у мевали дарахтларнинг шингил тасвири китобхонни мафтун қилади.

«Шажаран турк»даги шаҳар ва қишлоқларининг манзаралари тасвири Уғузхон фаолияти тасвирланган саҳифаларда янада қуюқлашади. Асл манба «Уғузнома»даги пейзаж ва жой кўринишлари тасвири кўзга ташланади. Қитобхонлар кўз ўнгида турли-туман овларга тўла бепоён саҳро манзараси намоён бўлади, бу саҳрода ов қилиб юрган Уғузхоннинг уч катта ўғлининг кунчиқар тарафдан олтин ёй ва уч кичик ўғлининг кунботар тарафдан уч олтин ўқ топиб келтиришлари манзараси бирин-кетин ўтади. Уғузхон ва унинг авлодлари тарихи баён этилган саҳифаларда манзара тасвири воқеа баёни билан шу қадар уйғунлашиб кетадики, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

«Уғузнома»да ҳам пейзаж — музли тоғлар, дарёлар, турли хил ҳайвонларга тўла ўрмонлар тасвирини берувчи эпизодлар жуда кўп. Бироқ юқорида тасвирланган тоғни тешиб ўтиш манзараси асл манбада йўқ. Шу боисдан ҳам пейзаж тасвири билан бирикиб кетган бу воқеани тарихий воқеа сифатида қабул қилиш мушкулдир. Бу воқеа ёзувчи фантазиясининг маҳсули бўлиб, унда тарихийликдан кўра бадий тўқиманинг қудрати устунлик қилади.

Турли хил элларнинг зикрлари берилганда пейзажнинг воқеалар билан бирикиб кетиш ҳолати аста-секин шахслар фаолияти билан, шаҳар ва қишлоқ манзараларининг тасвири билан алмашилиб боради. Воқеалар оқими Уғузхон ва унинг авлодлари ҳукмронлиги давридан Чингизхон ва унинг авлодлари ҳукмронлиги даврига кўчар экан, тасвирда қир ва саҳролар, тоғ ва сойлар, ўтов ва ертўлалар ўрнини қишлоқ, шаҳарлар манзараси тасвири эгаллай боради. «Хитой элининг зикри»да Боласуғун ёки Шубалиқ шаҳарлари қуйдачича чизилади. «...Ул вақтда Афросиёб наслидин Боласағун теган шаҳарда бир хон бор эрди. Оти Илк, фақирроқ киши эрди. Ул шаҳрни мўғул Ғўбалиқ тер, «Ғў»нинг маъноси яхши ва балиқнинг маъноси шаҳр. Яхши шаҳр темак бўлар. Ул қалъанинг атрофинда турк халқи кўп эрди. Хусусан, Қаниқли эли вилоятини талар ва чопар ва экинни едирурлар эрди» («Шажаран турк», 37-бет). Гарчи бу ўринда қалъанинг бутун ташқи, ички кўринишлари муфассал тасвирланмаган бўлса-да, биз икки хил манзарани — ўтроқ ҳаётга кўчиб, қўрғонлар бунёд қилиб, деҳқончилик билан шу-

гулланаётган кишилар турмушини ҳамда чорвачилик билан шуғулланиб, экинларни едириб, кўчманчи ҳаёт кечираётган кишилар турмушларини оз бўлса-да, кўз ўнгимизга келтира оламиз. Бундай манзара «Алпомиш» достонида ҳам бор.

«Шажараи турк»даги баъзи ўринларда манзара тасвири, худди бадий асарлардагидек, қаҳрамоннинг руҳий дунёсини очишга, унинг галабаларини улуғлашга ёки фожиасини кўрсатишга хизмат қилади. Масалан, шоҳ Бахтхон билан Беркахон ўртасидаги эпизодларда (323-саҳифадан бошлаб) шоҳ Бахтхоннинг ярим тунда Беркахон ўрдасига ўз лашкарлари билан бостириб кириши, Беркахоннинг яланғоч ётган жойидан «эшигининг олдида бор бўлган қамишли кўлга ташлаб» қочиши, кечалаб қалин қор ёғиши, қамишли чангалзорда Беркахоннинг оёғини қонатиб, қорда қонли из қолдириб қочиши ва фожиали ўлими тасвирида шу қадар бадий бўёқлар кучли берилганки, бу фазилатлар муаллифни фақат билимдон тарихчигина қилиб эмас, балки инсон характерини бутун мукамаллиги билан ҳаётий қилиб ярата оладиган, пейзаж тасвирини беришда улкан талант эгаси бўлган санъаткор сифатида кўрсатади.

«Шажараи турк»даги бадийлик асардаги пейзаж, шаҳар ва қишлоқлар тасвири билан ҳам боғлиқдир. Пейзаж ҳам, шаҳар ва қишлоқлар манзаралари ҳам, биринчидан, ўтмиш даврлари феодал ҳаётининг ёрқин картиналарини очиб бериш билан аҳамиятли бўлса, иккинчидан, ўтмишдаги ўзаро қирғин урушларга китобхонлар қалбида нафрат уйғотади. Пейзаж воқеа ва характерни яратишга ёрдам беради. «Шажараи турк»нинг 339-саҳифасидан бошлаб, пейзаж ва шаҳарлар манзараси хароба қишлоқлар кўриниши билан алмашинади. Асарда жуда кўп хароб қишлоқларнинг аянчли манзараси тун қоронғилиги фонида берилади. Абулғози Эрон сурғунидан қочиб келар экан, бу ғариб қишлоқларнинг тунги қиёфасига қараб, ўша қишлоқларда қандай аҳоли яшашини тахминан бўлса ҳам ажрата олади. Бу эса ёзувчининг ҳаётни синчиклаб кузатганлигидан далолат беради. Хуросоннинг Маҳмин деган қишлоғига тунда кириб келиш, парчаланиб, хонавайрон бўлиб кетган юртдошлари билан ғарибона учрашиш, саргардонлик ва қочқинда юрган Абулғози-

нинг саргузаштларига ниҳоятда монанд бўлиб тушган бу фон, биринчидан, ўша давр феодал ҳаётининг реал манзараларини очиб бериш билан аҳамиятли бўлса, иккинчидан, китобхонлар қалбида ўтмишдаги ўзаро қирғин урушларга нафрат туғдиради. Учинчидан эса, асарнинг бошидан охирига қадар давом этиб келаётган манзара шаҳар ва қишлоқлар манзарасининг бадий тасвири юқори нуқтага кўтарилганини кўрсатади. Буларнинг барчаси қўшилиб «Шажараи турк»нинг бадий қимматини оширади.

«Шажараи турк»даги тасвирланган пейзаж ва топография тасвирини воқеаларнинг баёнига қараб, фойдаланилган манбаларнинг хусусиятларига қараб учта гуруҳга ажратиш мумкин: биринчи — афсонавий пейзаж ва топография тасвири; иккинчи — тарихий манбалар орқали етиб келган пейзаж ва топография тасвири; учинчи — Абулғози ўз кўзи билан кўрган, кузатган табиат ҳамда жойлар топографиясининг реал тасвири.

Асарда Нуҳ пайғамбар давридаги афсонавий воқеалар тасвирига қадар пейзаж ва жойларнинг бадий ифодасини учратмаймиз. Фақат асарнинг 11 ва 12-саҳифаларига келиб афсонавий пейзаж тасвири берилади. Бу тасвир аниқликдан ҳоли бўлиб, мавҳумлашган ҳолда берилгандир. Бундан шундай хулоса келиб чиқадикки, асарда акс этирилаётган воқеаларнинг аниқлигига қараб пейзаж ҳамда жойлар топографиясининг қанчалик ҳаққоний тасвирланганлиги ҳақида ҳукм чиқариш мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, асарнинг дастлабки саҳифаларидаги афсонавий пейзаж ва топография тасвирида аниқликка ва тарихий ҳаққонийликка нисбатан мавҳумийлик кучли эканлигини кўрамиз. Гарчи бу ўринда ёзувчи афсонавий воқеанинг — ер юзини сув олиши ва Нуҳ пайғамбарнинг Мўсил шаҳри яқинидаги Жуди тоғидан кема билан чиқиши воқеаларнинг аниқ муддатини баён этиш учун «Ражаб ойининг аввали куни кемаға миниб эрдилар, то Муҳаррам ойининг ўниғача олти ой ўн кун бўлганда кемадин чиқдилар» деса-да, бу афсонавий воқеага тарихий аниқлик бағишлай олмаган. Бу мумкин ҳам эмас эди. Воқеанинг ой ва куни аниқ кўрсатилганига қарамай, юз берган йили ва асри номаълум. Пейзаж

ҳам реалликдан кўра муболағали фантастик усулда чизилган.

Ёзувчи тарихни афсонавий воқеалар орқали баён қилишдан бевосита тарихий материалларни тасвирлашга ўтар экан, баёндаги мавҳумликдан аста-секин узоқлашади, афсонавий манзаралар реаллик билан қоришиқ ҳолда тасвирланади. Журлот вилоятига Ўғузхоннинг ҳарбий юришлари, талончилик туфайли тўплаган бойликларини ўз юртига ташиб кетиши учун чора излаганлиги, аскарларидан бири арава ижод қилганлиги ва қаниқли элининг пайдо бўлиши тарихи ҳақидаги тасвирларда шундай ҳолатни учратамиз: «Журлот теган бир улуғ юрт турур, шаҳарлари, кентлари кўп, Хитойнинг Темур қозиқ тарафинда бўлур. Ҳинду, тожик ани мочин дерлар».

Бизга маълумки, пейзаж ва уй-жой кўринишлари ҳамда шаҳар ва қишлоқлар манзараси бадий асарларда муҳим вазифани адо этади. Улар бадий асар персонажларининг фаолият кўрсатиши учун майдон бўлиб хизмат қилади. «Шажараи турк»да ҳам пейзаж ва топографиянинг гўзал тасвирини учратамизки, бу хусусият унга бадий таъсирчанлик бағишлайди. «Шажараи турк»нинг 54—58-саҳифаларидаги «Қаёни бирлан Нукузнинг Арқанақунға бориб юрт қилиб ўлтурганининг зикри»да берилган пейзаж ва тоғ манзараси бунга мисол бўла олади.

«Шажараи турк»да пейзаж ҳам, топография тасвири ҳам тарихий воқелик билан узвий алоқада берилади. Агар тинч ва осойишта ҳаёт воқеалари баён этилиши лозим бўлса, гўзал ва жозибали табиат манзаралари — серсув ўтлоқлар, кўм-кўк дарахтлар билан қопланган сойлар, воҳа ва тоғ даралари қаламга олинади. Юқоридаги парча бу фикримизнинг далилидир. Қаён ва Нукузларнинг Севинчхон босқинидан қутулиб, сирли тоғ дарасига жойлашиши, у жойни юрт қилиб олиб, чорваларини кўпайтириб, аста-секин фарзанд ва уруғ-аймоқлари билан эл даражасигача ўсиб етишувлари тасвирланган. Агар борди-ю жанг эпизодлари қаламга олинган бўлса, пейзаж ҳам, жой кўринишларининг тасвири ҳам бошқача тус олади. Ўғузхон ҳарбий юришларининг деярли қаҳратон қиш вақтларига тўғри келиши, навқарларнинг табиат қийинчиликларини енгиб ўтиши, қор босган даралардаги оғир

ва машаққатли ҳаёт, шунингдек, Чингизхоннинг ҳарбий юришлари даврида гўзал қишлоқ ва шаҳарларнинг харобазорларга айлантирилиши манзарасининг моҳирлик билан чизиб берилиши бизни шундай хулосага олиб келади. Бунга яна бир мисол тариқасида Хитой вилоятидаги Хонбалиқ шаҳрининг уруш ва осойишталик давридаги манзараларини қиёсий тарзда кўрсатиб ўтиш ҳам мумкин. Асарнинг 243-саҳифасида қуйидагиларни ўқиймиз: «Муътабар равийлар ривоят қилиб турурлар ким, Хитой мамлакати андақ турур ким, улуғликда ва ободонликда ер юзинда андақ мамлакати йўқ турар. Вақтики Чингизхони Кишваристон Хитой мамлакатини мустахар қилди. Хонбалиқ ким Хитойнинг бир улуғ шаҳри турур. Хитойнинг подшоҳларини пойтахти турур, бу шаҳарнинг халқини «қатлиом» қилиб, қанчани вайрон қилди».

«Шажараи турк»нинг 241—243-саҳифасидаги парчада тинч ва осойишта ҳаёт давридаги ободонлаштириш ишлари қаламга олингани учун ҳам табиат манзаралари, дарё ва шаҳар кўринишлари анча жозибали тасвирланган. Демак, пейзаж ҳам, топография тасвири ҳам воқеанинг руҳига ниҳоятда мос. Биз шу нарса билан Берка султоннинг фожиали ўлими тасвирланган ўринларни, воқеанинг қиш фаслида қоронғу тунда содир бўлгани ва унинг моҳирона тасвири фожиани тўлароқ тасаввур қилишга ёрдам беради: «...Абулхайрхон туғишли дўстларни кулдуруб ва душманларни йиғлатиб, юруган киши эрди. Тўрт ёниндаги ўлтурған қариндошларининг ҳеч қайсин теши ўтмаган ва қўли етмагани йўқ эрди. Ул сабабдин барчаси бош кўтардилар. Тақи Абулхайрхоннинг агарчи ўғли ва набираси кўп эрди, андағ ҳам бўлса кўп душман қўл суқти. Тақи ўғлонларини бир нечасин ўлтурди. Қолғанлари тўрт ёққа қочдилар. Кўп элнинг барчасин тўрт ёққа туздурдилар. Ул вақтда, «Отанг эвин ёв чопса бирга чоп» теган қари сўз турур. Бу сўзга амал қилиб, Берка султон тақи бир ёқда қўл суқуб эрди. Бу воқеотдин бир неча йиллар ўткандин сўнг, Абулхайрхоннинг набираси Шоҳбахтхон туғушли йигит туғди. Тақи ота юртига келди. Озған ва тузған элни йиғди. Берка султон билан ота-бобоси нечук сулук қила турған бўлса, бу ҳам шундақ қилиб юруди. Душманлиқни ҳеч зоҳир қилмади. Бир йил Сирнинг оёқин ёзин қишлаб эрди-

лар. Шоҳбахтхон халқина жар қилди. Бу кун барчалари келиб эшикда ётсунлар, тонгла эртанг бирлан овға борамен теб, навкарлари йиғилганидин сўнг, тун ярими бўлди теганда отланди. Тақи Беркани ўрдаси сари юруди. Навкарлари яна айди: «Тонг бирлан бориб Берканинг айвонида босарман ҳеч киши улжаға бўлманг. Эвни тўғарак қаманг, тақи Беркани қўлга сола кўрунг. Айтганиндай тонг тоғанда келиб, ўрдани қабаб, султонни изладилар эрса, топмадилар. Қул ва дадақдин сўрдилар эрса, онлар айтти: «Сиз келгунча бор эрди, сиз келган сўнг ҳар қайсимиз бир тарафға қочдук, султонни билмадик қайда кетканин». Эмди султонни айталинг. Султон ўрдуда яланғоч ётиб эрди, от оёқининг овози келди. Яланғоёқ қиш пўстинини орқасина солиб, югуруб ташқари чиқди. Кўрди эрса ёв турур. Эви тўғайнинг ичинда эрди, эшигининг олдида қамишли улуг қўл бор эрди. Кун совуқ эрди. Қамишнинг ичина югура берди. Бузунг устунда бора юрғанда оёқина қамишининг чўгири урди. Тақи ёрди, қони ҳеч тўхтамади, қалин қамишнинг ичина борди. Тақи оёқини пўстин этакина чирмаб ўлтурди. Шоҳбахтхон қочғонларни бир-бир тутуб Беркани сўраб юрий эрди. Берка султоннинг бир иноқи бор эди. Уйғурлар уруғиндин Мунақа отлиғ. Ул ҳам қочиб эрди. Берка султонни излаб юрган кишиларнинг бирисина учради. Ул киши кимсан деб сўради. Мунақа айтди: «Мен шул излаб юруган кишингман». Мунақа пиёда, ул отлиқ эрди. Отдин тушуб тутмоқға кўрқди-да от устунда туруб қичқура берди, булан мунда, булан мунда теб. Бу овозни эшитган ул анға, бул анға қичқурди. Берка султонни излаб юрган кишиларнинг барчаси йиғилиб, Мунаққабийни тутуб, Шоҳбахтхон олдиға олиб бордилар. Беркани тобдуқ теб, хон ва эшик халқининг барчаси топурлар эрди. Хон бу Берка эрмас, Берканинг Мунаққаси турур теди... Кўп тузин ичиб, эмгакин тортиб, бир ерда ўсиб эрдим. Ани излаб юруган кишилар менинг устумга йиғиласунлар. Ул ёй бўйи душмандин ажрасин теб бир иш қилибман. Қолганин, сен яхши билурсен теди. Шоҳбахтхон ул қилғон ишини яхши кўруб, қонун бағишлаб, инъом берди. Андин сўнг барчалари Беркани изламак бирлан бўлдилар. Ул кечаси бир бармоқча қор ёғиб эрди. Бир киши овулнинг четинда бир яланғоёқнинг изини олиб, излаб бора эрди. Қўлга қирғон

сўнг ул кишининг оёқидин бўзнинг устуна қизил қон оқаберди. Қонни из оралаб келди эрса, бир одами киши қалин қамишнинг ичинда ўлтуруб турур. Муни кўрди, тақи йўлдошларина қичқирди. Беш-ўн киши йиғилиб тутуб Шохбахтхон олдиға олиб бордилар. Шул замон султонни шаҳид қилиб, эвин човиб ва талаб қайтиб эвиге кетди». («Шажараи турк», 119-бет).

Агар биз юқорида келтирилган эпизоддаги пейзаж ва топография тасвирига синчиклаб назар ташласак, уларнинг ҳам асар услубига монандлигини кўрамиз. Чунки шу эпизодда «туғушли йигит бўлган» озган элини йиғиб ота-бобоси йўлини тутуб, давлатга, «муносиб ишлар қилган «Шохбахтхон, «отанг уйин ёв чопса, биргалашиб чоп» деган ёмон ақидага амал қилиб ўз қариндош-уруғларига хиёнат қилган Берка султонга қарама-қарши қўйилади. Шохбахтхоннинг ғалабаси, Берка султоннинг фожиали ўлими кўрсатилади. Шу хилда бутун асар давомида кучли, марказлашган феодал давлатнинг ташкилотчиларига ихлос, уларнинг гўзал шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилишдаги фаолиятларини оқлаш ва бу йўлда уларга қарши турган тарихий шахсларни истеҳзоли киноя остига олиш сезилиб туради.

Биз Абулғозининг отаси Арабмуҳаммаднинг, акалари Ҳабаш ва Элбарсларнинг фожиали тақдирларида ҳам пейзаж ва топографик тасвирнинг муҳим роль ўйнаганлигини кўрамиз. Масалан, Арабмуҳаммадхон «саратон ичи», кун иссиқ — бир кунда эрта тонг намозини ўқиб тоғнинг соясинда ўлтуруб», хордиқ чиқараётганида Хоразм хонлигининг душмани — Бухоро хони Абулмўминхоннинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитади, шундан сўнг ҳукмронликни ўз қўлига олади. Муаллиф Арабмуҳаммаднинг хонликни мустаҳкамлашдаги, мамлакатни парчалаб юборишга қасд қилган исёнкорларга қарши курашдаги сусткашликларини фош қила боради ва, ниҳоят, унинг хонлик салтанати тугаганини бир қоронғу тун фониде беради: «Элбарс султон хоннинг Хасмагон келганини эшитгач, беш юз киши юборди. Бор тақи отамни тутуб олиб кел теб. Хон ҳавлисига қамалди. Элбарс султоннинг кишилари тўрт тарафдин уруш солди. Ул вақтда офтоб ботди. Қоронғу бўлгандин сўнг, деворни ҳар ердин тушди, тақи кирди. Хонни отға миндуруб, жиловини олиб, ярим кечада Хе-

вақда Элбарс султоннинг олдина олиб келдилар. Отасини бир эвга солди. Эшикинда киши қўйди» (162-бет).

Исёнкор Элбарс ва Хабашларнинг тақдирлари ҳам фожиа билан тугайди: «Ул вақтда Элбарсхон Хевақда эрди. Урганчнинг суви қуриб чўл бўлиб эрди. Анинг учун Хабаш Тўқ қалъасининг рўбарўсинда Аму сувининг лабинда чайла қилиб ва ўр қазиб ўлтуруб эрди. Асфандиёрхоннинг одамлари келиб, саҳар вақтида чайла ичинда уйна бости, Хабаш уйинда йўқ эркандур, эшитиб қочиб қутулди... Элбарсхонни тутуб ўлдурди» (508-бет). «Хабаш султон қочиб, Сир бўйинда ўлтурғон Қорақалпоқга борди, анда тура билмади. Ям сувининг ёқосинда Манғит мирзоларидин Шоҳнек мирзо деган бор эрди. Ани Хабаш султон Урганчда ўлтурғонда Манғитдан тушган элларни Шоҳнекка бериб, «бор, тақи отанг юртинда ўлтур. Ҳар тарафга кетган кишиларинг бўлса, юртга келди теб, эшитса келур. Сен эл бўлсанг, Хабаш султон юрт қилди, деган яхши оти сеники бўлур теб», Шоҳнекка кўп инъомлар бериб юбориб эрди. Узимнинг яхшилик бирлан узатиб юборган навкарларим теб... Шоҳнек мирзо қошига борди. Шоҳнек Хабаш султоннинг навкарларини тутди. Тақи Хабаш султонни Асфандиёр султонга юборди... Асфандиёр Хабаш султонни келтиргач, ўлдурди» («Шажараи турк», 476—481-бетлар).

Юқоридагилардан маълумки, «Шажараи турк»да пейзаж ва топография тасвири, худди бадий асарлардаги сингари муаллиф олға сураётган ғояни очишда фаол роль ўйнайди, бадий таъсирчанликни таъминлайди ва асар услубига мос бўлиб тушади.

III БОБ

«ШАЖАРАИ ТУРК»НИНГ БАДИИЙ УСЛУБИ

Услуб бадий адабиётда ёзувчининг ўзига хослигини кўрсатувчи мезондир. Маълумки, ёзувчи услубининг ранг-баранг қирралари мавжуд бўлади. Услуб усулларнинг кўплиги маъносини англатади. Ҳар бир муаллиф асар яратар экан, ўзига хос усуллардан кенг фойдаланади. Услуб — у ёки бу асарнинг, муайян бир ёзувчининг бир бутун ижоди бадий тасвирида кўзга

ташланадиган ғоявий-бадий ўзига хослигининг йиғиндисидир. Ана шу бадий тасвир жиҳатлари орасида образ яратиш услуби, ёзувчи тили, персонажлар нутқи, портрет яратиш усуллари, пейзаж ва уй-жой жиҳозлари тасвири алоҳида аҳамиятга эгадир. Ана шу нуқтаи назардан қараганимизда Абулғозининг «Шажараи турк» асари XVII аср классик адабиётимизнинг нодир дурдоналаридан биридир. Бу асар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»си каби қомусий маълумотларга ниҳоятда бой бўлган бир хазинадир!

Худди «Бобурнома»даги сингари бу асарда ҳам муаллифнинг замона ва ўтмишга оид хотиралари, кўрган ва эшитганлари, ўқиган ва билганлари қатъий бир шаклда, хронология тартибидан изчиллик билан баён қилинади. Ана шундай мемуар асарларнинг бадий хусусияти ҳақида фикр юритган филология фанлари доктори Х. Ёқубов бундай деб ёзган эди: «Мемуар асар бадий адабиётга, хусусан тарихий беллетристика турларига яқинлашиб келса ҳам, лекин у воқеликнинг белгили соҳаларини аниқ «ўзидай» акс эттириш, «кўчириш»га интилиш билан улардан фарқ қилади. У махсус бадий адабиёт вазифаларини ҳал қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймасдан, балки бошлича ва кўпроқ воқеликни тушунчалар орқали танишга аҳамият беради. Бироқ мемуар билан бадий адабиёт ўртасида баъзан қатъий чек қўйиб бўлмайди. Мемуар адабиёт ёдгорликларида у ёки бу даражада бадийлик қирралари кучли бўлиши мумкин»¹. Бироқ Абулғози ижодий фаолиятининг бош йўналишини белгилайдиган, шунингдек «Шажараи турк»нинг ғоявий воситаларида кўзга ташланиб турадиган бир марказий муаммо борки, у ҳам бўлса, йирик марказлашган феодал давлат тузиш ғоясини улуғлаш ва парокандалик — бошбошдоқликни қоралашдан иборатдир. Ана шу ғоявий йўналиш ёзувчининг ўзига хос услубини, асарнинг такрорланмас, ўзига хос тасвир усуллари билан белгилаб беради.

¹ Ёқубов Х. Адабий мақолалар, Т., 1970, 293- бет.

Баён ва тасвир усуллари

«Шажараи турк»даги тарихий воқеаларнинг баён этилишида хронологик изчиллик бор. Унда инсоннинг пайдо бўлиши тўғрисидаги диний афсоналардан тортиб то XVII аср воқеаларигача кетма-кет, узлуксиз баён этилади.

Абулғози ҳам ўзининг «Шажараи турк» асарини шарқ классик адабиётида анъанага айланиб қолган худо, пайғамбарлар ҳамда азиз-авлиёлар шаънига ҳамду санолар айтишдан бошлайди. У ислом ва шариат пешволари томонидан тинимсиз тарғиб ва ташвиқ қилинган ерда одамнинг пайдо бўлиши тарихи ҳақидаги афсонанинг мазмунини кенг ва муфассал қайта баён этиб ўтиришни лозим кўрмайди. Шу билан ҳам бу ўринда қисқача баён этиш усулини қўллайди. Асарнинг дастлабки саҳифаларини варақлар эканмиз, худо томонидан яратилган одамнинг «ўз ўғлонларидан қирқ минг кишини кўриб ўлганини», «улар бўлганида Шиш отли ўғлини ўзининг ўрнига» қўйганини, «тақи ўлар вақтида ўғли Нушни ўрнига ўлтургани»ни, шундан кейин унинг ўғли Қийнон, Қийноннинг ўғли Маҳлойилларнинг подшолик қилганликлари жуда қисқа баён қилинганлигини кўрамиз. Воқеа диний афсонадан йироқлашиб, ҳаётий моҳият касб эта бошлайди. Маҳлойил давридаги тасвири ўқиганда, ибтидоий одамлар турмуши билан, уларнинг тоғ ўнгирилари ва чангалзорларда яшашидан тортиб, шаҳар ва қишлоқлар барпо қилиб, деҳқончилик билан шуғуллана бошлаганлиги ҳақида қимматли маълумотлар оламиз ва улар билан танишамиз. Аммо булар ҳам соф тарихий воқеалар баёни эмас. Бу даврлар воқеаларини баён қилишда яна бир хусусият шундан иборатки, ёзувчи даставвал одамларнинг турмуш шароитларини — уй-жой қурилишларини, овчилик, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишларини тасвирлаган бўлса, аста-секин одамлар ўртасида пайдо бўла бошлаган расм-русумларни, урф-одатларни тасвирлашга кўчади.

Биз Абулғозининг улуғлар орасида айрим урф-одатларнинг бадий тасвирларини ўқиш жараёнида патриархал жамиятга тегишли бўлган қонуниятларни билиб оламиз. Масалан, Ўғузхоннинг катта ўғли Кунхон ҳукмронлик қилган даврда юз берган тарихий воқеа-

ларни кўздан кечирав эканмиз, турли уруғлардан ташкил топган йирик феодал давлатни кенгаш билан бошқариш одат тусига кириб қолганини кўрамиз. Бироқ бу даврдаги воқеаларни баён қилиш усули халқ эртакларини ёдга туширади. «Андин сўнг Ўғузхон қилдурган олтун эвни тиктурди. Унг ёқда олти оқ ўрға ва сўл ёқда олти оқ ўрға тиктурди. Тақи унг ёқда бошина олтун туқуқ биркитган қирқ қулоч ёғочни тиктурди. Тақи хон ёрлиқи бирлан бузуқ ўғлонлари ва навкарлари бирлан олтун тўқуқни, уч ўқ ўғлонлари навкарлари бирлан кумуш тўқуқни от бирлан чопиб отдилар. Тўқуқларни урган кишиларға кўп инъомлар берди. Кунхон отасининг қилганига амал қилиб, тўққуз юз йилқи, тўққуз минг қўй ўлдуртди. Тўққуз булғар ҳавузға арақ тўлдиртди. Тўқсон булғар ҳавузга қимиз солдурди. Қирқ кеча-кундуз айш ва ишрат қилдилар» («Шажараи турк», 35-36- бетлар).

Биз юқорида воқеаларни баён қилишнинг Абулғози қўллаган икки хил усулини кўриб ўтдик. Шулардан биринчиси — Сўғулхонга қадар бўлган подшоҳларнинг фаолиятлари ҳақида қисқача маълумот бериш бўлса, иккинчиси — кейинги даврларга тааллуқли бўлиб, тарихий воқеаларнинг муфассал баёнини беришдир.

Ана шу икки тасвирий усулдан ташқари, муаллиф ўрни-ўрни билан айрим терминлар ҳақида луғат, изоҳ ва шарҳлар бериш, этимологик маълумотлар бериш усулини ҳам қўллайди. Ўғузхоннинг олти ўғлидан тарқалган йигирма тўрт набирасининг номларини санаб ўтиш билан бирга, уларнинг луғавий мазмунини ҳам баён этади. «Қайи»нинг маъноси маҳкам темак бўлур. Алқазвлиннинг маъноси мувофиқ темак белур. Қаразвлиннинг ҳар маъноси қайда ўлтурса хийргоҳ бирлан ўлтургувчи темак бўлур. «Ёзир»нинг маъноси эллар акаси темак бўлур. Дудурнинг маъноси юртни олмоқни ва ани сақламоқни биликчи темак бўлур. «Дуқар»нинг маъноси тўғарак темак бўлур. Ушарнинг маъноси — ишни илдам ишлакчи темак бўлур, қарнакнинг маъноси — буқа темак бўлур. «Қарқин»нинг маъноси ошли темак бўлур. «Бойандир»нинг маъноси неъматли темакдир. «Бачани»нинг маъноси саъй қиличли бўлур. «Жобни»нинг маъноси — номусли темак бўлур. «Жиби»нинг маъноси баҳодир темак бўлур. «Солур»нинг маъноси қиличли темак бўлур. «Ижир»нинг маъноси — бойнир-

нинг бойи темак бўлур... «Олайунтлин»нинг маъноси — ола отли темак бўлур... «Игдир»нинг маъноси — яхши иш қилувчи демак. «Индир»нинг маъноси улуғ темак бўлур. «Буқдиз»нинг маъноси хизматкор темак бўлур. «Ова»нинг маъноси — мартабаси баланд темак бўлур. «Қиниқ»нинг маъноси азиз темак бўлур» («Шажараи турк», 26—27-бетлар). Булар асарнинг маърифий қимматини оширади.

Абулғози тарих учун, феодал жамият тараққиёти учун катта роль ўйнаган тарихий шахсларнинг фаолиятларини ёки тарихда машҳур бўлган уруғлар, шунингдек, Чингизхон, Ботухон, Жўжихон, Угадай, Қоюн, Қублай Қоон, Тўқай Темур ва, ниҳоят, ўзининг тарихий фаолиятини баён этишда иккинчи усулни асос қилиб олади, баъзан у қадар муҳим деб ҳисобланмаган воқеа ва шахслар ҳақида биринчи — қисқа маълумот бериш йўлини тутати, ҳам изоҳ ва шархларни ўрни-ўрни билан ишлатади.

Абулғози тарихий воқеаларни баён этишда ана шу уч асосий тасвир усулидан ташқари, ҳажвий ва мадҳия усулларидан ҳам фойдаланади. «Шажараи турк»да машҳур тарихий шахсларнинг зафарли уруш-юришлари, уларнинг табиат қийинчиликларини енгиб ўтишлари сўнгра ўз юртларига шон-шухрат билан қайтиб дабдабали тўйлар қилишлари, ўз мамлакатлари чегараларини кенгайтиришлари, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштиришлари меҳр билан тасвирланса, салбий персонажларнинг қаҳратон қишда, юлгинзор ва ертўлаларда, қоронғу тунларда фожиали ҳалокатга учрашлари заҳарханда билан баён этилади.

У улуғ мақсадлар йўлида яшаган ва курашган қудратли тарихий шахсларни улуғлаш йўлидан борса, ўз шахсий манфаати йўлида ҳар қандай қабиҳликдан юз ўгирмаган, худбин ва ҳасадчи шахсларни танқид қилади, ҳажв усулидан фойдаланади. Масалан, Чингизхон авлодларидан Қублай Қооннинг ҳукмронлиги даври, давлатни бошқариш тартиблари ҳақида Абулғози шу қадар мамнуният билан ҳикоя қиладики, унинг даврида гўё мамлакат тинч ва фаровон бўлган эмиш, обод шаҳар ва қишлоқлар барпо қилинган эмиш. Бундай идеаллаштириш, айниқса Чингизхон, Боту, Жўжихон ва бошқалар мисолида равшан кўринади. Бу ҳолат «Шажараи турк»ка илмий танқидий муносабатда бў-

лишни яна бир бор таъкидлайди. Султон Маҳмуднинг ёмон қилиқлари, маишатпарастлиги, хотинбозлиги, тухмат билан машғул бўлиши каби иллатлари ҳажв остига олинади.

84 □Афсонавий подшоҳларнинг фаолияти ҳақида қисқача характеристика, асосий воқеаларни муфассал тасвирлаш тарихий шахслар баёнидаги изоҳли тасвир, салбий шахслар қиёфасини фош қилувчи ҳажвий усул ва тарихда из қолдирган шахсларни улуғлаш «Шажараи турк»нинг ўзига хос ғоявий-бадий услубини юзга келтиради.】

Асарда энди бундан кейинги тарихий воқеалар баёнида муаллиф шахси фаол иштирок қилади — марказий фигура бўлиб қолади. Абулғози акаси Асфандиёрхоннинг ўлими ҳақида «Тарихи ҳижрий 1032 тўнғуз йилинда хон бўлиб эрди, ўн олти йил подшоҳлик қилиб, ўн еттиламчи йилнинг аввалги йилқи йилининг бошида вафот қилади» деб ёзгандан сўнг: «эмди мундин сўнг бўлган воқеани фақирнинг дostonларимда зикр топар», деб очиқ-ойдин таъкидлайди. Шундан кейинги тарихий воқелик баёнида ҳаққонийлик кучаяди. Абулғозининг ўз фаолияти, сўзлари, тарихий воқеликка ва замондошларига муносабатларида асар воқеаларини ҳаракатга келтирувчи ва бирлаштириб турувчи кучлар марказлашган бўлиб, унда қудратли ва мустаҳкам феодал давлати учун кураш ғояси ёрқинроқ кўзга ташланиб туради.

«Шажараи турк»да сажъ

Сажъ санъати энг қадимий санъатлардан биридур. Унинг илк намуналарини биз халқ оғзаки ижодида кўрамиз. Ёзма адабиётда Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк», Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий» асарларида сажъ санъатининг мавжудлиги кўзга ташланади. Чунончи, мисол тариқасида «Қиссаи Рабғузий»дан олинган қуйидаги парчага эътибор берайлик: «Юсуфнинг оғалари кенгаш қилдилар: «Отамизга бориб, ол бирла Юсуфнинг ололик», келдилар. Айдилар: «Эй ота! Ёз кун бўлди, бу Кун отлиғ султон Хут отлиқ қишлоқни қўюб, Қамал отлиғ яйдонга ўгради. Одиз кўк йиғлар, яғиз ер кулар. Булут кўзларидан ёш оқса, ер юзинда кўк чимгонлар кулар. Усруқ сабо иснаб тўяр. Бўстон тоба йўлдин сабо кириб, кўрушту-

руб, йиғочлар бошида тугма тугар. Чечаклар тугмасин йиртиб бузар. Лола кўйлакли яқосин тортиб узар. Ер юзига нақшин безар. Барча гуллар тун қорасидин қошкўзига сурма тортар. Қундуз нурудин киршон суртар. Бутуқлар солиниб ўйнар. Сандовуч қуш севунуб сайрар. Қушлар муқри бўлуб унун чорлар. Тўти қуш зокир бўлуб мажлис тутар. Эмди қиш кўчди. Ёз қози қўнди. Торилмиш қушлар йиғилди. Ўлук ерлар тирилди...»¹.

Юқориди тилга олинган асарларда сажъ кўпроқ табиат манзаралари тасвирида учраса, кўпчилик халқ дostonларида образлар таърифида учрайди. Масалан, «Равшанхон» дostonидаги Оқ қизга берилган таъриф ёки Қорахон юртида биринчи марта Равшанхонга учраган кампирнинг юмористик портрети шулар жумласидандир. Демак, сажъ санъати образлар қиёфасини чишида ҳам, ижобий қаҳрамонлар таъриф-тавсифини беришида ҳам қўлланилади.

Сажъ ўзбек халқ оғзаки ва ёзма адабиётида кўп қўлланадиган санъатлардан бири бўлиб, ўзбек халқ дostonлари ва эртакларида ҳамда ёзма адабиётнинг Алишер Навоий, Бобур, Гулханий, Огаҳий, Мунис ва бошқа намояндалари ижодида кўп учрайди. XX аср ўзбек адабиётида, хусусан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг драматик асарлари, Абдулла Қодирийнинг тарихий романлари, Ғ. Ғулом ва С. Абдуллалар насрида ҳам сажъ санъати маълум даражада қўлланилган.

Алишер Навоий дostonларининг ҳар бир бобига қўйилган насрий сарлавҳалар баёнида ҳам, насрий асарларида ҳам ана шу санъат кўзга ёрқин ташланиб туради. Мана, бир мисол: «Бу муқаддимотдин мақсуд буким, ҳар кўй ва кўчада югурубмен ва олам аҳлидан ҳар навъ элга ўзумни еткурубман ва яхши-ёмоннинг афъолин билибмен ва ёмону яхши хислатларин тажриба қилибмен»².

Бу тасвирий услуб фақат Алишер Навоий асарларидагина эмас, балки бутун Шарқ классиклари асарларига тегишли бўлган анъанавий фазилатга айланиб кетганлигини кўрамыз. Саъдийнинг «Гулистон», Абду-

¹ Насириддин Рағбузий. Қиссаи Рағбузий. Ўзбек адабиёти, 4 томлик, 1 т. Т., 1959, 82-бет.

² Алишер Навоий. Маҳбул-қулуб, 15 томлик, 13-том, 9-бет.

раззоқ Самарқандийнинг «Матлаи Саъдий ва мажмаи баҳрайи» («Икки соадатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қуйилиш жойи») асарларида, Мунис ва Огаҳийнинг «Фирдавсул иқбол» каби тарихий мавзуда ёзилган асарларида мусажжаъ усулидан фойдаланилган.

Сажъ санъати ҳақидаги адабиётларнинг барчасида санъатнинг учта мустақил тури кўрсатилади. Булардан биринчиси — мутавози сажъдир. Шарқ адабиётшунослиги тарихида салмоқли из қолдирган барча мутахассислар мутавози сажъга қуйидагича таъриф берадилар. Агар икки ва ундан ортиқ содда жумлалардан тузилган гапларнинг охиридаги иборалар бошқалар билан қофиядош вазндан ҳам ҳарфлар миқдори жиҳатидан баробар бўлса, бундай санъатга мутавози сажъ дейилади. «Менглайхон тақи яхши подшоҳ эрди. Ул тақи бир неча йиллар эт еб, қимиз ичиб оқое қора кишни бичиб, кундай сулувларни қучуб ва симобдай йўрғаларни ва ердай югурукларни миниб, кўнгли теган ерларга учуб, ўғли Тенгизхонни ўз ўрнида ўлтуртуб ул дунёга кетди» («Шажараи турк», 27-бет). Бу парчадаги *ичиб, қучиб, учиб, миниб* қофиялари икки ҳижоли ўлчовга мос тушган. «Аввалғи деворини кирёс қилиб эрди, иккинчи деворининг ичинда умаролари ўлтурур эрди. Учланчи деворининг ичинда сақловчи бўлатурган халқ ўлтурур эрди. Тўрланчи деворининг ичинда ўзининг хоссалари ўлтурур эрди... Аммо қиш бўлганда Қоон саройда ўлтурур эрди» («Шажараи турк», 89-бет).

Агар гап охиридаги икки ва ундан ортиқ иборалар ва содда жумлалар бир-бирига қофиядош бўлиб, вазн ва ҳарфлар миқдори жиҳатидан иттифоқдош бўлмасалар, мутарраф сажъ дейилади. Абулғози сажънинг бу турини ҳам қўллаган. Чунончи: «Агар эл халқ йиғилиб, киши ўлтура бўлур бўлса, ва ё бир мардга подшоҳ, от қўйса, эвнинг тўринда ўлтуртуб, барча халқ ихтиёрларин анинг қўлига бературлар» («Шажараи турк», 17-бет). «Жонибекхон мусулмон подшоҳ эрди, уламо, фузало, зуҳҳод ва уббодни яхши ҳурмат қилур эрди. Шаҳри саройжақда тахтда ўлтурди» («Шажараи турк», 108-бет).

«Шажараи турк»да муаллиф ўзига хос тасвирий услуб яратиш маҳоратини ёрқин намойиш қилади. Сажънинг бу кўринишида қофияланувчи сўзлардаги

ҳижолар миқдори тенг бўлиб, қофиядош сўзлар маълум миқдорда оҳангдош бўлганлигига қарамай, шакллар турли-туманликка эга бўлади. «Урдухон подшо бўлуб, бир неча йиллар арақ ва қимизни ичиб, хитойи кимхобни бичиб ва таранг сулувларни қучиб, отаси ортидан борди». («Шажараи турк», 16-бет) Урдухон ҳақидаги бу эпизодда *ичиб*, *пичиб*, *қучиб* кабилар сажъ бўлса-да, қофияланувчи ҳижолар миқдори тенг бўлса-да, бу эпизоддаги *ичиб*, *пичиб*, *қучиб* сўзларининг шакли ва маънолари ўзгача бўлганлиги учун ҳамда улар бир-бирларига вазндош бўлганликлари сабабли мутавози сажъдир. Аслида мутавози сўзи «вазнлашган», «вазндош», «баробар вазн» маъноларини ифода қилади. Биринчи жумладаги сўзларнинг барчасига ундан сўнг келган жумлалардаги барча сўзлар вазндош бўлиши лозим: «Султон Муҳаммад Жуки Мирзани чигатой лашкари бирлан тўп қилди, ўзи сўл бўлди. Абулғозининг қўшган черикина Пешқанд ўғлон деганни бош қилиб, ўнг қилди. Урушда худойи таолони қудратли ифодаси Берканинг қўлини юқори қилиб, Муҳаммад мирзо орғуннинг тугунини паст қилди».

Демак, бутун Шарқ ижодкорлари диққатини ўзига мафтун этган бу анъанавий тасвир усулига Абулғози «Шажараи турк»да ўрни-ўрни билан мурожаат қилади. Абулғози ўзининг биринчи тарихий асари бўлган «Шажараи тарокима»да сажъ усулини қўлламаганлигини уқтирган бўлса, ҳам, лекин бу анъана тарихий воқеаларнинг анъаналари, улардаги «мусажжаъ», «муражжаз», «ори»лар ҳамда халқ оғзаки ижодиётининг таъсири натижасида ўзининг «Шажараи турк» асарида жой-жойи билан сажъ усулини ишлатадики, бу ҳол асарнинг равонлигини ва мусиқийлигини оширишга ёрдам берган.

«Шажараи турк»да мусажжаъ санъати ҳам, фольклор қирралари ҳам бош ниятнинг ифодасига ва уни ёрқинроқ очиб беришга қаратилган. Абулғози тарихий шахсларнинг баъзиларини таъриф қилади, уларни ўртак қилиб идеаллаштириб кўрсатади. Баъзиларини истеҳзоли тасвирлайди. У мусажжаъ санъатига алоҳида эътибор беради. Айниқса, халқ орасида машҳур бўлган афсоналарни ўз асарига киритишда уларнинг тилидаги ўйноқи, ёқимли оҳангни сақлаш мақсадида анъанавий мусажжаъ санъатини муваффақиятли қўллайдики, бу

муаллифнинг маҳоратидан нишонадир. Бунинг далили сифатида олтин ёй ва уч олтин ўқ ҳақидаги халқ афсонаси тасвирини кўриб ўтайлик: «Ўғузхон Шом вилоятинда турғанда пинҳоний бир навкарнинг қўлини бир олтун ёй, уч ўқни берди. Тақи айтти: «Ёйни кун туғушда бир чўлда киши оёғи етмас ерда турфоқға кўмуб, бир учини чиқориб қўйғил ва ўқларни кун ботиш тарафига элтиб ёйни нечук қўйсанг, ани шундақ қўйғул»,— теди. Ул киши ёрлиқға амал қилиб келди. Бу воқеадин бир йил ўтгандан сўнг, уч улуғ ўғли Кун ва Ой ва Юлдузни чорлаб теди: «ёт юртға келибман. Ишим кўп. Ов овламоқға қўлим етишмай турур. Кун туғуш тарафинда фалон чўлнинг ови кўб эрмиш теб эшитдим. Ўз навкарларимиз бирлан анда бориб, ўтов суқуб ов тутиб келинглар», теди. Андин сўнг уч кичик ўғли Кўк ва Тоғ ва Тенгиз. Бу учисини чорлаб, ақаларина айтган сўзларни айтиб, кун ботиш тарафға юборди. Бир неча кундин сўнг, уч улуғ ўғлонларни бир олтин ёй бирлан кўп овни хон олдиға келтурдилар. Уч кичик ўғлонлари тақи олтин ўқ бирлан кўп овни келтирдилар. Ул овнинг этларина кўп этлар, турлук ошларини қушуб, халқни чақириб, ёйни ва ўқни топилганини ирим қилиб, ўзларига қайта берди. Ул улуғ ўғли ёйни синдируб олишдилар, уч кичик ўғли ҳар қайсиси бир ўқни олдилар. Олған вилоятларда кўп йиллар туруб, душманларни йўқ қилиб, дўстларни сийлаб, боши Сарём ва оёқи Мисрғача олған вилоятларининг барчасина ҳокимлар қўюб, қайтиб ўз юртина тушди. Андин сўнг барча навкарларининг отқан ва чопқан ва қилған хизматлариға лойиқ шаҳрлар, сарҳадлар ва кентлар ва инъомлар берди. Тақи ўғлонлар айтти: сиз ун улуғингиз олтун ёй топиб келтурдингиз, тақи ани бузуб олишдингиз. Сизларнинг отингиз бузуқ тесунлар. Сизлардин бўлгон ўғлонларни ҳам то қиёматгача бузуқ десунлар. Уч ўқ келтурған уч кичик ўғлини ва андин бўлғанларни бу кундин то дунё охир бўлғунча уч ўқ тесунлар. Ёй ва ўқники топиб келтирдингизлар, ул кишидин бўлмади, тангридин бўлди. Биздин бурун ўтган халқлар ёйни подшоҳ ўрнида билиб турурлар ва ўқни элчи еринда. Анинг учунким, ёй ўқни қайси тарафға тортиб юборса, ўқ анга борур. Эмди мен ўлгандин сўнг Кунхон менинг тахтимда ўлтурсун. Андин сўнг бузуқ наслидин ҳам ким қобил бўлса, халқ ани подшоҳ қилсун-

лар. Дунё охир бўлгунча бузуқнинг бир яхшиси подшоҳ бўлсун. Ўзгалари ўнгда ўлтурсунлар. Уч ўқлар сўл бўлсунлар, эвнинг сўл тарафинда ўлтурсунлар дунё охир бўлгунча навкарликка рози бўлсунлар, теб айтди. Ўғузхон юз тақи ўн олти йил подшоҳлик қилиб, ҳақ раҳматига борди» («Шажараи турк», 23—24-бетлар).

Муаллиф халқ урф-одатларини беришда ҳам, юрт таъриф-тавсифини келтиришда ҳам, ўрни-ўрни билан мусажжаъ санъатидан фойдаланади. Уйғур, Қониқли, Қипчоқ, Қорлоч ва Қорлиқ мамлакатларининг (ана шу уруғлар жойлашган ҳудуд таърифи кўзда тутилади) таърифини беришда ана шундай тасвирга дуч келамиз. Бу ўринда биргина Султон Маҳмуд ҳукмронлик қилган юрт таърифига бағишланган кичик бир эпизодни келтириш билан кифояланамиз: «Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ улуг подшоҳ бўлди. Юртининг бир тарафи Ҳиндистон-у, бир тарафи Андижон-у, Туркистон-у, бир тарафи Арабистон-у, бир тарафи Рус эрди» («Шажараи турк», 63-бет). Бундай эпизодларни кўплаб келтириш мумкин.

Шуниси муҳимки, фақат халқ афсоналарининг баёнида, халқ урф-одатларини ҳамда мамлакатларнинг таъриф-тавсифидагина мусажжаъ санъати қўлланиб қолинмасдан, ижобий шахслар таъриф-тавсифида ва машҳур тарихий арбоблар фаолиятларининг баҳоланишида ҳам мусажжаъ санъатининг жилоларини кўриш мумкин. Биз бу ўринда Абулғозининг унга берган таърифини ҳамда Ҳожимхон фаолиятини баҳоловчи эпизодни кўрсатиб ўтишимиз лозим: «...Ақатайхон бориб Кўкланг элини чопубти. Анда чақирлар теган уруқининг ўн бегисининг қизи тушубди. Ани эвига олиб келгандин сўнг, Ақатайхон никоҳ қилиб олибти. Хоннинг ул заифадин ўғлони кўп бўлибти. Анчи тургани Ҳожи Муҳаммадхон ва Маҳмуд султон. Уч қизни узатибди. Тарих тўққуз юз ўттузда Лў йўлинда дунёга келибти. Уч қилган ишини аввал айтдук. Мунда ҳам айтилинг Убайдхон Урганчи олиб эли Мовароуннаҳр элтганда, ўзини кишига билдирмай Суғддин қочиб Дурунда Динмуҳаммадхон қатина бориб, отланиб, юрт талаб қилмоқ керак теб, кенгаш бериб, Динмуҳаммадхонни отлантириб келтируб Хевақ бирлан Хазорасб орасинда Убайдхон бирлан уруштуруб, босмоқлиқда сабаб бўлган Ҳожимхон эрди.

Иккинчи, Убайдхоннинг беклари ўлтурмай Ибайдхоннинг олдина олиб бориб, отасининг акаси Қолхон ва отаси Ақатайхонни Урганч ўзбекидин бир эвлик қўймай, барчасини кўчуруб келтуруб, бузулган Урганч-ни тузатиб, юрт қилган Ҳожимхон эрди. Учунчи, отасининг ўлганин эшитиб, Хуросоннинг Боғобод теган вилоятидин илғаб, Урганч келиб, отасини ўлдурғон Юнуснинг ўғли Қосим султонни ўлдурғон ва отасини ўлдурғон Юнусхоннинг ўғли Қосимхон султонни ўлдурғон, отасининг қонини уч ойга қўймаган Ҳожимхон эрди» («Шажараи турк», 149—150-бетлар).

Сажъ насрга шеърӣй фазилат беради, шу жумладан бирон фикрни ифодалашга, бирон нарсани тасвир қилишга оҳангдорлик бахш этади. Нутқ қофияли бўлиб, вазни бўлмаса сажъ, вазни бўлиб қофиясиз бўлса муражжаъ деб аталади. Насрда вазн ҳам, қофия ҳам бўлмаса «орӣй» дейилади. Демак, сажъ — оҳангдор, ҳамқофия наср бўлиб, сажъ усулида ёзилган китоблар ёки насрий парча мусажжаъ деб аталади. Утмишда муаллифлар ўзлари ёзган китобларда мусажжаъ усулидан фойдаланиб, китобнинг равон, ўйноқчилигини таъмин этганлар. Достон ва эртақларнинг насрий йўл билан ёзилган ўринларида ҳам мусажжаъ усули қўлланилган. Сажъ ёзувчи услубининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Классик абадиётимизда адибларимиз, шоирларимиз сажъ санъатидан турли мақсадларда фойдаланганлар. Абулғози ҳам ана шу қадимий тасвир усулини ниҳоятда яхши эгаллаган ва ундан ўринли, баракали фойдаланган моҳир санъаткордир.

«Шажараи турк»да фольклор қирралари

Буюк сўз санъаткори М. Горький халқ оғзаки ижодини ўрганишнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб: «Халқ ҳамма бойликларни майдонга келтирувчи кучгина эмас, халқ маънавий бойликларнинг ҳам бирдан-бир ва туганмас манбаидир. Халқ ўз ижодининг гўзаллиги ва доҳиёналиги жиҳатидан дунёда биринчи бўлган ҳамма буюк достонлар ва анъаналарни, шулар ичида улуғи бўлган жаҳон маданияти тарихини яратган файласуф ва шоирдир»¹,— деган эди. Халқ оғзаки ижодига

¹ Горький А. М. О литературе, М., 1953, 49-бет.

шу нуқтаи назардан қараганда халқ ҳамма моддий ва маънавий бойликларнинг, ҳамма хазиналарнинг яратувчиси бўлиш билан бирга, уларнинг тўпловчиси ҳамдир, фақат халқдаги бойликни қунт ва чидам билан ўрганиш ва ижодий лабораториядан ўтказиб, халқнинг ўзига яна тақдим қила билиш керак. Халқ оғзаки ижоди бой ва ранг-баранг. Бу чинакам хазина, хазина бўлганда ҳам тугамайдиган, битмайдиган хазинадир.

Халқ дostonлари, ривоят, матал ва мақолаларининг ўзбек классик ёзма адабиётига кўрсатган таъсири ниҳоятда катта бўлганлигини айтиб ўтиш керак. Лутфийнинг «Гул ва Наврўз», Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо» дostonларининг яратилишида халқ ривоятлари катта роль ўйнаганлиги маълум. Дарвоқе, диний ривоятларни қайта ишлаш натижасида Дурбек ўзаро қирғин урушларни, тож-тахт учун олиб борилган қонли курашларни, ғаразгўйликни, номардликни лаънатловчи «Юсуф ва Зулайҳо» дostonи сингари даврга хизмат қилувчи ўлмас асар кашф эта олди. Лутфий ҳам «Гул ва Наврўз» дostonида халқ ривоятларидан фойдаланиб, вайроналик келтирувчи урушларни қоралайди, кучли ва марказлашган давлат тузиш ғоясини илгари суради, дўстликни улуғлайди. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» дostonларига ҳам халқ афсоналари асос бўлган. Гулханийнинг «Зарбулмасал» асарида эса, халқ мақол ва маталлари, ҳикматли иборалари ҳамда афоризмлари асарнинг сюжет йўналишини ҳаракатга келтирувчи асосий омил бўлиб хизмат қилган.

Халқ оғзаки ижодиётида энг аввало воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўрувчи халқ тафаккурининг ажойиб хусусиятлари мужассамланган бўлади.

Абулғози туркий халқларнинг шажаралари ҳақида ўз фикрларини ўлчаб, ҳисоблаб чиқиш жараёнида ўзи ўлчаган, ҳисоблаган тарихий тараққиёт тўғрисида бош қотириб, шундай бир бўшлиққа тўғри келганки, натижада бу кузатишлардан аниқ амалий хулосалар чиқара олмай қолган. Ерда ҳаёт қандай бошланган? Биринчи одам қандай яратилган ва одам уруғлари қандай қилиб кўпайган? Қабиладаги жумбоқлар уни фикрлар гирдобига тортиб кетган. Ноилож қолган тарихчи худди ана шу пайтда диний афсоналардан мадад излаган.

Натижада ерда одамнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги афсоналарни балки ҳақиқат деб тушунган ва улардан фойдаланишга жазм қилган. Ўз даврининг фарзанди бўлган Абулғози диний тушунчаларга мурожаат этса-да, кўпроқ уларнинг дидактик томонига, ибратли томонига эътибор беради. Одамнинг «ўз ўғлонларидан қирқ минг кишини кўруб» ўлиши, унинг катта ўғли Шишнинг тўққуз юз ўн икки йил умр кўриши, Маҳлойилнинг тўққуз юз йигирма, Аннуҳнинг тўққуз юз йил умр кўришлари уйдирмадир. Бироқ муаллиф бу афсонавий шахсларнинг фақат ибратли томонларини — обод қишлоқлар ва чиройли шаҳарлар барпо этганини, деҳқончиликни ўйлаб топиб, экинзорлар яратганини, хуллас, кишиларни, тўғри йўлга ундаганлигини таъриф ва тавсиф қилади.

Биз «Шажараи турк»да фольклор қирраларининг иштироки тўғрисида мулоҳаза юритар эканмиз, яна бир хусусият тўғрисида тўхтаб ўтишни лозим топдик. Бу халқ оғзаки ижодиётидаги муболаға санъати анъанасининг тасвиридир. Халқ эртакларида ва достонларида ижобий қаҳрамонлар донишманд, тадбиркор, енгилмас ва ҳар қандай шароитларда ҳам ғолиб чиқиб, пировардида мурод-мақсадларига эриша оладиган шахслар сифатида улуғланади. Халқ оғзаки ижодидаги идеаллаштириш анъанаси Абулғози ижодига ҳам кучли таъсир ўтказган. Муаллиф ўзининг севимли қаҳрамонларини худди ана шу йўналишда яратади. Ўғузхоннинг дунёга келиши, бир яшарлигида ўзига ном қўйиши, бор умрида элу юртларни тўғри йўлга бошлагани ёзувчи томонидан бўрттирилган ҳолда тасвирланади. Чингизхон, Жўжихон, Угадайхон образларининг яратилишида ҳам ана шу усул кўзга ташланиб туради.

«Шажараи турк»да фольклор таъсири халқ оғзаки ижодиётидаги фактлардан фойдаланиш билан боғлиқдир. Халқ урф-одатларининг пайдо бўлиши ҳамда ҳар бир уруғ номининг этимологияси қисқа бир маталнинг берилиши билан далилланади. Масалан, овқат тайёрлашда туздан фойдаланишнинг келиб чиқишини далиллаш учун Турк подшо ҳақидаги бир матал келтирилади. Худди шунингдек, ҳар бир уруғ номининг келиб чиқишини далиллаш учун ҳам халқ маталларидан фойдаланилади (уйғур, қорлиқ, дурман, суқут уруғлари

ва бошқалар). Бу ўринда битта мисол келтириш билан кифояланамиз. Асарда «Кўниккимар» элининг зикрида қўйдаги матал келтирилади: «Ўрмавут уруқидан бир киши бор эрди. Анинг уч ўғли бор эрди, улуғининг оти маълум эмас. Аммо йигит бўлганидин сўнг халқ Кўниккимар от қўйдилар. Кўникнинг маъноси улуғ темак бўлур. Бу вақтда ҳам улуғ қарғани кўник қарға дерлар. Кимарнинг маъноси — бурун демак бўлур. Ул кишининг бурни бисёр улуғ эрди. Анинг учун Кўниккимар лақаб қолди. Барча учун Кўниккимар лақаб қолди» («Шажараи турк», 39- бет).

Абулғози тарихий фактларнинг хусусиятига қараб ранг-баранг баён усулларини қўллайди. Диний афсоналардан, халқ оғзаки ижодиётидан олинган материалларни баён этишда романтик кайфият, муболағали ҳикоя, қисқача ахборотлар бериш усули қўлланилса, тарихий манбалардан олинган материаллар баёнида муфассал, изоҳли тасвир, таъриф бериш усуллари қўлланилади. Абулғозига замондош бўлган тарихий воқеаларнинг ҳаққонийлигига гувоҳлик беради. Мемуарнинг бош қаҳрамони сифатида ўз хотира ва саргузаштларини асарнинг марказига қўйиб тасвирлайди. Замондошларининг хотира ва саргузаштлари эса иккинчи ўринда туради.

Бич Абулғози ўз асарларида мақол, афсона ва эртаклардан усталик билан фойдаланган. У мақол ва афсоналардан фойдаланишда уларнинг мазмунига катта эътибор беради. Халқ мақолларидан фойдаланиб, давр учун хос бўлган илғор ғояларни ташувчи айрим мақол ва ҳикматли сўзларни ишлатади. Мақоллар эса халқларнинг кўп йиллик, ҳатто асрлик ҳаётий тажрибалари натижасида тўпланган ҳикматли фикрларининг хулосаси ҳисобланади. Абулғози халқ оғзаки ижодидан фойдаланишда дастлаб уларнинг ижтимоий моҳиятига эътибор беради. Халқ мақолларидан фойдаланиб, фикрий ихчамликка эришади. У санъаткор сифатида халқ оммаси ўртасида кенг тарқалган мақол, фразеологик сўз ва ибораларни усталик билан ишлатади, улардан санъаткорона фойдаланади. Бу эса Абулғози асарлари тилининг содда ва жонли, образли бўлишига ёрдам беради. Чунончи, Абулғози «Шажараи турк» китобида «Яхшилар айтиб турур, ўн дарвиш бир палос ичиға сиғар, икки подшоҳ ер юзига сиғмас», — деб айт-

ган. Бу қисқа мақолдан фойдаланар экан, ҳамма жойда ҳокимиятдаги рақибларига қарши ўз салтанатини мустаҳкамлаш лозим деган ғояни кўзда тутлади. Халқ мақоллари «Шажараи турк»да баъзан айнан, кўпинча эса муаллиф ёки бошқа тарихий шахслар тилидан ўзлаштирилган ҳолда берилади. Масалан, «Чингизхоннинг баъзи маслаҳатлари ва биликлари ва расм ва қоидаларининг зикри», ҳамда «Угадай Қооннинг баъзи қилиқлари ва афъолларининг зикри» баён этилган саҳифаларда кўплаб халқ мақолларини учратамиз. Чингизхон тилидан ўз ўғилларига нисбатан берилган насиҳатларда халқимиз орасида машҳур бўлган «бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» мақоли қуйидагича сингдириб юборилган: «... тўрт ўғлига элларни бўлуб, бир ерда ўлтуруб айттиким: «бир-бирингиз бирлан иттифоқ бўлинг ва муҳолифат қилманг,—теди. Тақи садоқидин бир ўқ чиқариб синдирди. Тақи бир неча ўқни бирга қўюб айттиким: «муни синдира билур киши борму?» Ҳеч киши синдира билмади. Чингизхон ўғлонларига боқиб айттиким: «бу ўқлар сизларга ўхшар. Агар барчангиз бирикиб, бирингизни подшоҳ қилиб, анинг тилидин чиқмасангиз, ҳеч киши сизларни синдира билмас. Агар иттифоқ қилмай муҳолифат қилсангиз, бир ўқни нечук синдирсалар, сизларни ҳам шундоқ синдурурлар»,—теб яхши насиҳатлар қилди» («Шажараи турк», 147—148-бетлар).

Иккинчи бир ўринда Чингизхон тилидан «Биликсиз бош, кераксиз тош» мақоли ишлатилади ва унга қуйидагича изоҳ берилади: «Туман ақоси ва ҳазора ва саъда ва даъфа ҳар йилининг аввалинда ва охиринда мени кўруб, биликларимни эшитсунлар ва андин сўнг, ул кишилар лашкарға бош бўла билурлар ва ҳар қачон мундоқ қилмасалар алар халққа бош бўлмоққа ярамас турурлар. Андоқ кишилар бир тошга ўхшарким, ани бир сувнинг ўртасиға ташлағайлар. У ботиб кетиб ҳеч кўринмағай...» («Шажараи турк», 218—222-бетлар). Яна бир ўринда ноўрин қилинган ишни: «Совуқ темурға чўкич бирлан ургандек» бўлур дея изоҳланади: «Ҳар киши ўз эвини яхши сақласа, мамлакатимизни ҳам сақлар ва тақи ҳар киши ўн кишини тартиб бирлан ясаса, улуғ лашкарни ҳам ясар ва тақи ҳар ким ёмонликдин ўзининг ичини пок қилса, мулкдин ўғрини ҳам пок қилур ва тақи ҳар киши улуғлар қошиға борса;

андин сўрамай сўзламасун. Агар сўз сўрамай сўзласа, унинг сўзини эшитсалар хўб, агар эшитмасалар, совуқ темурға чўкич урғондек бўлур» («Шажараи турк», 220- бет).

Юқоридагилардан ташқари «бу кунги ишни тонлага солган кишининг ҳеч иши битмас» (122- бет) мақоли ишлатиладики, унда йирик феодал давлатининг мустаҳкамлигини сақлаш ғояси олға сурилади.

Б «Шажараи турк»да халқ мақолларидан ташқари, фразеологик бирикмалар, бадий тасвир, сифатлаш ва ҳикматли сўзлар кўплаб ишлатилади, уларнинг барчаси асарнинг бадий қимматини ошириш учун хизмат қилади. Масалан, асарнинг 337- саҳифасида «тўранинг давлатли бўлурунинг нишонаси ул туруким, навкарға меҳрибон бўлур ва бадавлатнинг нишонаси қариндошиға меҳрибон бўлур» шаклидаги мақолнамо жумлаларни учратамиз. Абулғози «Шажараи турк»да «Ул вақтда ажал келиб, яқосиндин тутуб отасининг қотиға олиб кетди» (жонлантириш), «юлдуздай бўлур қаравуллар» (ўхшатиш), «Ул халқи кўруб, димоғидин дудлар чиқиб буюрди» (муболаға), «Ит семирса эгасини қопар», «Ўксук ўз киндигини ўзи кесар теган» каби халқ мақоли ва ҳикматли сўзларини ҳам муваффақият билан қўллайди. Бундай ҳикматли сўзлар ва мақоллар билан жилоланган жумлалар жуда кўп.

Асарда ноўрин кўтарилган қирғин урушлар қораланади. Шундай урушларнинг сабабчиларидан бири бўлган Бойдухон «ажал келиб ёқасидин тутди» фразеологик бирикмалари орқали фош қилинадики, бу тасвир «бировга чуқур қазисанг, ўзинг йиқиласан» мақолини эслатади. «Бойдухон подшо бўлди, бир неча йиллар подшолик қилди. Мўғул бирлан татар подшоҳ бўлғанидин то Бойдухон замониғача халқ орасида ҳеч низо йўқ эрди. У Мўғулхон ўғланлари ўз элига подшоҳлик қилур эрди. Татар ўғланлари Мўғулхон ўғлонлари бирлан жов бўлди. Тақи аларнинг элларини чопа бошлади. Ул вақтида ажал келиб, ёқосидин тутуб, Бойдухонни отаси қатиға олиб кетти» («Шажараи турк», 19- бет).

Шундан кейинги воқеалар баёнида золимликда ва ўзаро қирғин урушлар чиқаришда Севинчхоннинг ўз отаси Бойдухондан ҳам ошиб тушганлиги қаламга олинади ва «Севинчхоннинг замонида мўғул бирлан татар

элининг орасинда душманлик ўқлари андақ кўп ёнди. Агар Аму дарёсининг сувини солсалар сўнмағай эрди», — деб муболағали тасвир қилинади. Ўғузхоннинг бир яшарлик пайтидаги қилиқларига берилган муболағали таърифда «ўқи ўзаган ва ёйи ёйишган бўлғуси турур» фразеологик чатишмалар ишлатилади.

Шунингдек, «Шажаран турк»да «хоннинг тошдай қаттиқ кўнгли мумдай юмшоқ бўлди» (273-бет), «Қор улуг тушди, бора-бора отлари арриқ бўлди» (372-бет), «Туркман милтиқ отмасдай, ерга келиб тушди» (509-бет), «Ўзбекнинг ола йилқили, олтин ўчоқли эл бўлур эрмиш дегани бу турур» (73-бет) сингари сифатдошлар билан бир қаторда «Хар оёғим ўн ботмон бўлди» (49-бет), «Ингагимнинг сўнгаклари пора-пора бўлди» (498-бет), «Ул ерда кўп дарахтлар пайдо бўлди, ким, ўқ урса ўтмас эрди», «Ариқнинг кенлиги отқан ўқ ўтмасдай бўлди» (474-бет), каби муболағалар кўплаб учрайди, булар ҳам асарнинг ғоявий-бадий таъсирчанлигини оширган. § 6-6

«Шажаран турк»даги жуда кўп персонажларнинг фаолиятларида халқ ҳажвияларининг самарали таъсири сезилиб туради. «Сукут элининг зикри»да «заифаси ўғлон топмади» бир кишининг хизматкор аёли — «дадаки»си билан яқинлашишини юмористик услубда тасвирлади: «Дадак ҳомила бўлди. Хотун дадакнинг қорнина ҳар кунда урур эрди, тушсун теб, тушмади. Бир кеча ярим оқшомда эркак ўғлон туғурди. Отасининг пўстинининг этакиндин кесиб олди. Тақи ўғлонни чирмаб, эвнинг кейинида юлғун ичинда элтур қўйди. Эрта отаси таҳорат синдурғали борди эрса, ўғлон овози келди. Бориб кўрди ўзининг пўстинини таниди. Андин сўнг ўз ўғли эрканин билди... Ўғлонга Сукут от қўйдилар. Мўғул юлғунни суқай дер. Юлғунли темак бўлур» («Шажаран турк», 41—42-бетлар).

223-саҳифада эса, Угадай Қооннинг қаҳрига учраб, ёлғон айтиб фожиага дучор бўлган бир шахснинг фаолияти ҳажв остига олинади: «Бир кун Қоонга келиб айтдиким: «Бу кеча туш кўрдим, Чингизхон менга айтди ким бориб Угадайга айтгил, мусулмонларни ўлтурсун». Қоон айтди, бу сўзни сенга Чингизхон ўзи айтдиму ва ё тиламоч айтдиму?— Ул киши айтди: хоннинг ўзи айтди. Андин сўнг Қоон сўрди ким, сен мўғул тили билурмусан» теб. Ул киши билмам, теди. Қоон айтди,

бу кишини ўлтурунг» теди. Анинг учун ким, сўзни ёлгон айта туруп. Чингизхоң мўғул тилиндин ўзга тил билмас теди».

Булардан ташқари муаллиф асарда халқ мақолларидан унумли фойдаланган. Асарда кўплаб халқ мақолларига мурожаат этган. Чунончи, «Ўғуз ўз киндигин ўзи кесар» мақолидир. Бу мақол «Шажараи турк»да кенг маънода ишлатилиб, унда ҳар бир халқ ўз она-ватанини ўзи ҳимоя қилиши керак, деган ғоя ётади. Юқорида баён этганларимиздан кўрамизки, Абулғози фольклорни чуқур ўрганган ва бу нодир ижодиётдан унумли фойдаланган. Халқ яратган нодир бадий ижод намуналари «Шажараи турк»нинг мазмуни, бадий ўслуби ва тилини бойитган.

Бадий асарларда наср билан назмнинг аралаш ҳолда ишлатилиши жуда қадимий илдизга эга. «Ўзбек насрининг илк манбалари дастлаб халқ оғзаки ижоди билан боғланади. Халқимиз тилида минг йиллар давомида наслдан-наслга, оғиздан-оғизга кўчиб юрган эртаклар, қиссалар, шубҳасиз, ўз ибтидосини жуда қадим замонлардан олади. Ўрта Осиё халқларининг узоқ тарихга эга бўлган адабиётини ўрганиш унда насрнинг назм билан ёнма-ён тараққий этиб келганлигини кўрсатади»¹. Ўзбек халқ оғзаки ижодиётидаги ишқий, саргузашт дostonлар ёхуд қаҳрамонлик эпослари шундан далолат беради. Деярли халқ эпосларининг барчасида шеърий тасвир билан насрий тасвирнинг омухта бўлиб келганлигини кўрамиз. Шунингдек, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома», Абулғозининг «Шажараи турк» каби тарихий мемуар асарларида ҳамда одоб-ахлоққа оид фалсафий-дидактик асарларда наср билан назмнинг аралаш ҳолда ишлатилганини кўрамиз. Чунончи: Саъдийнинг «Гулистон», Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Маҳбул қулуб» асарлари бунга далилдир.

Абулғози ҳам ўзининг «Шажараи турк» асарида ана шу қадимий анъанадан ўринли фойдаланган. Асардаги насрий тасвир ҳам, назм ҳам халқ оғзаки ижодиётидаги каби ниҳоятда содда, равон услубда ёзилган. Бу асардаги биринчи шеърий парча «Ўғузхоннинг дунёга

¹ Ўзбек насри тарихидан. «Фан» нашриёти, Т., 1982. й., 18-бет.

келганининг зикри» ҳикоятида берилган. Шеър тўрт мисрадан иборат бўлиб, бир ёшга тўлган Ўғузхон тилидан берилади:

*Ушал бир яшар ўғлон анда равон,
Келиб тилга теги билинглари аён.
Отумдур Ўғуз Хисраву номвар,
Билинглари яқин барча аҳли ҳунар.*

(«Шажарани турк», 18-бет)

Демак, халқ оғзаки ижодиётидан баракали фойдаланиш ва унинг анъаналарига амал қилиш Абулғозига ижодий муваффақият келтирган. Мазмундаги аниқлик билан шаклдаги соддалик унинг шеърини мисраларига сайқал бериб туради. «Шажарани турк»даги иккинчи шеърини парча ҳам муаллифнинг севимли қаҳрамонларидан бири бўлган «Ўғузхоннинг юртига келиб тўй қилганининг зикри»да берилгандир. Унда Ўғузхоннинг кўп мамлакатларни ўзига қаратиб, ниҳоятда улуғ подшоҳ бўлгани, юртга фаровонлик, осойишталик бағишлагани, адолатли ва донишманд султон эканлиги баён этилади. Натижада юқорида келтирилган шеърини парчалардаги халқнинг бир яшар болага нисбатан башорат қилиб айтган сўзлари гўё рўёбга чиққандек бўлиб қолади. Уша шеърини парчадан кейин муаллиф: «Тўйга келган катта ва кичик барча ўғлоннинг бу сўзига танг қолдилар. Тақини айтдилар бу ўғлоннинг ўзи отини айтатур, мундин яхши от бўлурму теб, отини Ўғуз қўйдилар. Тақини айттиларким, бир яшар ўғлоннинг мундақ сўзлаганини ҳеч замонда ҳеч ким эшитган ва кўрган йўқ турур... Бу узоқ умрли ва улуғ давлатли ва учи узаган ва ёни ёйилган бўлғуси турур»... (18-бет) деб таъриф берган эди. «Ўғузхоннинг юртига келиб тўй қилганининг зикри»да яна бир шеърини парча келтириб, унда халқ башорат қилган Ўғузхоннинг донишманд одам бўлиб етишганини, олти ўғлига жуда кўп насиҳатлар қилиб ва билимлар ўргатиб, шаҳарлар ва эллар инъом бериб адолат билан ҳукмронлик қилганини улуғлайди:

*Ўғуз қилди ул тўйда жирғамиши,
Бу олти ўғилони суюрғамиши.
Булар кўрсатиб эрди мардоналик,
Ота бирла кўп турди фарзоналик,*

*Отаға басы қилдилар ёрлиқ,
Уруш кунида барчаси чин борлиқ.*

(«Шажаран турк», 24- бет).

Шеърый мисраларда ҳам мазмун ёрқинлиги, услубнинг содда, равонлиги кўзга ташланиб турипти. Шуниси диққатга сазоворки, ана шу олти мисрали шеърый парчада бутун бошли тугал бир мазмун ифода қилинган. Ота ва фарзанд ўртасидаги ҳамжиҳатлик, меҳроқибат, довюраклик ва қаҳрамонлик улуғланган. Абулғози ўрни-ўрни билан эпик тасвир ривожига монанд тушадиган жойларда лирик кайфиятни ифодаловчи шеърый парчалар ҳам яратадики, уларнинг ҳар бири асарнинг адабий-бадий қимматини оширишга хизмат қилади. Бу мулоҳазалардан, уларни «Шажаран турк»нинг ғоявий йўналишидан узиб олиб мустақил шеърый асарлар сифатида эълон қилса бўлади, деган ҳукм келиб чиқмайди, албатта. Улар асарнинг ғоявий йўналишида тасвир таъсирчанлигини оширувчи фазилат билан суғорилгандир. Юқоридагилардан шундай бир муҳим хулоса келиб чиқадики, Абулғози ўзбек халқи ижодиётини анча мукамал билган, унинг илғор анъаналаридан ўринли ва унумли фойдалана олган, натижада наср ва назмнинг омухта берилишида ижодий муваффақиятларга эриша олган ижодкорлардан бири бўлган. Маълумки, ўзбек классик ёзма адабиётида икки тиллик жуда қадимий тарихга эга. Алишер Навоийга қадар бўлган дунёвий адабиёт намоянадалари ҳам форсий ва туркий тилда тенг қалам тебратганлар. Алишер Навоий даврида ҳам ва ундан кейин ҳам деярли барча адабиётимиз вакиллари иккала тилда ижод қилганлар. Абулғози асарда бу анъанага ҳам риоя қилади.

«Ўғузхоннинг улуғ ўғли Кунхоннинг подшоҳлигининг зикри бу турур» лавҳасида Абулғози ўн мисрали форсий шеър келтиради. Бу туркий-форсий тилдаги лирик шеърларнинг барчаси муаллифнинг севимли қаҳрамони Ўғузхон ва унинг авлодлари фаолиятларига бағишланган бўлиб, асарнинг сюжет йўналишига сингдирилиб юборилгандир. Агар биз биринчи шеърда Ўғузхоннинг ўзига ўзи исм қўйганлигидан хабардор бўлган бўлсак, иккинчи шеърда муроду мақсадига етган донишманднинг фарзандлари билан фахрланиши,

олти фарзандининг ҳамжиҳат бўлиб, оталарига садоқат билан хизмат қилганлигини билиб оламиз. Учинчи форсча шеърда ота ўлиmidан кейинги ҳолат тасвирланади. Уғузхоннинг улуғ ўғли Кунхоннинг донишманд вазир Эркилхўжага муносабати ва Эркилхўжанинг унга насиҳатлари баён қилинади.

Агар биз «Уғузнома»нинг А. М. Шчербак томонидан нашрга тайёрланиб, Москвадаги Шарқ адабиётлари нашриётида 1959 йилда чоп этилган уйғурча матни билан Абулғози асаридagi Уғузхонга бағишланган шеърий матнларни таққосласак, назм билан ёзилган шеърий мисралар муаллиф фантазияси туфайли бунёдга келганлигини, оригинал тафаккур маҳсулида асар қаҳрамонининг дунёга келиши ва гўдақлик пайти ҳамда афсонавий тарзда вояга етиш жараёни тасвирланганини кўрамиз. Шунингдек, «Уғузнома»нинг халқ орасида машҳур бўлган энг қадимий уйғурча матнида бош қаҳрамоннинг ўзига ўзи исм қўйиш ҳолатини тасвирловчи ўринга дуч келмаймиз. Асл нусхада юзлари осмондек мусаффо, ёноқлари отаси рангидек қизил, кўзлари шахло, қошу сочлари қоп-қора, қисқаси, гўзалларнинг гўзали қиёфасида бош қаҳрамоннинг анча мукамал портрети берилган бўлса, Абулғози ана шу деталларни ижодий қайта ишлаб, Уғузхоннинг портретига оид ўринларни ихчамлаштириб, асосий мақсадни бош қаҳрамоннинг ақл-заковатини таъриф-тавсиф қилишга қаратган.

Уғузхонга бағишланган шеърий мисралар «равон», «аён», «номвар», «ҳунар» шаклларида қофияланган бўлиб, шеърий қаторлардаги энг аҳамиятли сўзлар қофия ўрнида келтирилганки, улар бутун мисралар мазмунини хаёлда қайта жонлантирувчи қувватга эгадир. Ана шу қофияланиш жараёни «Шажараи турк»нинг яхлит услубига сингиб кетади ва унинг ёрқинроқ намён бўлишига хизмат қилади. «Ҳатто», «равон», «аён», «номвар», «ҳунар» қофияларини қайта ёдга туширишнинг ўзиёқ бош қаҳрамон қиёфасини кўз ўнгимизда гавдалантириш имкониятини беради. Демак, шеърий парчалар мазмуни ҳам асар муаллифининг идеалига — идеал ҳукмдорни улуғлашга қаратилган. Бу фикрларни Уғузхонга бағишланган иккинчи шеърий парча ҳам исботлайди.

Умуман, шеърий парчада ҳам мазмун ва шакл бир-

лиги қаҳрамонликни улуғловчи услубга мос тушган. Туроқлардаги жанговар оҳанг кўтаринки кайфиятни ифодаловчи мазмун билан уйғунлашиб кетган. «Шажараи турк»даги шеърларнинг услуби халқ оғзаки ижодиётига яқин бўлиб, улардаги шеърини мазмун ўзининг эстетик таъсир қуввати билан китобхонларда қаҳрамонга нисбатан иштиёқ, меҳр-муҳаббат уйғотади.

Абулғозининг «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарлари ўзбек тили ва адабиёти масалаларини ўрганиш, тадқиқ этишда ҳам бой манба ҳисобланади. Халқ оғзаки ижоди билан яхши таниш бўлган муаллиф мазкур асарларида бир қанча афсона ва ривоятларни келтиради. «Шажараи тарокима»даги Солур Қазон элини мадҳ этган Қурқут ота термалари кишининг диққатини тортади. Гап шундаки, ўтмишда туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи фольклорини махсус ёзиб олишга жуда кам эътибор берилган. Фақат Маҳмуд Кошғарийгина бу иш билан изчил шуғулланган. Абулғози Баҳодирхон ҳам бу масалага эътибор беради.

Ўзбек халқининг донишманд шоири Алишер Навоий ўз даврида она тилимизнинг мустақил бадиий тил бўлиб ривожланиши учун халқнинг жонли тили имкониятларидан, бойликларидан фойдаланиш зарурлигини кўрсатган эди. Шу сабабли мутафаккир шоир тилимизнинг халқ ҳаётига чамбарчас боғлиқ эканлигини ўзининг мунозара тарзида ёзилган «Муҳокаматул луғатайн» асарида атайин бўрттириб кўрсатган эди. «Ва ҳунарсиз туркнинг ситам зариф йигитлари осонлиққа бўла форсий алфоз билан назм айтурға машғул бўлубтурлар. Ва одил ҳақиқат агар киши яхши мулоҳаза ва тааммул қилса, чун бу лафзда (яъни, туркийда) мунча вусъат (кенглик, катта имкониятлар) ва майдонида мунча фусҳат (йўли очиқлик) топилур, керакким, бунда ҳар навъ суҳангузарлик ва фасиҳгуфторлик ва назм-созлиғ ва фасонапардозлиғ осонроқ бўлғай ва воқеъ осонроқдур»¹.

Абулғози Алишер Навоий таъриф ва тавсиф қилган она тилимизнинг имкониятларидан ниҳоятда усталик билан фойдалана олган ижодкорлардан биридир. У ўз

¹ Алишер Навоий. 15 томлик, 14-том, «Муҳокаматул луғатайн», Т., 1967, 117—118-бетлар.

она тилини жуда яхши билганидек, форс-тожик, шунинг-дек, мўгул тилларини ҳам жуда яхши билар эди. Бироқ у ўз она халқига хизмат қилишни ўйлаб, асарларини она тилида ижод қилди. Абулғози ўз ижоди ҳақида шундай деб ёзиб қолдирган: «Барча билингким, биздин бурун туркий тарих айтқанлар арабий луғотларни қўшиб турурлар ва форсийни ҳам қўшиб турурлар. Анлар ўз сирлари ва ҳунарларини халққа маълум қилмақ учун, биз муалларнинг ҳеч қайсисини қабул қилмадук, анинг учунким, бу китобни ўқитувчи ва тингловчи, албатта, турк бўлғуси турур. Бас, туркларга туркона айтмоқ керак, то уларнинг барчаси фаҳм қилғайлар» («Шажараи тарокима», 6- бет).

«Шажараи турк»нинг тил хусусиятлари нуқтаи назаридан қараб чиқар эканмиз, унда бадий асарларда бўлгани каби, муаллиф тилининг ҳам, персонажлар тилининг ҳам мавжудлигини кўрамиз. Биз дастлаб, «Шажараи турк»да мавжуд бўлган муаллиф тилининг хусусиятлари тўғрисидаги ўз мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз. Муаллифнинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: «Бу тарихни яхши ва ёмон барчалари билсин теб, турк тили бирлан айттим. Бир калима чиғатой туркийдан ва форсийдин ва арабийдин қўшмайман, беш яшар ўғлон тушунур» («Шажараи турк», 62- бет). [Муаллиф тили, услуби асарда ҳам тарихий воқеаларни баён қилувчи, уларни бир сюжет йўналишига бирлаштирувчи, тарихий шахсларга таъриф берувчи, қисқаси асардаги воқеалар оқимини бошқарувчи ҳукмрон тилдир. Муаллиф нутқининг ана шу хусусиятлари, «Шажараи турк»нинг тарихий мемуар сифатидаги фазилатлари билан ҳам боғлиқдир.] Энг аввало асарда қаламга олинган материалнинг ўзи муаллиф тилининг ранг-баранг кўринишларини бунёдга келтиради. Масалан, асар тарихий ҳужжатлар асосида яратилганлиги учун ҳам, энг аввало муаллиф тилида тарихий воқеаларнинг баёнини бериш усули марказий ўринни ишғол қилади. Бундай пайтларда муаллиф тили китобхонларга бўлиб ўтган тарихий воқеалар тўғрисида ахборот берувчи вазифасини бажаради. Демак, муаллиф тилида тарихий воқеаларнинг ниҳоятда ихчам баёни — қисқалик, лўндалик устунлик қилади. Натижада қадимда бўлиб ўтган тарихий воқеаларнинг ахбороти қулай тарзда китобхонларга етказилади. Ана шу усул асар ҳажмининг бир бутун-

лигини сақлаб қолиш, воқеаларнинг тарқоқ ҳолда берилмаслигида, ўринсиз воқеаларнинг батафсил тасвирдан сақланишда ёзувчига қўл келади.

«Шажараи турк»да муаллиф тилининг маълум бир тартибда ахборот бериш усули билан бирга муболағали тасвир усули ҳам жуда кенг қўлланилади. Муаллиф тилида бундай усулнинг қўлланишига, биринчидан, афсонавий манбалардан олинган материалларнинг хусусияти имконият туғдирган бўлса, иккинчидан, халқ оғзаки ижодидаги муболаға санъатининг ижобий таъсири сабаб бўлган. Айниқса, асарнинг дастлабки саҳифаларидаги пайғамбарлар — афсонавий подшоҳларга бағишланган ўринларда бу усул очиқ кўзга ташланади. Масалан, қипчоқ уруғининг шажарасига бағишланган қуйидаги тасвирга эътибор берайлик. Қипчоқ исми бир йигит Ўғузхондан «кўп эл ва навкар бериб» Тин ва Атил сувлари ёқасида ҳукмронлик қилгани қуйидагича тасвирланади: «Тин ва Атил иккиси ҳам улуғ сувларнинг оти турур. Уч юз йил Қипчоқ ул ерларда подшоҳлик қилиб ўлтурди. Барча қипчоқ эли анинг наслидин турурлар. Ўғузхоннинг замонидин Чингизхон замонигача Тин ва Атил ва Ёйиқ, бу уч сувнинг ёқасинда Қипчоқдин ўзга эл йўқ эрди. Тўрт минг йилгача ул ерларда ўлтурдилар» («Шажараи турк», 21—22-бетлар).

Ёки Ўғузхоннинг кўп мамлакатларни олиб, ўз юртига қайтгач, дабдабали тўй қилишининг ҳам муболағали тасвири берилади. Унинг тўққиз юз йилқи, тўқсон минг қўй сўйдириб, тўқсон тўққиз ҳовуз қаздириб, тўққизига ароқ ва тўқсонига қимиз тўлдириб юртга тўй бериши халқ эпосларидаги муболағали тасвири эса туширади. Муаллиф тилида муболағали тасвир услубининг қўлланиши билан бир қаторда тавсифли тасвир усули ҳам кенг қўлланилади. Чунки, муаллиф сифатлаш усулидан фойдаланиб, жуда кўп тарихий шахсларга ўрни-ўрни билан қисқача таъриф бериб ўтиш усулидан ҳам фойдаланади. Масалан, асарнинг 50-саҳифасидаги «Ойхон яхши одил, оғир ва адабли киши эди. Ота ва ақасининг айтган насиҳатларина амал қилиб, кўп йиллар отасининг солған йўлидан юриб, халқ раҳматиға кетди» дейилса, 27-саҳифасида «Тенгизхон тақи кўп йиллар подшоҳлик қилди. Узоқ умр топди. Қари бўлғандин сўнг ўғли Элхонга подшоҳликни топ-

шуруб ва бир неча йиллар тангрига бандалик қилиб, вафот топди»,— деб таъриф берилади. Муаллиф тилида тавсифли тасвир усули фақатгина тарихий шахсларга бағишланган ўринларда эмас, балки уруғларнинг зикрига бағишланган ўринларда ҳам қўлланилади. Масалан, «Темон элининг зикри турур» ҳикоятида «бошлари ва моллари кўп бўлиб эрди»,— деган таъриф берилган бўлса, «Хитой элининг зикри» ҳикоятида «Хитой юрти икки бўлур, бирисини қора Хитой дерлар, қора хитойлик кўп жамоат бир саф бўлуб, подшоҳлар бирлан ёв бўлдилар. Тақи кўчуб қочтилар, қирғиз вилоятига келдилар. Анда ўлтурған эллар мусофир библиб, молларини дастдароз қила бошладилар. Анда ҳам ўлтура олмай Эмил деган ерга кўчуб келиб, шаҳар солдилар ва ўлтурдилар ва экин экдилар, одоб бўлди. Ҳар ерда молдин айрилган оч ва бу тоғун барчаси бул шаҳарга йиғилдилар, қирқ минг уйли бўлдилар» каби тавсифли тасвирга дуч келамиз.

«Шажараи турк»да муаллиф тилининг ранг-баранг кўринишларини намоён қиладиган фазилатлардан яна бири изоҳли тасвирдир. Этнографияга оид маълумотлар баёни берилганда, шахс исмларининг ва уруғ номларининг маънолари тасвирида муаллиф тилини изоҳли тасвир жилолари безайди. Масалан, асарнинг 108—109-саҳифаларидаги қуйидаги парчага эътибор берайлик: «Бугдойқиёт ва қиётнинг» маънисини юқорида айтдик. Мунда ҳам айтоли. Этли тоғидин келган сел сувини қиён тер. Мўғулларда қиёт анинг жаъми турур. Қиётнинг асли маъниси кучли ва илдам турур. Анинг учун ол отни қуюбдурлар. Арканакун ичинда қиён ўғлонларини қиёт тедилар. Кўп йиллар ўтгандин сўнг ҳар жамоат бир элнинг отини кўтардилар, мундоқким — бириси Қўнғирот мен теди, бириси Қурлос мен теди, бириси Дўрмон — мен теди. Қиёт отли эл ичинда ҳеч қолмади, йўқ бўлди, кетти».

«Шажараи турк»даги муаллиф тили ранг-баранг манзаралар чизувчи, портретлар яратувчи тилдир. Буни қуйидаги биргина мисолда ҳам кўриш мумкин. Қўнғирот элининг наслидан бўлган Чурлуқ мерғон билан укаси Кабоншер ўртасидаги зиддиятни тасвирловчи муаллиф нутқига эътибор берайлик: «Чурлуқ... Бир кун иниси Кабоншер бирлан урушти. Иккаласи ҳам от устунда эрди. Ёйин олиб, ўқин тезлади. Кабоншер эн-

кайиб, бошини отининг бўйнига пано қилди. Бир замон тургандин сўнг бошини кўтарди. Чурлуқ инисини аяди, кўнглидин айтти: «Муни андоқ айтайинким, қўрқсун, аммо зарар топмасун. Қулоғида андоқ улуг ҳалқаси бор эрди. Ани қасд қилиб отти, ўқ ҳалқанинг ичиндин ўтуб кетти» («Шажараи турк», 85- бет).

Абулғози Хоразмий «Шажараи турк» асарида муаллиф тилининг турли-туман имкониятларидан фойдаланиш билан бирга персонажлар нутқидан ҳам катта мақсадлар йўлида фойдаланади. Шу нуқтаи назардан асардаги тарихий персонажларни иккита катта гуруҳга — ижобий ва салбий персонажларга ажратиш мумкин. Муаллиф ижобий шахслар тимсолида ўз дунёқарашини, идеалларини тарғиб қилади. Абулғози персонажлар нутқини ишлар экан, улар ҳаётидаги эволюцияни жуда усталик билан тасвирлайди. Бунга далил сифатида асардаги юзлаб образлардан бири бўлган Динмуҳаммад фаолияти ва нутқини келтириш мумкин. Динмуҳаммадхон олти яшар бола эканида тенгдошлари билан турли хил ўйинлар ўйнайди. Унинг ана шу даврдаги фаолияти ва нутқи қуйидагича яратилган: «... Динмуҳаммадхон олти яшар ўғлон эрканида ўғлонлар бирлан ўлтуруб, қалъа ясаб, бир нечасини ичинда ва бир нечасини қалъанинг тишинда қўйиб айтур эрди: «юринглар қалъага, ҳар қайсингиз қалъадин бурун чиқсангиз, инъом берурман ва қўрқуб қолганингизни ўлдурурман» (307- бет). Муаллиф томонидан ниҳоятда усталик билан тасвирланган Динмуҳаммадхоннинг ўйинлари ва юқоридаги нутқи орқали китобхонлар бағритош, аммо жасур, шухратпараст бир шаҳзоданинг вояга етаётганлигини ҳеч бир изоҳсиз ҳам англаб оладилар.

Ана шу ўйин устига Сом отли подшо келиб қолиб, Динмуҳаммадни ҳақоратлаш учун унга тош ва тупроқ ҳадя қилганда Динмуҳаммад жойидан сакраб туриб, хон ҳузурига келади ва қўл қовуштириб унга таъзим қилади. Сомнинг бу ҳолатга қаҳри келиб, мен уни сўқдим, у менга таъзим қилади деб таажжубланганида Динмуҳаммад шундай жавоб қайтаради: «... Сиз менга тош ва тупроқ бературурсиз. Шаҳар ва вилоят тош-у, тупроқдин бўлур». Ана шу донолик билан айтилган жумлаларда хушомадгўйлик ҳам, ҳар қандай йўлдан билан бўлса-да, тожу тахтга эга бўлиш учун интилиш

сезилиб турибди. Ҳақиқатан ҳам, Динмуҳаммадхон шавкатни кутиб ўлтурмасдан, уни курашиб қўлга киритувчилар тоифасидаги шахслардандир. Ҳали ёш йигит эканида ўз атрофига садоқатли йигитлардан лашкар тўплаб отасидан берухсат талончилик, бойлик орттириш йўлига кирази. У бу йўлда қариндошларини ҳам аямайди. Унинг, Муҳаммадғози султоннинг, ниҳоят, тахтга чиқиши асарда ёрқин тасвирланган.

Абулғози «Шажараи турк» асари тилини ишлашда жумлаларнинг ниҳоятда содда ва тушунарли бўлишига алоҳида аҳамият берган. Чунки соддалик — бадийликнинг бош мезонидир. Абулғози асарларини тил нуқтаи назаридан текширган машҳур шарқшунос олимлар соддаликни Абулғози мемуарлари тилининг фазилати сифатида баҳолайдилар!

Маълумки, адабий тил халқ жонли сўзлашув тилидан маълум даражада пишиқлиги, адабий жиҳатдан қайта ишланганлиги билан фарқ қилади. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, Абулғози мемуарларининг адабий тилимиз тараққиётига ўтказган таъсири ҳамда аҳамияти аниқ бўлиб қолади. Бироқ, Абулғози асарлари тилини ўша давр ўзбек халқининг жонли сўзлашув тилига қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Чунки Абулғози халқнинг жонли сўзлашув тили заминида мустаҳкам туриб, уни ўз мемуарлари тилининг материали сифатида қабул қилади, тер тўкиб, маҳорат билан ижодий қайта ишлаш жараёнида бадий қимматга эга бўлган адабий тилга айлантиради. «Шажараи турк»нинг тили ниҳоятда раво, жумла тузилиши содда, мантиқан тушунарлидир. Унда халқимиз жонли сўзлашув тилидаги бойлик қамраб олинган, биз уни ўқигач, сўзлар хазинасига дуч келгандек бўламиз. Ундаги ранг-баранг синонимлар, антонимлар ва архаизмлар, турли-туман бадий тасвир воситалари, фразеологик бирикмалар ва ҳикматли сўзлар муаллиф нутқини ҳам, персонажлар нутқини ҳам безаб туради. Биз юқорида келтирганимиз мулоҳазаларда Абулғози мемуарларининг тили ўзининг соддалиги, ҳар қандай жимжимадорликдан, мураккабликдан ҳолилиги, тушунарлилиги жиҳатидан ҳатто «Бобурнома»дан устун туради, деган тезисни учратдик. Бунинг эса объектив сабаблари ҳам бор эди, албатта.

Ҳақиқатан ҳам тўғри таъкидланганидек, Абулғози

Ўз мемуарларини яратишда XVI аср Хоразм тараққий-парвар адабиётининг илғор анъаналаридан ижодий фойдаланиш билан бирга Хоразм хонлиги ҳудудида яшовчи ўзбек халқининг жонли сўзлашув тилидаги сўз бойликларидан, барча имкониятларидан унумли фойдаланган. Абулғозининг ўз тили билан айтганда, «туркий ва форсий тилини ва луғатларини ва ислоҳатларини билмоқликда» («Шажараи турк», 62-бет) унга тенг келадиган киши Хоразм ҳудудида яшовчи туркманлар орасида ҳам, тожиклар орасида ҳам, шунингдек, ўзбеклар орасида ҳам топилмаган. Шу боисдан унинг ўзи бу ишни, яъни халқ тарихининг бадиий йилномаларини ёзиб қолдириш ишини бажаришга киришган: «Тақи бир нимарса сабаб бўлиб, Қолмиққа боруб анда бир йил турдум; мўғул тилининг расмини ва ислоҳларини яхши ўргандим» («Шажараи турк», 62-бет).

Туркий, форсий, мўғул ва араб тилларининг билимдони бўлган Абулғозининг «Шажараи турк» асари сўз бойлигининг улкан бир хазинасидир. Бунинг далилини биз асардаги уруғлар ва тарихий шахслар номларининг ҳам туркча, ҳам мўғулча, ҳам форсча вариантларининг берилишида кўриб турамиз: «Ёсугайнинг беш ўғли бор эрди. Наслининг кўпроғи оқу-сари, кўзлари ашҳол бўлди. Мўғул ашҳолни бурғуған дер. Анинг учун Ёсугай баҳодирнинг наслини Бурчиған Қиёт дерлар. Олонқува айтиб эрди: «Менға келиб жуфт бўлғон кишининг рангги оқ-сари, кўзлари бўғчуған теб. Анинг айтган сўзин нишонаси тўққуз орқада маълум бўлди. Бу сўз тақи маълум бўлсинким, кишининг кўзлари — анинг чеки қора бўлса, оқи оқ бўлса, бу нечук бирлан оқнинг орасидағи жойлари қора ва қизил бўлса, араб ани ашҳол дерлар, мўғул бурчиға дер. Анинг учун Бурчиған Қиёт дерлар» («Шажараи турк», 108-бет). Кўриниб турибдики, юқоридаги жумлалар ҳар қандай мураккабликлардан ҳоли, содда ва тушунарлидир. «Шажараи турк» деярли бошидан охиригача ана шундай содда ва равон услубда ёзилган. Шу боисдан ҳам уни ҳар бир китобхон ҳеч бир қийналмасдан ўқий олади ва жумлалар маъзини чақа олади.

«Шажараи турк»даги сарлавҳаларнинг қўйилишида ва шундан кейинги дастлабки жумлаларнинг мантиқан тузилишида асар тилига хос бўлган муҳим бир хусусиятни кузатамиз. Ундаги ҳар бир сарлавҳа ўша лавҳа-

нинг мазмунини ўзида мужассамлаштиради. Сарлаваҳадан сўнг бошланадиган биринчи жумла эса, ўша воқеанинг содир бўлиш сабабларини очиб беришга қаратилган бўлади. Бундай ўринларда ҳам Абулғози тилидаги ихчамлик, тежамкорлик, ҳажм сиққиқлиги ва мазмун аниқлиги кўзга ташланиб туради. «Шажараи турк»да архаизмлардан, неологизмлардан, синоним ва антонимлардан, сифатлаш, ўхшатиш, муболаға ва жонлантириш каби бадий тасвир усулларида ҳам ёзувчи ўринли фойдаланганки, буларнинг барчаси бирикиб, Абулғозининг бадий тил устаси эканлигидан далолат беради.

ХОТИМА

Ўзбек бадий насри жуда қадимий тарихга эга бўлиб, унинг илдизлари халқ оғзаки ижодининг қадим-қадимлардан бери машҳур бўлиб келаётган эртақчилик ва дostonчилик анъаналарига бориб тақалади. Ана шу эртақлар ва дostonлар таъсирида бўлса керак, тарихнавислик пайдо бўлди, ахлоқ-одобга оид фалсафий-дидактик, диний-дидактик асарлар майдонга келди. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» каби фалсафий-дидактик асарлари шулар жумласидандир.

Юқорида тилга олинган «Қутадғу билиг» ва «Ҳибатул-ҳақойиқ» каби асарларда жамият тарихига оид мулоҳазалар панд-насихат қилиш йўли билан ифодаланса, Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий» асарида диний фалсафа ахлоқ-одобга оид дидактик қарашлар билан қоришиқ ҳолда ифодаланган. Шунингдек, афсона, ривоятлар ва реал тарихий фактлар заминида «Равзатус-сафо» каби соф тарихий асарлар ёзилди. Айни чоғда афсона ва ривоятлар, тарихий воқеалар асосида ёзилган соф тарихий асарларнинг услуби ва тилида анча мураккаблик кўзга ташланса, «Бобурнома», «Шажараи турк» каби тарихий-бадий мемуар асарлар услубининг раволиги, тилининг соддалиги, бадийлиги билан ажралиб туради.

Ғоявий мундарижаси билан, асардаги воқеалар баённинг ягона услубга бўйсундирилгани билан бадий насрнинг нодир ёдгорлиги бўлган «Шажараи турк»нинг муаллифи Абулғози Баҳодирхон ўзигача бўлган тарихий манбалар, халқ оғзаки ижодиёти ва классик ёзма

адабиётимиздаги барча бойликларни танқидий ўзлаш-тирган, ўз даврининг билимдон тарихнависи бўлибгина қолмай, ўзбек бадий насрининг ривожига муносиб ҳисса қўшган адиб ҳамдир.

Абулғози «Шажараи турк» асарини яратишда халқимиз дostonчилигидан ва классик ёзма адабиётимиздаги қиссачиликдан ижодий фойдаланди. Шу боисдан ҳам муаллиф жуда кўп ўринларда «Ўғузхон» дostonи, «Чингизхон» дostonи деган ибораларни ишлатадики, ҳақиқатан синчиклаб назар ташласак, бу тарихий шахсларнинг фаолиятлари тасвирланган ўринлар ўзининг содда мазмуни ва бадий юксак услуби билан саргузашт дostonларга ниҳоятда монанд келади. «Шажараи турк»да ҳам классик ёзма дostonчилигимиздаги яхлит бир ғояни ифодаловчи композицион бутунлик кўзга ташланиб туради. Худди «Қутадғу билиг», «Гул ва Наврўз», «Юсуф ва Зулайҳо» дostonларидаги сингари йирик марказлашган феодал давлатни улуглаш, ўзаро қирғин урушларни қоралаш, осойишталик ва фаровонликни тарғиб қилиш ғояси «Шажараи турк»нинг бошидан охиригача сюжет йўналишини белгилаб беради. Шунингдек Абулғозининг йирик насрий асар яратишдаги маҳорати унинг Ўғузхон ва унинг авлодлари, Чингизхон ва унинг авлодлари ҳамда ўз аждодлари тарихини қатъий бир туркум дostonларига бириктирадиган марказий ғояни топа олганлигида кўринади. Ниҳоят, муаллиф маҳорати ўзига замондош бўлган тарихий воқелик, ҳаётий материалар билан, жуда кўп тарихий шахслар ва персонажлар фаолиятлари орқали ўз даврининг сиёсий руҳини, ижтимоий-иқтисодий қиёфасини реал бўёқларда кўрсатувчи бадий асар яратишга муваффақ бўлишида кўзга ташланади. «Абулғози асари орқали биз ўша катта қиссанинг айрим эпизод ва хотималаридан хабардор бўламиз. Бу Абулғози асарининг аҳамиятини янада ошириб юборади»¹.

Биз «Шажараи турк»ни бадий асар тили нуқтаи назаридан кўздан кечирар эканмиз, Абулғози классик насримизни бир овозлиликдан кўп овозлиликка томон дадил силжитганини кўрамиз. Унда муаллиф баёнидан ташқари жуда кўп тарихий шахслар ва персонажлар ўзига хос, такрорланмас ўз овозлари билан сўзлашади.

¹ Корогли Х. Огузский героический эпос. М., 1976, 99

Натижада уларнинг ҳар бири ўз даврининг одами, ўз синфининг типик вакили сифатида гавдаланади.

Бадий прозанинг етук намунаси бўлган «Шажараи турк»да асар ғоясига уйғун ҳолда портрет ва пейзажнинг тасвирланиши ҳам уни бадий насрнинг намунаси эканлигидан дарак беради ва ўзбек бадий насри тараққиётида улкан ўрин тутганлигини кўрсатади.

Абулғози Баҳодирхоннинг тарихий-бадий асарлари «Бобурнома» каби содда ва тушунарли тилда ёзилган. «Шажараи турк» бошқа тарихий мавзулардаги китоблардан фарқ қилиб, ўзининг бадийлиги билан «Бобурнома»га яқин туради. Абулғози адиб ва шоир Бобур аъналарини давом эттирди, ривожлантирди. У «Шажараи турк» асарини яратиб, маданиятимиз ва адабиётимиз тарихида мемуар адабиётни янги босқичга кўтарди. Профессор Н. М. Маллаев: «Бобурнинг «Бобурнома»сидан илҳомланган қизи Гулбаданбегим форс-тожик тилида «Хумоюннома» асарини яратди. XVII асрда Абулғози Баҳодирхон томонидан ёзилган «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима»да «Бобурнома» аъналарининг таъсири равшан кўринади»¹ — деб таъкидлаган эди.

Абулғози ўз даврининг истеъдодли адиби сифатида ўздан аввал яшаб ижод этган салафларидан ибрат ва мадад олганидек, унинг асарлари ҳам ўздан кейинги санъаткорлар учун дастуриламал бўлиб қолди. Муаллиф аъналари, айниқса, Мунис ва Огаҳийга баракали таъсир кўрсатди. Улар Абулғозининг тарихнавислик аъналарини қабул қилиб, янада ривожлантирдилар. XIX асрда Шермуҳаммад Мунис томонидан бошланиб, Муҳаммадризо Огаҳий ёзиб тамомлаган «Фирдавсул-иқбол» шубҳасиз, Абулғози асарларининг таъсири остида ва ундан фойдаланиб ёзилган тарихий асар бўлди. Бу муаллифлар ўзларигача бўлган тарихий даври ёритишда кўп ўринда Абулғозининг тарихий асарларига мурожаат қилганлар ва мўъгабар манба сифатида таянганлар. Мунис ва Огаҳийнинг «Фирдавсул-иқбол» асари «Шажараи турк»нинг давоми сифатида қаралиши лозим. Бу икки нодир асар бир бутун

¹ Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи, 1-китоб, Т., 1976, 608-бет.
одна проза - айта тилани бут
126

ҳолда Хива хонлиги тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлиб, ўша давр Хоразм халқи маданияти, урф-одати, бадий тилини ўрганишда ҳам асосий манбалардан бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий» номли тарихий асариди ҳам Абулғози анъаналарининг ўрни бор эканлигини, Абулғози тарихнависликда мактаб яратган санъаткор эканлигини алоҳида қайд этиш керак бўлади.

Ниҳоят, Ўрта Осиё давлат ва маданиятининг ривожланишида юз берган қарийб икки асрлик инқироздан кейинги уйғониш Абулғози Баҳодирхоннинг ижтимоий-сиёсий ва ижодий фаолияти билан бошланади. Зотан, Амир Темур вужудга келтирган марказлашган давлат, феодализмнинг тараққий этган шароити Алишер Навоий бошлиқ улкан алломаларни майдонга келтиргани каби ажойиб кўтарилиш Абулғозидан кейинги Хоразм маданияти тарихида ҳам кўзга ташланади. Мунис Хоразмий, Комил Хоразмий ва, ниҳоят, Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг серқирра ижодий фаолияти шундан далолат беради. Шу боисдан Абулғозихон ижодий фаолиятини ўрганиш беҳад катта аҳамиятга эга.

«Шажараи турк» энг аввало тарихий асар сифатида машҳур. Бироқ, бу билан унинг моҳияти тамомила белгиланиб қолмайди. Агар тарихчилар «Шажараи турк» ка қорақалпоқлар, туркманлар ва ўзбекларнинг ўтмиш тарихларини яратишда фактик материалларга бой бўлган манба деб қарасалар, ундан турли фан соҳаларининг мутахассислари — археологлар ҳам, географлар ҳам, табиатшунослар ҳам, фойласуф ва ахлоқшунослар ҳам, этнограф ва этимологлар, адабиётшунослар ва тилшунослар ҳам ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича қимматли далиллар ва мулоҳазалар топа оладилар.

Афсуски, бу нодир ёдгорлик яқин-яқинларгача кенг қўламда ўрганилмай, тарғиб этилмай келди. Қайта қуриш даврининг шарофати, миллий маданиятимизга бошқача муносабат туфайли «Шажараи турк»нинг нашр этилиши Абулғози фаолияти, асарларини ўрганиш ва тарғиб қилишнинг дебочаси сифатида диққатга сазовор ҳодиса бўлди. Эндиги вазифа бу асарни ҳар томонлама тадқиқ ва тарғиб этишдир.

МУНДАРИЖА

«Шажараи турк»ни ўрганиш тарихига оид	4
---	---

I Б О Б

«Шажараи турк» яратилган тарихий-маданий муҳит . . .	13
Тарихий муҳит ва маданият	13
«Шажараи турк» ва унинг муаллифи	33

II Б О Б

«Шажараи турк»да тарихий воқеалар тасвири ва унинг бадний хусусиятлари	41
Тарихий воқеалар ва уларнинг бадний тасвири	57
«Шажараи турк» ва унинг мемуар хусусиятлари	69
Тарихий шахслар тасвири, бадний хусусиятлари	80
Халқ ҳаёти, урф-одатлари тасвири ва унинг бадний қиммати	86
Шаҳар ва қишлоқларнинг бадний тасвири	86

III Б О Б

«Шажараи турк»нинг бадний услуби	95
Баён ва тасвир усуллари	97
«Шажараи турк»да сажъ	100
«Шажараи турк»да фольклор қирралари	106
Хотима	124

ҲАЛИМ ХУДОЙНАЗАРОВ

«ШАЖАРАИ ТУРК» ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Тошкент «Ўқитувчи» 1993

Муҳаррир М. Аҳмедов
Бадний муҳаррир Б. Жўраев
Техн. муҳаррир Д. Габдраҳманова
Мусаҳҳиҳа Г. Насриддинова

ИБ № 6063

Теришга берилди 8.12.92. Босишга руҳсат этилди. 26.04.93. Формати 84×108/32. Тип қоғози. Литерат. гарнитураси. Кегли 10 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 6,72. Шартли кр-отт. 6,825. Нашр. л. 6,52. Тиражи 6500. Зак. 15.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент—129, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 13—72—92.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Янгиуъл ижара китоб фабрикаси, Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44. 1993.

•ЎҚИТУВЧИ•